


**МУҲАММАД ДИБ**

**ЖАЗОИР  
ҚИССАСИ**

РОМАН



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ

Тошкент — 1970

Эллагинчи йиллар... Жазоир француз мустамлакачилари зулмидан ҳали ҳориж бўлгунича йўқ. Аммо революция бўрони волимларга даҳшат солиб гувилламоқда... Қутурган мустамлакачилар эса тобора ҳаддидан ошмоқда. Талвасага тушиб қолган жазо отряди кичкина бир Жазоир қишлоғига қўққисдан ҳужум қилади. Деҳқон кулбалари аланга ичида қолади. Муштипар оналар фиғон чекади. Бегуноҳ гўдаклар чинқиради. Бу азоб-уқубатларнинг ниҳояси борми?

Ҳа, қуёш нурини булут доним тўсолмайди.

Ватанпарвар ёзувчи Муҳаммад Диб ўз асарида ана шулар ҳақида ҳикоя қилади.

Русчадан

Рустам КОМИЛОВ таржимаси

---

I

— Уф, бирам димки... нафасинг қайтади, — дея ҳансираганча осмонга боқди Закия. — Сал шабада бўлса ҳам майлиди. Лоақал кечасиям иссиқнинг дами пасаяй демайди-я.

Қиз отасига ўгирилди, иссиқдан лоҳас бўлиб кетган Мухтор Ройи сал ўзини босиб олди.

— Чироқ уйни баттар иситиб юборяпти, азбаройи худо, — дея пўнғиллади у нохушлик билан.

Унинг тепасида катта лампочка ёниб турарди. Ичкарироққа тикилсанг, боғ кўзга чалинади, у Мавритания\* услубида қурилган ҳовлининг давоми бўлиб, ҳовли билан уни ҳашаматли пештоқ ажратиб туради. Ҳовли бамисоли театр саҳнаси каби чароғон қилиб ёритилган, аммо боғ

---

\* М а в р и т а н и я — Африканинг ғарби шимолий қисми, қадим замонларда ва ўрта асрларда у ерларни шундай деб аталар эди.

қоп-қоронғи. Ана шу қоронғилиқда шилдираб сув оқади, чирилдоқлар чириллайди.

Мухтор Ройй стулга суянганича қоронғилиқка тикилади. Унинг олдида юмалоқ стол ва қамишдан тўқилган учта стул. Закия пештоқ остидаги қоқ ерга ўтирди. У ўз фикрлари билан банд.

— Унг томонда, девор олдидаги диванчада Ройй кампир, Мухторнинг онаси ўтиради, унинг бутун вужуди бўшашиб, бошини эгганча ухлайди.

Закия билан отаси теварак-атрофдаги воқеалардан бежабардай чурқ этмасдан ўтирадилар.

Мухторнинг кетидан эшикда пайдо бўлган хотинининг:

— Ё чироқни ўчирсакмикан-а? — деган овози эшитилади.

Мухтор Ройй хотинига кифти оша боқиб, майли, дегандек бош силкитади. Емна чироқни ўчиради, энди ҳовли юзини хоналардан тушаётган хира шуълагина ёритиб туради.

Емна эрининг рўпарасидаги стулнинг бир чеккасига омонатгина ўтиради. Унинг чеҳрасида паришон табассум намоён бўлади; бу табассум беташвиш бахт-саодатдан дарак беради.

Мухтор Ройй орадаги жимликни бузиб, лоқайд товуш билан қизига:

— Закия, она қизим, муаллималик ўрнини сўрамайсанми? — дейди.

— Оҳ, дадажон...

— Тўғри,— деб ўша лоқайд товушда сўзини давом эттиради Мухтор Ройй,— сен бакалаврлик унвонини олиш учун эндигина имтиҳон топширдинг, бунинг устига ҳозир таътил кунлари... Лекин шундай бўлса ҳам, муаллималик қилсанг яхши бўларди-да.

— Ҳа,— дейди Закия, эшитилар-эшитилмас.

Қўққисдан уйғониб кетган бувиси пўнгиллайди:

— Худо кўтарсин! Муаллималик қилиш! Ундан кўра, қизингга эр топгин, муаллималик қилишдан кўра унга эр зарурроқ. Кимсан, Мухтор Роййнинг қизи бўла туриб, ишласа-я. Сизларни нима жин урди, бутун шаҳарга майна бўлмоқчимисизлар?

Закия безовталиқ билан ижирғаниб қўяди. Емна бинт Толиб сергак қайнана-сига қарайди-ю, лекин гапга аралашмайди.

Мухтор Ройй бирдан қаддини ростлайди-да, онасига эътироз билдирмоқчи бўлади:

— Ая, бизнинг давримизда хотин-қизлар ишлашга қодирлар ва ишлашлари ҳам...

— Бизнинг давримизда? Ажамми!

— Ўзингиз яхши биласизки...

— Бизнинг давримизда! Бизнинг давримизда!

— Ҳозир...

Мухтор Ройй ҳали гапини тугатмасида-

ноқ, кампир яна уйқуга кетади. Мухтор Ройй стул суянчиғига суяниб ўтиради.

Мухтор Ройй тор елкали, қотмадан келган киши. У ниҳоятда олифта, лекин эски модада кийинган. Капалак нусха қилиб боғлаган галстуги, кўкрак чўнтагидаги шоҳи дастрўмолчаси, оёғидаги оқ парусин туфлиси, ўзига ёпишиб турадиган оч кул ранг костюми — буларнинг ҳаммаси йигирманчи йилларни эслатади. Мўйловлари юқорига буралган. У ҳали унчалик кекса бўлмаса-да, қалин сочлари пахтадай оқариб кетган. Унинг ёши элликлар атрофида, лекин бирор нарсага узоқ вақт тикилиб қолувчи хаёлчан, дилгир боқиши унинг ҳаётдан ҳориганидан дарак беради.

Раҳима патнис кўтариб кириб хона бекасининг олдига қўяди. Емна чойнакни олиб чой қуя бошлайди. Мухтор Ройй хотинига қарайди.

— Хўш, қани, бунга сен нима дейсан?

— Менми? Нима тўғрида сўраяпсиз?

— Муаллималик қилиши тўғрисида-да.

Емна қизига кўз қирини ташлайди.

— Очиғини айтсам, билмайман.

— Закиянинг муаллималик қилишининг нима ёмон томони бор?— дея яна такрорлайди Мухтор Ройй.— Ҳеч қандай муболағасиз, сирасини айтсам, ахир бу жуда ҳам ажойиб бўлар эди-да.

Емна эрига стаканда чой узатади.



— Ҳаво жуда исиб кетди! Кириб ухлайман,— дейди Закия.

— Намунча шу маҳалдан ухламансанг? Аввал чойингни ичиб ол,— дейди онаси.— Ма, бувингга узатиб юбор.

Закия Емна узатган чойни олиб, кекса Ройи хонимга узатади. Кампир уйқудан кўзини очиб хўриллатиб чой ича бошлайди. Закия отасининг ёнига бориб, қўлини ўпади.

Мухтор Ройи эркалаб қизининг сочини силайди.

— Сенга нима бўлди? Шу пайдан кириб ётмоқчимисан? Азиз муаллимам, арзнома ёзишни унутмайсанми?

Закия онаси томонга ўгирилиб, унинг кафтини ва қўлининг орқасини ўпади. Кейин эса бувисини қучоқлайди.

— Бора қол, қизим, бора қол,— деб пичирлайди бувиси.

Закия уйга кириб кетади.

— Мазаси йўққа ўхшайди, чарчаган бўлса керак,— деб қўяди Мухтор Ройи.— Кейинги кунларда жуда кўп ишлаб юборди. Кичкинтой заҳматкаш!— андак ўйлаб олгач, сўзини давом эттиради.— Ҳаво шу қадар ўртаниб кетяптики, қиз шўрлик ҳолдан тойиб, йиқилиб қолиши ҳам мумкин.

— Эй, гап унда эмас!— дейди хотини.

— Гап унда эмас дейсанми? Бўлмаса, нимада?

Кекса Ройи хоним шу орада яна пинакка кетиб, хуррак ота бошлайди.

— Эшитяпсизми, онангиз хуррак тортишга бошладилар.

Емна ўрнидан туриб кампирнинг қўлидан стаканни секингина олади-да, яна жойига келиб ўтиради.

— Ойи, ҳо ойи,— деб чақиради Мухтор Ройй,— ичкарига кириб ухласангиз бўларди.

Кекса Ройй хонимнинг дарҳол ҳуши ўзига келади.

— Нима? Нима дединг? Ҳечам уйқум келаётгани йўқ. Менга бунча меҳрибонлик қилмай қўя қол.

Мухтор Ройй билан хотини бирдан ўгирилиб боғ томонга қарайдилар, чунки кимдир боғ эшигини тақиллатаётганди. Мухтор Ройй чўнтагидан соатини олади.

— Тўққиз ярим, бу аканг бўлса керак.

Мухтор Ройй боққа чиқади. Боғ эшиги гижирлаб, эркак кишининг овози қулоққа чалинади:

— Йўл-йўлакай кирдим, дўстим. Йўқ, йўқ. Фақат бир дақиқага.

— Қани, ичкарига киринг! Кираверинг,— деб келган одамни киришга ундайди Мухтор Ройй.

Емна ҳали ҳам аввалгидай ўзича жилмайиб туради. Унинг акаси Оллал ва акасининг кетидан эри Мухтор боғ оралаб кириб келадилар.

— Мен бир зумгагина кирдим, синглим! Тан-жонинг соғми? Қалайсан?

— Бир зумгагина кирдим дейсизми?

Емна ўрнидан туради-да, кулиб бориб акасининг кифтидан ўпади. Оллал оҳиста синглисининг бошига кафтини тегизиб, бармоқларини лабига босади.

— Худо ҳаққи, бу сафар бир неча дақиқагагина кирдим, жуда-жуда ишим кўп... У... ў... Розия хола, сиз ҳам шу ердამидингиз? Сизни кўрмай қолибман, айбга буюрмайсиз!— У кекса Рой хонимнинг ёнига боради.— Ҳаққимга дуо қилинг, холажон, худои таоло сизни ҳам лутфу карамидан баҳраманд қилсин...

— Худойим сени ҳам лутфу карамидан баҳраманд этсин, ўғлим. Қариликнинг роҳати борми?

— Ҳа, барча кулфатларнинг боши қариликдандир, деганлари ҳақ гап,— дейишади кампир билан ўғил бараварига.

Ҳаммалари кулишади.

— Тайёр чойнинг устидан чиқдингиз, бир стакангина ичсангизчи...

Эру хотин яна дастурхонга ўтиришади. Оллал Толиб Мухтор Ройнинг таклифига жавоб бермай:

— Хафа бўлмасангиз, азизим, мен Розия холамнинг ёнларига ўтирсам,— дейди.

У, гижим бўлмасин учун шимини гўғрилаб кекса Рой хоним ёнидан жой олади. Синглиси унга чой қуйиб узади.

— Сизларни худойим ўз паноҳида ас-

расин, — дейди Оллал Толиб. — Менинг ар-  
занда кироманда жиянчам қани?

— Ухлагани кириб кетди, — дейишади  
эру хотин.

— Шу пайтдан-а? Куннинг дами қайт-  
масдан-а?

— Ҳа, шундай! — дея хитоб қилади  
кекса Ройй хоним. — Ҳатто мени ҳам ки-  
риб ётишга мажбур қилмоқчи бўлишди.

Оллал Толиб тепакал бошига бир оз  
шабада тегсин учун, фескасини олиб ёни-  
га қўяди. У эскича кийинади, қорнининг  
устида олтин занжир осилиб туради. Чор-  
паҳилдан келган, тикмачоқдек, юм-юма-  
лоқ, аммо вазни оғир, ёши қайтган (у  
эллик олтига қадам қўйган) бўлса-да, сер-  
ҳаракат, қувноқ кўринади. У бир ерда  
сабри чидаб ўтира олмайди.

— А... воқеалар, Мухтор Ройй?.. Тез  
кунда биз воқеалар қандай тус олишини  
кўрамиз-а?

— Ким билади дейсиз?

— Ким билади? Сиз биласиз! Ахир,  
сиз давлат хизматидаги одамсиз-ку. Шун-  
дай экан, ҳозир гапираётганингиздан ор-  
тиқроқ биласиз. Йўқ, баҳслашманг! Бу  
ҳақда гапиришингиз мумкин эмаслигини  
мен яхши тушунаман.

— Очигини айтганда, менимча... Бу-  
ларнинг ҳаммаси ҳали-бери эпақага ке-  
либ, ўз изига тушмайдиганга ўхшайди.

— Эҳ-ҳ! Айтмабмидим, сиз ўзингизни  
билиб билмасликка солиб юрасиз деб, си-  
расини айтганда, сиз ҳамма воқеалардан

хабардорсиз... Илло шуни билиб қўйингки, шахсан мени ҳозирги аҳвол унчалик безовта қилмайди,— мен сиздан шунчаки қизиқиб сўрадим, холос. Менда етарли даражада кофе захираси бор, заводим ҳали узоқ вақт ишлаб туришга қодир. Башарти...

Эркаклар бир-бирларига қарашади-да, кейин хотинларга назар ташлашади.

Орага маънодор сукут чўкади.

— Ундай бўлса, сизнинг ишингиз йирик,— дейди ниҳоят Мухтор Ройй.— Бу ишларнинг ниҳояси кўринмайдиганга ўхшайди.

— Эй... ҳечқиси йўқ... Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ,— эшитилар-эшитилмас жавоб беради Олал Толиб.

— Сиз нима тўғрида гапиряпсиз?

— Биласизми, Мухтор Ройй, мен ҳар бир нарсанинг ҳам ижобий томонини топишга ҳаракат қиламан, башарти топгудай бўлсам, худога шукур қиламану қолган қисмини хаёлимдан тамомила чиқариб юбораман. Мен — соддаман, муғамбир эмасман...

— Муғамбирмассиз-ку, лекин ўз фойдангизни кўзлаб иш қилишга жуда устасиз. Ахир сиз буни рад этмайсиз-ку.

— Нега рад қилишим керак экан? Мен ўз манфаатимнигина кўзламайман-да, лекин кўнглимда заррача ҳам гина-кудурат йўқ... Шошманг, шу тобда эсимга бир нарсаси тушиб қолди. Илоҳият факультетида

таълим олган бир студент билан орамизда бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеани гапириб берай. Мен у йигитни ниҳоятда ҳурматлардим: унинг қилиқлари ёқимли ва ҳар бир сўзидан ниҳоятда оқил бола экани яққол сезилиб турарди. Ёш бўлишига қарамай, жуда кўп нарсаларни биларди.

Оллал Толиб жим бўлиб қолади, у хотираларга берилиб кетади, кейин илжайди-да, элас-элас сезиларли истеҳзо билан гапини давом эттиради:

— Айниқса, унинг олижаноблиги мени қойил қолдирарди: ўзи жуда камбағал эди-ю, лекин мол-дунёга нафрат билан боқарди. У мени ўз дўсти деб биларди. Сирасини айтсам, бу менга жуда ҳам хуш келарди. Мен кўпинча: «Қандай олижаноб йигит-а, мендай содда бир одам билан улфат бўлишдан ор қилмайдами, демак, муваффақиятлар уни эсакиратмапти. Ғоят бебаҳо йигит! Ҳеч бир инсон олдида ўзининг шум тақдиридан нолимайди, бошқаларнинг бахтига ҳасад қилмайди, кайфиятини бузмайди», деб ўйлардим. Мен унинг софдиллигига тамомила ишонардим, бу дўстлик аввалги танишларимдан тортган жабру жафоларим эвазига келган бир мукофотдай туюларди. Унинг сўзларига қулоқ солар эканман, (Оллал Толиб маъноли тиржайиб қўйди...) завқ-шавққа тўлиб кетардим, чунки унинг мулоҳазалари ғоятда бамаъни кўринарди. Дўстим менга тез-тез...

У дўсти қилган қўл ҳаракатларга ўх-

шаш ҳаракат қилишга уринади ва овозига тақлид қилиб гапиради:

— «Худои таоло сени ўз паноҳида асрасин, Оллал Толиб. Кофени таб бериб қовуриб қўйиш фойдали ва савобли иш». Уша вақтлардаги ишим ғарра-шарра яшашимга имкон берарди. Олим дўстим бундан хабар топибди. Унинг қариндош-уруғи йўқ эди, шундай бўлишига қарамай, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ эди, чунки мен унга бамисоли ўз туғишган укамга қарагандай қарардим, шуни ҳам айтиш керакки, ҳар қандай вазиятда ҳам у ўзини жуда сипо тутарди. Дўстлик қўли билан узатилган ҳар қандай ёрдамни у ёш руҳоний нозу истиғносиз қабул этарди. Ҳа, ҳа, у совғаларни олар экан, ўзини шу қадар лоқайд тутардики, ундан миннатдор бўлганим учун кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетарди... Қунлардан бир куни эрталаб студент тушмагур қаёққадир ғойиб бўлди! Менга ҳеч нарса демай, бедарак йўқолди! Жуда алам қилди, лекин ўзимни оғирликка солдим. Инсонга хос бўлган унинг кўрнамаклиги ҳақида бош қотирмадим! Унутдим. Худо уни ёрлақасин! Кишиларни таъна-маломат қилишдан нима фойда?

Оллал Толиб хаёлга чўмади. Кейин илова қилади:

— Бу тўғрида нима қилиб гап очиб ўтирибман-а! Лекин гапимга ишонаверинг, табиатан, мен сабр-қаноатли, борига барака деб кетаверадиган одамман, мен-

чалик ювош, кўникувчан одамнинг топилиши қийин бўлса керак. Менинг ақл-идроким эмас, балки илмим камроқ, Мухтор Ройй.

— Дўстим,— дейди Мухтор Ройй,— ни-ма учун...

— Шундайку-я, лекин ҳеч ким мени мақтамагандан кейин ўз-ўзимни мақтайман-да. Менимча, бу тушга таъбир айтиш ва қўни-қўшнилари-нинг ғийбат қилишдан кўра яхшироқ! Ҳар қалай гуноҳкор бўлмайсан киши. Гапларим тўғрими, Розия хола? Нотиқлик истеъдодидан баҳраманд бўлмасам-да... ҳеч кимни хафа қилмайман. Менинг наздимда ҳамма одамлар фариштага ўхшаб кўринади!

Емна хахолаб кулиб юборади.

— Оҳ, Оллал, худо ҳаққи, қўйсангизчи бундай гапларни!

---

## II

---

**А**ланганинг қизил тилчаси бир кўтарилиб тушади-да, чайқалиб, милтиллайди, сўнгра тутай бошлайди, чунки эшик, деразалар ёпиқ, уй жуда димиқиб кетган. Бедра чалқанча ётади ва кўзларини зўрға йириб-йиртиб хонанинг у бурчагида ёнаётган қора чироқнинг ғира-шира ёруғида гўё эрини яхши таниб ололмагандай унга



ажабсиниб қарайди. Бедрани яна уйқу элтади, у болалари ёнига кириб, донг қотиб ухлаб қолади.

Бедра кечаси хамир қилиб қўйганди, ҳозир уни ёпиш керак, холос. Эри бармоқларини ботириб кўради. Хамир ошган. Марҳум\* пичирлайди.

— Тезроқ бўлиш керак, бўлмаса хамир ачиб кетади.

У шоша-пиша хамирни нон қолипларга жойлаштиради-да, уларни хуржунга жойлаб, кейин эшакка ортади.

Ферманинг қоронғи ҳовлисида қўнғир эшак йўлга чиқишга тайёрлигини билдираётгандек ер тепиниб туради. Марҳум хонага қайтиб киради-да, хотинини туртиб уйғотади. Қора чироқни ўчириб, хонадан чиқади. Оғилхонадаги моллар гивирлашади, гоҳ товуқ-хўрозларнинг қанот қоққани, гоҳ қақолагани эшитилади. Қўйлар гўё уйқусирагандай оҳиста маърашиб қўяди.

Марҳум қўнғир эшакни етаклаб кўчага чиқади-да, тош супача устида туриб, эшакка ҳар иккала оёғини бир томонга осилтирган ҳолда миниб олади.

— Хих!— деганича товони билан эшакнинг қорнига ниқтайди. Эшак йўлга тушади.

---

\* Марҳум сўзининг биздаги «вафот этган» маъносидан ташқари «раҳм қилинган», «худо шафқат қилган» деган маънолари ҳам бор. Бу ерда Марҳум ана шу маънода. (Тарж.).

Кичкина, бақувват туёқлар «тақ-туқ» қилиб тош йўлга урилади-да, катта йўлга олиб чиқадиган сўқмоққа бурилади. Сариқ қоронғилик бағрида аста-секин тонг ёриша бошлайди.

Яна андак вақт ўтади, майин шабада далалар юзини сийпаб кетади. Сутдай ёришган осмонда сўнгги юлдузлар ғойиб бўлиб, тонг отади.

Марҳумни шу заҳоти йўл чеккасига суриб чиқариб қўядилар, юк машиналари ва француз қўшинининг «жип» маркали машиналари шовқинидан унинг қулоғи битади, машиналар чанг кўтариб шаҳар томон қуюндай учиб боради. Марҳум солдатларга, гўё уларни пайқамаётгандай бепарволик билан қарайди.

«Машиналаридан тортиб, каска ва мундирлари-ю, қурол-яроғларигача Американики бўлгандан кейин ўзларининг нималари қолди? Фақат териларими?» — деб ўйлайди Марҳум.

Қўнғир эшак майда қадам ташлаб йўрғалайди, унга яхшилаб ўрнашиб олган Марҳум ўзича мулоҳаза қилади. Осмон тобора ёришиб боради.

Француз солдатларини кўрганда, Марҳумнинг эсига кечаги жанг келади. Кечаси соат ўнлар чамаси, у энди ўринга чўзилганди, Бебра ҳали уй юмушлари билан ғимирсилаб юрарди. Шунда, тўсатдан қардадир портлаш овози эшитилди. Шундай қаттиқ гумбурладики, ер силкиниб кетди. Пулемётлар «та-та-та»лай бошла-

ди, унга жавобан тўплардан ўқ узилди, бир лаҳзада ёз осмонини гумбурлаган отишма ёлқинлари тутиб кетгандай бўлди. Отишмалар қандай дафъатан бошланган бўлса, шундай дафъатан тинди. Ҳамма шовқин-сурон тинчлик қаърига кириб ғойиб бўлди. Яна неча бор ўқ узилди-ю, сўнг ҳамма ёққа қабристон сукунати чўкди.

Ватанпарварлар темир йўлни портлатишганини Марҳум шу заҳотиёқ англади.

Мовий ва сарғиш-қизил рангда товланган куннинг яллиғи батамом ҳамма ёқни бир текис эгаллайди. Қуёшнинг тиниқ нури ялангликка ёйилади, дала-даштлар ана шу шуълада бамисоли жимжит туриб қолгандек. Кўз илғамас электр тоқлар ҳавони кесиб ўтаётганга ўхшайди.

Аста-секин молларни ҳайдаб чиқа бошлайдилар. Далада одамлар пайдо бўлади. Уларнинг кўланкалари экинлар олдига кўзга элас-элас ташланади. Жуда баланд осмонда битта-иккита қушчанинг парвоз қилиб юргани кўринади. Уларнинг чуғурлаши зўр-базўр қулоққа чалинади.

Олисларда, беҳосил адирларда, деҳқонларнинг уйларини кактуслар ихота қилиб турган жойларда, қандайдир шарпалар ғивирлашиб юради. Булар эгнига узун хом сурп кўйлак кийиб, ўз томорқаларида ғимирсилаб юрган деҳқонлар эди. Улар шаффоф ҳавода кичкинагина бўлиб аниқ-таниқ кўринадилар. Агар бир ерда ҳаракатсиз турсалар, тош ёки оқиш бута-

лар деб ўйлаш мумкин эди. Ундан олисроқда офтобда қовжираб кетган қизғиш рангли тошлоқ ерда найза учли барглари-ни кўкка чўзиб агавалар<sup>1</sup> ўсади. Тепаликлар ортида ўт-ўландан тамомила бебаҳра бўлган қорамтир-сарғиш баланд тоғлар тизмаси ястаниб ётади.

Эшак минган бошқа деҳқонлар ҳам шаҳарга йўл олган эдилар. Жигар ранг, кенг ва узун чопонларидан уларнинг тоғликлар эканини пайқаш мумкин. Қишлоқ хўжалик ишчилари эса, европача кийиниб, пиёда кетишмоқда. Дам ўтмай йўлда француз солдатларини олиб кетаётган юк машиналари гумбурлаб келиб Марҳумнинг ёнидан ўқдай учиб ўтади. Ҳар сафар машина ўтганда Марҳумнинг қалбида ғазаб қайнайди.

Қуёш тик келганда Марҳум шаҳарга яқинлашиб боради. Хода ҳамда тиканли симлардан ясалган ғовлар унинг йўлини тўсарди, у ерда соқчилар — қурол-яроғ таққан учта полициячи турарди. Биттаси Марҳумга яқинлашиб келиб, тўхташни буюради:

— Эшакдан туш!

Марҳум француз тилини билмаса ҳам, лекин буйруқни тушунади.

— Қўлингни кўтар!

Деҳқон мундир кийган полициячининг қўл ҳаракатига тақлид қилиб, буйруғига итоат қилади. Полициячи унинг у ёқ-бу

---

<sup>1</sup> А г а в а — жанубда ўсадиган чиройли дарахт.

ёғини тимирскилайди, чўнтаklarини титкилайди, кейин қўнғир эшакни кўздан кечиради, эгар-жабдуқни текшириб, хуржунларни ағдар-тўнтар қилиб ташлайди.

— Булар нима?— деб сўрайди полиция қолипга жойлаштирилган хамирларни кўрсатиб.

Марҳум қолипларнинг қопқоғини очади. Француз қолипдаги хамирни синчиклаб текширади.

— Ҳужжатларингни кўрсат.

Марҳум қолипларнинг қопқоғини тарақлатиб ёпиб, қоғозларини полициячига узатади. Полициячи гувоҳноманинг у ёқ-бу ёғини ағдариб текшираркан, Марҳумнинг кўзларида сезилар-сезилмас истеҳзоли кулги намоён бўлади. Ниҳоят, полициячи Марҳумга гувоҳномасини қайтариб, ўтиб кетавер, дегандек бош ирғатади.

Соқчилар шаҳардан чиқаётган барча жазоирликларни тинтув қиладилар. Аммо европаликлар ғовдан бемалол ўтишаверади, улар кета туриб тинтилаётганларга нафратомуз назар ташлаб, уларни таҳқирлаб, мазах қиладилар.

— Хих!— дея ўшқиради Марҳум қайтадан эшагига минаркан.

Деҳқоннинг мовий, ўта мусаффо кўзларида ҳали ҳам бояги истеҳзоли кулги кўриниб туради. Марҳумнинг ёши қирқларга бориб қолган бўлса-да, лекин сиртдан қараганда анча ёш кўринарди. Соқоли қиртишлаб олинган-да, бежирим қилиб мурдча қолдирилган. Унинг эғнида кул

ранг тикдан куртка ва шарвор, бошида эса, жимжимадор қилиб ўралган оқ салла.

«Кундан кунга,— деб ўйлайди у,— бизларни борган сари қаттиқроқ исканжага олмоқдалар. Кўз очиргани қўйишмайди-я! Жазоирлик ишчи ёки деҳқон эканини сездиларми, бас, шу заҳоти полициячилар ҳам, солдатлар ҳам ишқал чиқаришга уринадилар».

Марҳум шаҳарни айланиб ўтишга мажбур бўлади, чунки шаҳарнинг ҳамма кўчалари тиканли симлар билан тўсиб қўйилган. Ниҳоят, новвойхонага яқинлашади, новвойхона эшигида бола-бақрасини олиб келган хотин-халажлар гужгон ўйнашади. Марҳум хотин-халажлар орасидан ўтиб, қоп-қоронғи катта йўлакка киради. У тандирга иккита оқ бўлка ва тўртта япасқи қора арпа нон қўяди.

Бу орада унинг эшаги ўчоқ боши олдидаги пўчоқларни ейиш учун дайдиб кетиб қолади. Марҳум унга қувиб етади ва уриб-уриб жойига қайтариб олиб келади.

Кўчани айланиб ўтиб, Марҳум яна тўхтайди, чунки чорраҳа тўсиб қўйилган, шаҳарга кириб келишидаги сарсонгарчилик яна такрорланади. Марҳум бу тўсиқдан бир илож қилиб ўтади, лекин юз метрча юрар-юрмас соқчига дуч келади. Яна уни эшакдан тушириб, қўлини кўтарган ҳолда деворга қаратиб қўйилган жазоирликлар қаторига бориб туришга

мажбур қилишади. Орқада француз солдатлари милтиқларини отишга шай қилиб, ўқталиб турадилар. Яна тинтув бошланади.

Ниҳоят, уни бўшатиб юборишади, у эшагини шовқин-сурон кўтариб зир югуриб юрган олағовур бозор томонга қараб ҳайдайди. Ватанпарварларнинг ҳаракати шаҳару қишлоқ, яъни бутун мамлакатни қамраб олгандан бери мустамлакачилар тинчлигини йўқотиб қўйган.

Марҳум Аҳмад Фаслнинг баққолчилик дўкони олдида тўхтаб, эшагидан тушмай чақиради. Дўкон эшигида қалин матодан кўйлак кийган киши пайдо бўлади. Бу одам Марҳумга нотаниш.

— Нимагадир мен сени илгари кўрмагандим,— дейди ҳайрон бўлиб Марҳум.— Менга икки литр лампа мой берсанг, сўраб-нетган одамларга элтиб беришим керак. Идишни ол, ана орқада боғлоғлиқ турибди.

Баққол индамай идишни ечиб оладида, дўконга кириб кетади. Деразанинг ойналарини шу қадар қурум босиб кетганки, ичкаридаги нарса сираям кўринмайди. Эшикдаги эски лавҳанинг айниб кетган қизил ранги устига ингичка-ингичка қора ҳарфлар билан: «Баққоллик моллари ва тамаки», деб ёзиб қўйилган.

Баққол дўкондан чиқиб Марҳумга идишини узатади:

— Мана.

— Аҳмад қаерда?

Замона зайли билан баққол бўлиб қолган киши нима дейишини билмай чайналади.

— Қамалиб қолгани йўқми, ишқилиб?

— Ҳа, қамалиб қолди,— дея эшитилар-эшитилмас жавоб беради баққол.— Олтита боласи қолди!.. Мен унинг қайнисиман.

— Нима! Аҳмадни ҳам тутиб кетишдими?

Баққол бирор нарса дейишга тили бормади, ҳатто бошини кўтариб Марҳумга қарамади ҳам.

— Менинг жиянимни ҳам қамашди,— деди у овози ичига тушиб.— Менга яқиндагина хабар қилишди. Уни қаерга олиб кетишганини ҳам билмаймиз.

Марҳум лампа мой солинган идишни эгарнинг орқасига боғлаб қўйишга уринади.

— Бизникилардан икки кишини,— дейди у, ўткинчиларни кўз қири билан кузатар экан,— бундан тўрт кун илгари нақ даланинг ўзида отиб ташлашди. Улар ўтоқ қилгани боришганди. Уч кишини қамоққа олиб кетишди, уйларини эса талашди.

Лампа мой идишни боғлаб бўлгач, баққолга ўгирилди:

— Эшитдингми? Бугун кечаси...

— Бугун кечаси дейсизми?.. Ҳа,— дея секин жавоб беради баққол.

Марҳум лампа мойнинг пулини тўлаб жўнаб кетади.



Ҳали, анча барвақт эди, лекин шундай бўлса-да, кун қизий бошлаганди. Ҳаво аста-секин мисдай қизиб борарди. Марҳум Ҳожи Салиминг қаҳвахонасига қараб йўл олди. Деҳқонлар кўпинча ўша қаҳвахонада тўпланишарди. Марҳум бу ерда таниш-билишларимдан битта-яримтасини учратарман, деган умидда эди. У, нуқул қўзғолончиларга қўшилган тўнгич ўғли Бенали тўғрисида ўйларди. «Бенали уларнинг қўлига тушмайди, башарти, шундай фалокат рўй бериб қолгундай бўлса, ўғлим уларнинг кўпини бошини ейди...» Марҳум фикрини интиҳосига етказа олмади.

Бир куни кечаси қишлоққа бир тўда қўзғолончилар келиб қолишди: қишлоқ аҳолиси уларга бошпана беришга рози бўлди. Қўзғолончилар кетгач, қарашса Бенали ҳам ўшалар билан бирга гойиб бўлибди. Бедро фарёд уриб йиғлади:

— Вой болам! Вой болагинам!

— Овозингни ўчир!— деб уни йиғидан тўхтатди эри.

Хотини дарҳол жим бўлди-ю, фикрингга тушундим дегандай эрига бақрайиб қолди.

Шу-шу бўлди-ю, на ота, на она Бенали ҳақида гапиришадиган бўлишди.

— Худойим ўз паноҳида асрасин!— дея дуо қилади Бедро, ёлғиз қолган кезларида.

Бир неча кундан кейин француз солдатлари келишди. Шунда қишлоқда қол-

ган бутун йнгит-яланглар тоққа чиқиб кетишди.

Марҳум шу пайтгача ўзини ўлдиришмаганига, ҳатто бошқа деҳқонларга қўшиб қамашмаганига ҳали-ҳали ҳайрон.

Ҳожи Салимининг қаҳвахонасида бемабол янгиликларни ўртоқлашиш мумкин, чайқовчилар, савдогарлар ва даллоллар бу ерни ўзларининг қароргоҳлари қилиб олганлар. Ҳар кунгидай бугун ҳам қаҳвахонада одамлар гавжум.

Айвон бир оз бўшроқ бўлса ҳам, Марҳум залга кириб ўтиришни маъқул кўрди. Мижозларнинг одатига яхши тушуниб қолган официантлар фақат уларнинг ўзлари чақирсаларгина бориб, «Сизга нима керак?» дейдилар, улар Марҳумни безовта қилмайдилар. Марҳум қаҳвахўрларни синчиклаб кўздан кечиради. Залда шовқин-сурон: кишилар тўлиб-тошиб гаплашмоқда, у ёқдан-бу ёққа сурилган курсиларнинг оёқлари ғижирлайди, туфлилар тап-туп қилади, ҳар хил овозлар эшитилади. Шовқин-сурон ҳатто четроққа чиқиб хаёл суриб ўтирган мижозларнинг ҳам фикрини бузиб юборади. Марҳум зора таниш кўриниб қолса деган умидда кутиб ўтиради.

Ярим соат ўтади, лекин ҳеч кимдан дарак бўлмайди.

Марҳум ҳеч нарса буюрмай ўрнидан туради. Одати бўйича, тўрт томонга энкайиб таъзим қилиб ташқарига чиқади. Кўчада у тинимсиз ҳаракатга дуч келади.

Марҳум келса тушовлаб қўйилган эшаги бу вақтда дарахт пўстлоғини ғажиялган экан.

---

### III

---

**Х**асса таянган новча бир чол шаҳар чеккасига келиб тўхтайти. У шошилмасди — афтидан, шошиладиган иши бўлмас керак. Бироқ у шунчаки сайр қилиб юрганга ҳам ўхшамайди. Мазмуни, унинг аллақандай мўлжали бору, лекин буни қандай амалга ошириш кераклигини аниқ билмайди. У дид билан кийинган: эғнидаги оппоқ ридо ва оқ камзул устидан ёпинган оқ чойшаб юзини ўраб олган. ёши анчага борганлигидан баджаҳл ва тунд кўринади.

Шаҳар кезадиган кишилар оқимининг энг лойқаси, шовқин-сурон, қулоқни батангга келтирадигани ва ҳидларнинг энг қўлансаси шу томонга йиғилади. Бутун кўчанинг иккала томонига қурилган дўкон ва дўкончаларда новвойларнинг нонини келтириб сотувчи нонфурушлар, бақриб-чақришган қашшоқлар югуришиб юришади. Оқ бурнус кийган чол ҳангу манг бўлиб қолади. У оломон орасига кириб борган сари дилгирлиги ортади — чунки унинг хавф олишида асос борлиги аниқланмоқда эди.

Бумиддин Дарвозасига етганида Бобо Оллал тўхтайди. Офтоб унинг кўзини қамаштиради. Куннинг тиғида косиблар пойафзал ямаб ўтиришади, теварак-атрофда эскифурушлар савдо қилишади. Ланж харидорлар у ёқдан-бу ёққа кезиб юришади. Улар чандон ёпишиб савдолашишади, қийишишади, энди савдо пишди деганда, бирдан сотувчи билан олувчи ажралиб кетишади. Бозорда эғни бошининг уवादаси чиқиб кетган саёқлар қилай деса иши йўқ, борай деса уйи йўқ, гоҳ унга, гоҳ бунга тегажаклик қилиб юришади. Бобо Оллал безовтароқ: бугун эрта билан барвақт унинг эшигини секин тақиллатишди — агар кундуз куни шундай тақиллатишгандами, балки ҳеч ким эшитмаган бўларди. Лекин Бобо Оллал уни эшитди, чунки бу сафаргиси бошқачароқ эди. Худонинг марҳаматини кўрингки, уйдагилар уйғониб кетмай, эшикни унинг ўзи очди. Эшик олдида қандайдир нота ниш бир киши турарди.

— Сиз Бобо Оллалмисиз? — деб сўради у.

— Ҳа. Нима эди?

— Ўғлингиз тўғрисида хавотирланманг.

— Хўш, ўзинг кимсан?

— Селкани танийсизми? Ўша билан учрашишга ҳаракат қилинг.

— Шошма-шошма, сен ўғлимнинг олдидан келдингми?

Аmmo бу вақтда нотаниш киши аллақачон ғойиб бўлганди. Чолнинг бутун аъзойи баданини қалтироқ босди.

Кунлардан бир куни, бундан ярим йилча муқаддам унинг ўғли Эмида қочиб кетганди, шундан бери унинг на ўлигидан, на тиригидан хабар бор. Бобо Оллал қочқин ўғлининг тилга олишларини ман қилди. Ахир Эмида унинг оталик ғурурини оёқ ости қилган эди-да. Башарти, ўғлинг ўлди, деб хабар келтиришганда ҳам парво қилмаган бўларди. Унга шундай туюларди.

У ўзича исёнкор ўғлимни хаёлимдан батамом чиқариб юборганман деб ўйларди. Нотаниш киши билан бўлган суҳбат уни уйдан чиқишга мажбур қилди. У қандай бўлмасин ўша Селка деган кишини кўришни истарди. Бироқ, Бобо Оллал у билан нима ҳақда гаплашажаги ва ундан кейин нималар бўлиши кераклигини билмасди.

Аввал у суриштириб билди: Селканинг касби темирчилик бўлиб, Бумиддин Дарвозаси олдида устахонаси бор экан. Бу Бобо Оллални ажаблантирди. Темирчи! Бунинг ҳайрон бўладиган ери йўқ, ахир, ҳозир ўзи шунақа замон! Афтидан, у бундай чалкашликларни англашга ожиз — жуда ҳам кексайиб қолган! Одамлар бир-бирлари билан ёвлашади, бир-бирларидан нималардандир шубҳа қилишади, умрининг охирида у ана шундай шароитда яшамоқда! Бунинг устига-

устак, бу каллаварамлар исён кўтаришди... Бобо Оллал исёнчилар бўлмағур иш бошлади, ақлга сиғмайдиган иш қилмоқдалар дейди ўзича. Ҳар қалай, чакки қилишяпти. У ўглини кечиргани йўқ. Бобо Оллал исёнчиларнинг яхши ниятли кишилар эканига ишонмайди, сираям ишонмайди! Булар ўтакетган қип-қизил жинни одамлар. Эҳ, қариган чоғида бу Эмидаси тушмағур бошга ортиқча ташвиш солдида! Кекса отасининг қалби нақадар азоб чекканини билса эди... У хижолатдан ерга кириб кетган бўларди! Бобо Оллал ўғли ҳақида бирор хабар топиш учун ана шу жулдурвоқи иркит оломон орасига кириб юрмоғи лозим. Ана иш қаерга бориб етди!

У ғамгин, хаёлга ғарқ бўлиб борар экан, яна бир ғовни босиб ўтади — полиция унга тегмайди. Оломон орасидан ҳассаси билан ўзига йўл очиб боришга тўғри келади, бу ҳол унинг асабини бузади. Қиладиган ишлари йўқ, бекорга санғиб юришади, фақат ўтишга халал беришади.

Эшаклар, бу мақбул, аммо ўжар махлуқлар бемалол унинг йўлини тўсаверади. Эшаклар орқасидан аллақандай сержаҳл кишилар чиқиб, қўполлик билан чол шўрликни туртиб ўтишади. Дафъатан, майдонга ёқимсиз ғажир-ғужур қилиб зирҳли машиналар кириб келади ва ўзининг темир тумшуғини оломон орасига тикади. Оломон орасида саросима бошланади. Бобо Оллални туртиб, йиқитиб

юборишларига сал қолади, оз бўлмаса уни босиб-янчиб кетишган бўларди.

Баҳайбат машиналар кўздан ғойиб бўлиши биланоқ оломон қўй подасидек холи қолган майдонга ёпирилади. Одамлар тўдаси жулдур кийимли бир ўспиринни олиб чиқади — у чакак-чакак бўлиб кетган, кўзлари олма-кесак теради. Бобо Оллал тўхтаб, ҳеч нимага ақли етмай, ҳайрон бўлганча туриб қолади. Ғовур-ғувур ва кўзни қамаштирадиган куннинг тигидан унинг чакка томирларидаги қони ўйнай бошлайди. У қўли билан кўзларини офтобдан яшириб йўлида давом этмоқчи бўлади-ю, лекин қимирлашга мажоли етмайди. Чол бутун куч-қувватини йиғишга уринади, лекин аъзойи бадани бўшашиб кетганидан худди биров ерга михлаб қўйганга ўхшайди. Одамлар тўдасининг кети кўринмайди...

Ундан бир неча қадам нарида бир дарвиш ҳар турли бўлмағур олди-қочди воқеаларни ҳикоя қилади. Унинг ёнида аёл фолбинлар — фусункор боқувчи жануб қизлари ўткинчиларни ўз ёнларига давват этадилар. Майдонни аллақандай қўланса ёғ ҳиди босади. Ҳамма ёқдан чуғур-чуғур шовқин-сурон эшитилади: биров бировни чақиради, кимдир овозини барала қўйиб сўкинади, гоҳо бир оҳангда айтилган қўшиқ эшитилади. Жарчи овозининг борича қичқиради, лекин барибир унинг нима деяётганини ҳеч ким англамайди. Бошига салла ўраган, икки юзи

қип-қизил бир киши чапак чалиб, жаза-  
васи тутиб, бошини сарак-сарак қилади.  
Унинг юз ифодаси тўхтовсиз равишда ўз-  
гариб туради: гоҳ ажабланган, гоҳ дарға-  
заб, гоҳ завқ-шавққа тўлган, гоҳ вазмин  
ифода кашф этади. У жонини жабборга  
бериб алланималар ҳақида тинмай гапи-  
ради, унинг бақирӣқ-чақирӣғи оломон-  
нинг шовқинини босиб кетади.

— Яқинроқ келинг, дўстларим, яқин-  
роқ! Мен сизларнинг дардингиз ҳақида  
бор гапларни айтиб бераман. Сизларни  
азоблаётган дарддан қандай шифо топиш  
йўлларини билиб оласизлар. Яқинроқ ке-  
линглар, яқинроқ!

Унинг оёғи остидаги бир парча мато  
устига кичик-кичик уюм қилинган шифо-  
бахш гиёҳлар, аллақандай уруғлар, тур-  
ли-туман рангдаги порошоклар, қуритил-  
ган калтакесаклар ва ҳайвонларнинг тиш-  
лари қўйилган. Лекин табиб ўз дори-дар-  
монларини бекорга ёйган. У бамисоли  
эшакнинг қулоғига танбур чертарди.  
Одамлар уни туртишиб-суртишиб ёнидан  
ўтиб кетишади, шифокорнинг гапга чечан-  
лигиям иш бермаяпти. Шундай бўлса ҳам  
бу ҳол уни сира ҳайрон қолдирмайди. Ши-  
фокорнинг гапдонлигига маҳлиё бўлиб  
қолган Бобо Олал бир неча дақиқа унга  
тикилиб қолиб, ҳатто ўзининг руҳий азо-  
бини ҳам унутиб юборади.

Бирдан унинг миясида ўғлининг қиё-  
фаси гавдаланади. Ханжар зарбасидек  
бир аламли оғриқ чолнинг вужудини те-



шиб ўтгандай бўлади. Ҳиссиётни ўз устидан ҳукмрон бўлишига йўл бермайдиган одам ҳам юрагини босиб ололмайди. Эмида бошқаларга ўхшамайди, у қўрқув нималигини билмайди. Ёшлик шуъласи бамисоли ундан ёгилиб турганга ўхшайди. Ахир қанчадан-қанча ёшлар худди юзга кирган чоллардек тирикчилигини зўр-базўр ўтказди. Эмида ундайлардан эмас. Унинг бир қориндан талашиб тушган оға-иниларида битта орзу бор, у ҳам бўлса, манмансираб юриш ва ўзини оёқ ости қилиб, камситмасликка уриниш. Эмида бўлса, ҳақиқат ахтаради. У ҳаётга ишонади, кеккайиш, мақтаниш нима эканлигини билмайди.

Чол аста-секин йўлида давом этади.

---

## IV

---

— Келиб, келиб сенинг ўғлингдек азамат бир йигит ўша ерга тушсинми? Қўйсанг-чи бўлмаган гапни? Уни қурол ишлатмай қўлга тушириб бўлишибди.

— Гапинг тўғрику-я, лекин...

Темирчининг кулгиси чолга гапини охирига етказишга қўймайди.

— Бу гап тўғри,— жаҳл билан такрорлайди Бобо Оллал,— лекин бу ишларнинг оқибати ёмонлик билан тугашига ҳам ахир ҳеч қандай шубҳа йўқ...

Селка хахолаб кулиб юборади. Унинг

хахолаши худди бўш бочканинг тош йўл-  
да юмалаб кетаётганига ўхшайди.

— Ҳар қалай, мен шундай ўйлай  
ман,— дея пичирлайди Бобо Оллал.

Селка ёғи чиқиб кетган фескасини қў-  
ли билан кўтариб қўяди, унинг остидан  
оқара бошлаган жингалак сочлари кўри-  
нади. У кулгидан тўхтайтиди ва чап кўзини  
қисганича суҳбатдошига боқади.

— Оқибати ёмон бўлади, дейсанми?  
Менинг сенга дўстона маслаҳатим шуки,  
уйингга боргин-да, тинчгина ўтир.

Унинг пахмоқ мўйловлари титрайди.  
Бу юзи ялпоқ, қурумга беланган, чорпа-  
хилдан келган полвон Бобо Оллалнинг  
рўпарасига ўтириб олади. Унинг афти  
баджаҳл тусга киради.

Селканинг орқасидаги темирчилик дў-  
конидан тарақа-туруқ овоз эшитилиб ту-  
ради. Унинг шогирдларидан бири қўрада  
чўғдай қизарган темир парчани узун қис-  
қич билан олади, бошқа икки шогирди  
эса оловда эриган темирни чўкич билан  
уриб жойига келтира бошлайди. Теварак-  
атрофдаги ҳамма нарсаларни қурум бос-  
ган, лекин қуёш нурлари остида ҳамма  
наrsa кўркам кўринади, ҳатто ишчилар-  
нинг қорайган кўзлари ҳам сурма қўй-  
гандай йилтираб кулиб туради. Бу ердаги  
бирдан-бир рангли наrsa яллиғланиб тур-  
ган темирчилик ўчоғи эди.

Бир неча секунддан кейин чўкич та-  
рақлашдан тўхтайтиди ва бир парча темир  
сув тўлдирилган идишга бориб тушади.

Сув бунга қаршилик қилгандай олдинига  
важиллаб қайнайди-да, кейин аста ўз ҳо-  
лига келади.

— У ватанимиз фарзандлари билан  
бир сафда кетяпти,— деб сўзини давом  
эттиради Селка.— Дунёда уларни тўхтата  
оладиган ҳеч қандай куч йўқ.

Бу сўзлар гўё Бобо Оллалнинг жаҳли-  
ни чиқаргандай бўлади.

— Борди-ю, у ҳалок бўлса-чи?— деган  
савол бўғзидан отилиб чиқади ва чол  
Селкадан кўзини олмай унга бақрайиб  
қолади. Чол бир дақиқа гўё ақлу ҳушини  
йўқотиб қўйгандай серрайиб қолади, лекин  
шу заҳоти ўзини йиғиштириб олади.

— У ҳолда умрини беҳуда ўтказма-  
ди дейиш мумкин бўлади,— жавоб бе-  
ради гумбурлаган товуш билан қора иб-  
лис.

— Ахир, бу ақлсизлик-ку!

Бобо Оллалнинг кўнглига, борди-ю ме-  
ни сира чиқиб бўлмайдиган авахтага қа-  
маб қўйишса-я, деган фикр келгандай бў-  
лади.

— Ҳозирги замонанинг болалари шу-  
нақа. Улар учун ҳаёт оддий эрмак  
эмас,— дея қўшиб қўяди Селка.

Лекин бунақанги сўзлар чолнинг меъда-  
сига жуда тегиб кетган, қаерга борса шу  
хилдаги гапни эшитарди. Чол индамайди.  
Бобо Оллал билан Селка занглаган темир-  
терсаклар, темир ғўлалар, темир гардиш-  
лар, арава темирлари, омоч тишлари уюлиб  
йўлкани тўсиб ётган тош кўчада гаплашиб

туришарди. Бобо Оллал буларнинг ҳаммасига ғамгин назар ташлайди. Унинг бу қарашида ҳазин ажабланиш бор эди.

— Шунақа гаплар!— дейди у ниҳоят, чолнинг афтидан уни хаёл олиб қочганлиги аниқ билиниб турарди.

— Хўш, илгари у яхши боламиди?— деб сўрайди Селка.

Чол боши билан тасдиқ ишорасини қилади.

— Демак, ишончингизни оқлабди,— дейди секингина темирчи. Бобо Оллал кўзларини юмади, чуқур қайғу излари унинг ажин босиб сарғайган юзларини кесиб ўтади.

— Бизларнинг энг яхши орзу-умидларимиз фарзандларимиз қалбида қулф уриб қатъий жасоратга айланди. Шундайми?

— Селка ниманидир ўйлаб қолади. Кейин ана шу раҳмсиз одам яна такрорлайди:

— Ҳа, шундай...— Лекин бирданига кўнглида бор гапларни айтиб бўлмагандай, хатосини англаб қолади.— Кечаги яшаганимиздай яшаш энди маъносиздек бўлиб қолди. Юз йил ўтгандан кейин бир пайт оламда шулар ҳам яшаган эди деб биров эслармикин.

«Шундай одамда шунақанги фикрлар-а!»— деб қўяди ўзига-ўзи Бобо Оллал. Антрацит кўмир, темир ва куйдирилган мўғуз иси чолнинг асабига тегиб, унинг авзойи бузилади. Чол хўрсинади. Кўникишдан бошқа илож йўқ.

— Гапларингизга қулоқ солганда, киши беихтиёр сизларга ишонади... Албатта ҳамиша сизлар ҳақсизлар!..

У маъюслик билан бош чайқайди, шу маҳал эшак етаклаган аллақандай бир деҳқон темирчилик дўкони томон кела бошлайди. Бобо Оллал темирчи билан хайр-хўшлашади. «Ҳақиқатан ҳам дуруст одам экан бу темирчи»,— дея ўйлайди чол ва вақтинча ўз қайғусини унутгандай бўлади.

---

## V

---

**Х**овур чиқариб турган экинзорлар олдида эшак ва устидаги эгаси қора доғ янглиғ кўзга чалинади. Қўнғир эшак майда қадам ташлаб йўрғалаб боради, лекин ўрнидан силжимаётганга ўхшайди. Селка билан учрашган ҳамоно Марҳум орқасига қайтди. Вақт пешинга яқинлашмоқда. Ҳамма ёқдан жизгинак ҳиди келади. Қизиган ҳаво оқими мудроқ босган яланглик устида ялқовланиб оқади. Эрта-лабки саррин ҳавода жонланган ҳаёт ҳали замон сўниб қоладиганга ўхшайди. Куннинг иссиғи тобора авжга оларди.

Марҳум мисдай қизиб кетган ернинг ҳароратини сезмаётганга ўхшарди. У эшак устида букчайганча чайқалиб, мудраб боради, лекин шунда ҳам фикри мут-

тасил ишлаб турибди. Яқиндан бери унинг зиммасига янги вазифалар юкланган. Ўғли ғойиб бўлганидан бир неча ҳафта кейин унинг уйига партизанларнинг вакиллари кела бошладилар. Марҳум уларнинг илтимосларига кўра озиқ-овқат билан таъминлаши ва ишончлик бошпана топиб беришга рози бўлганди. Бу ерларнинг талайгина тоғлик қишлоқлари аллақачон партизанлар қўлига ўтганди. Марҳум бошқа деҳқонлар ёрдами билан иш олиб борарди.

Бундан ташқари у ўз районидаги ғайри расмий судьялардан бири бўлиб қолган эди. Бу судьяларнинг вазифасига ерлик аҳоли ўртасида чиққан жанжалли масалаларни ҳал қилиб бериш кирар эди. Энди қишлоқ аҳолиси мустамлака маъмурий судларига эмас, ўзларининг маҳаллий судьяларига мурожаат қиладиган бўлиб қолганди. Шунингдек, қўзғолончиларнинг қаровчисиз қолган бола-чақаларига ғамхўрлик ёки таъқибга учраган ҳамқишлоқларининг оилалари ҳолидан хабардор бўлиб туриш ҳам унинг зиммасига юкланган эди. У мураккаб масалани ҳал этиши, яъни ёрдам фондига йиғилган заҳираларни тақсимлаши лозим эди.

Марҳумнинг ич-ичига кириб кетган мовий кўзлари қатъият билан чақнайди. То уфққача чўзилиб кетган далалар устида иссиқ ҳаво жимираб туради. Марҳум кўзларини қисиб олисларга назар ташлайди. Чигирткаларнинг чириллаши

бамисоли ернинг ҳансираб нафас олишига ўхшайди. «Яхшилаб мустаҳкамланиб олиб, ҳаракат доирасини кенгайтириш керак. Ҳозирги энг муҳим масала ана шу», деб ўйлайди Марҳум.

Виждонан ишлаш унинг учун бир зарурат, шунинг учун ҳам у ишга киришиб кетди. Бир нафас унинг кўз ўнгида интиҳосиз дилгир ўтмиши намоён бўлади — йиллар кетидан йиллар ўтаверарди. Лекин ҳеч бир фарқи бўлмасди. У ҳамма нарсадан четда яшарди ва теварак-атрофда бўлаётган воқеаларни зўр-базўр пайқаб қоларди. Ҳар кунги ҳаёт юмуш ва ташвишлар билан тўлиқ бўларди, бу кўзга кўринмайдиган майда-чуйда ишу ташвишлар кишиларни бир-бирлари билан яқинлаштиришга ёрдам бериш ўрнига, уларнинг ораларига ўзлари бундан тамомила беҳабар ўтиб бўлмас бир ғов солади. Ҳозир-ку, у буларни тушунади. Қандай қилиб тушунадиган бўлиб қолганига ўзи ҳам ҳайрон. Аммо янги пайдо бўлган тарадудлар уни илгариги яшаб келган сеҳрли қафасдан халос қилиб, унинг қалбида ажойиб ҳис пайдо қилди. У бамисоли қайта туғилди. Шундан сўнггина, ҳамма нарсалар аниқ ва тушунарли бўлиб қолди. Илгари ҳам ҳаёт кечиряпман деб хўп юрган экан-да. У ҳаёт эмас, балки бемаъни бир тирикчилик ўтказиш, аллақандай ғафлатда яшаш эди!

Марҳумнинг қиёфаси ўзига хос бўлмаган ифода касб этади: у ўз фикрларидан

ўзи маст бўлиб жилмайиб қўяди. Энди унинг миясида ҳаёт ҳақидаги фикрларнинг таги кўринмасди.

Чап тарафда бир-бирига улашиб кетган тепаликлар — текисликни давом эттираётганга ўхшаш кўкимтир дўнгликлар мавжи кўзга ташланади, унга яқин тепаларда экин-тикинлар ва дарахтлар ямшил бўлиб кўринади, анча олисдагилар эса паст бўйли буталар билан қопланган. Бу тепаликларнинг ортида ҳеч қандай гиёҳ ўсмайдиган, забт этиб бўлмас тоғлар кўкка бўй чўзиб туради. Уларнинг устидан бирорта зоғ ҳам учиб ўтмайди. Харсанг тошлардан иборат бу тоғларнинг чўққиси қуёш шуъласида ялтираб туради.

Тепаликлар орасига бир неча уйлар жойлашган. Бу пастак уйчаларнинг кўча эшикларигина ялангликка очилади. Шу уйчалардан бирида Марҳум хотини ва уч боласи билан бирга яшайди, тўнғич ўгли тоғдаги партизанларга қўшилиб кетган. Унинг ери айланма тепаликнинг ёнбошига бориб туташган. Бу ерда бир неча туп бесўнақай зайтун ва шохлари тарвақайлаб кетган анжир дарахти бор, жиндек ерга буғдой, арпа ва сули сепилган. Бу ҳар қалай муҳтож бўлмай яшашга имкон беради: оиланинг йил бўйи ейдиган нони ўзидан чиқади.

Йўлнинг нариги томонида, ўнг тарафда француз колонизаторларига қарашли бўлган узумзор боғлар бошланиб кетади.



Қатор экилган яшил-сариқ рангли ток новдалари ялангликка бориб тақалади.

Марҳум қияликдан илон изи бўлиб тепага кўтариладиган сўқмоқ йўлга бурилади. Бу ерларда дарахту ўт-ўланлар тобора камайиб, тупроғи сарғишроқ ва тошлоқроқ бўла боради. Бу ерларни пастдаги қорамтир яшил рангда қулф уриб яшнаб ётган жойлардан кўзга илинмас чегара ажратиб туради. Эшак тепаликка кўтарилган сари туёқлари тупроққа ботиб, ундан чиққан овоз деярли эшитилмайди. Йўлнинг икки чеккасини ихота қилиб турган кактуслар жазирама иссиқда ўзларининг тиканли барглари билан кишини ҳайратда қолдиради. Шамолда кўкатларнинг қуриб қолган таналари шилдирайди.

Муюлишлардан бирида дафъатан бамисоли қоққан қозиқдай ҳаракатсиз турган деҳқоннинг гавдаси пайдо бўлади, у аста-секин қия бўлиб борадиган даланинг бир чеккасида туради. Бу, етмишларга бориб қолган паст бўйли чол. Унинг эғнида лойга беланган узун қизил бўз кўйлак. Қўллари энгларидан бамисоли сершоҳ бутоққа ўхшаб чиқиб туради. Қуёшда униқиб кетган юз-кўзларини оппоқ соқол босган бўлиб, қоп-қора қоши барқ уриб турарди. Чол ерга михлаб қўйилгандай қимир этмайди. Унинг қиёфаси содда кўринса-да, чуқур қайғу-алами борлигини кўзидан билса бўларди.

Марҳум бу чолга чин кўнгилдан ачинади, ўтган ҳафта унинг икки ўғлини отиб ташладилар.

— Худо сабр берсин, Сахли ота!— деб қичқиради олисдан Марҳум.

У эшагини тўхтатади. Анжир дарахтлари кўк-яшил новдаларини сал қимирлатиб қўяди, ҳавони семиз ўтнинг заҳарли қўланса ҳиди тутиб кетганди.

— Ота-боболарингни худо раҳмат қилсин,— дея гудурлайди чол.

Унинг кўксидан узилиб чиққан овоз инсон товушидан кўра кўпроқ тилсиз махлуқларнинг мунграшига ўхшаб кетади, шунинг учун Марҳум чолнинг нима деганини эшитмайди-ю, ақли билан топиб олади. Сахли ота ҳали ҳам турган жойида қимир этмайди, гўё шу ерда ўсган дарахтга ўхшайди. Марҳум йўлида давом этади.

Уйига етиб боргач, у эшакдан тушмай туриб:

— Ҳеч гапдан хабаринг борми хотин? Синглим Кеда, бизникига келадиган бўлиб қолди!— дея хабар қилади у.

Куннинг иссиғидан унинг икки юзи бўртиб кетганди.

— Эшакка михланиб қолдингизми? Тушсангиз-чи. Кеда қачон келармиш?— дея сўрайди Бедра.

Марҳум хотинининг гапи билан эшакдан тушади. Хотини хуржунлардан нон қолипларини олишга ёрдамлашади. Кейин Марҳум қўнғир эшакнинг эгар-жаб-

дуғини олиб, ниқтаб ҳовлига киритади. Ишдан қутулдим дея қувонган эшак шаталоқ отиб ўзини яйловга уради.

Ҳовли деворлари синька солинган оҳак билан яхшилаб оқланган, унинг тўрт тарафи қатор кетганча ток сўрилари. Бедро офтобдан қочиб ўзини шийпонча соясига олади.

— Хўш, синглингиз қачон келадиган бўлди? Вой-бў, айта қолсангиз-чи одамнинг юрагини сиқмай?

— Эртага,— дея жавоб беради ўзида йўқ хурсанд бўлиб эри, кўз қири билан хотинини кузатаркан.

— Ундай бўлса гўшт олиб келиш керак!

Марҳум чўккалаб ўтириб шаҳардан олиб келган нарсаларини хуржундан бирин-кетин ола бошлайди.

— Биласанми, мен баққолни... Аҳмадни учратолмадим,— дейди у яна хотинига.— У ҳам қамоқда экан. Ҳозир унинг ўрнига қайниси баққолчилик қиялп-тикан.

— Тавба, ўзи нима бўляпти-я! Худди вабо дориганга ўхшайди!

Марҳум нарсаларни хуржундан олиб бўлгач, ўридан туради. Бедранинг ранги бирданига бўздай оқариб, лаблари тиграйди, ичидаги бутун дард-аламини тўкиб солмоқчи бўлади. Лекин Марҳумнинг боқишидаги таъна-маломатни уқиб, титраб-қақшаганича бир илож қилиб ўзини босади.

— Сен нима дединг, кичкинтой?  
— Эртага муаллималик ўрнини беришларини сўраб арзнома ёзаман...

Иссиқ Мухтор Ройнинг жуда мазасини қочириб қўйганди. У стулда мудраганча букчайиб ўтирарди. Қизининг гапини эшитиши биланоқ ирғиб тушади:

— Закия, мен ҳаммасини яна бир бор яхшилаб ўйлаб кўрдим. Яхшиси бир оз сабр қилганинг маъқул.

Закия ердан кўзини олмай эътироз билдира бошлайди:

— Ахир бундан бир неча кун илгари ўзингиз...

— Мен сенга муаллималик қилгин деб маслаҳат бердимми? Эсимда. Аммо энди ҳамма нарса ўзгариб кетди...

— Эҳ, дада!.. Ахир ўзингиз қўярда қўймай роса авраган эдингиз-ку. Ўзининг ҳам хоҳишим шу эди. Бу жуда ҳам ажойиб иш бўларди-да!

— Опоқ қизим, яхшилаб танангга ўйлаб кўр... Хўп, бор ана муаллима ҳам бўлдинг дейлик, хўш, бундан сенга нима фойда?

Диванчада пишиллаб мудраб ўтирган бувиси бошини кўтариб, ер остидан уларни кузатади, лекин улар қараб қолди дегунча ўзини мудраётганга солади.

Яна жимлик чўкади. Қоп-қоронғи тун, ҳаво дим. Боғнинг ичкарасида шилдираб оқаётган сувнинг ҳам салқини йўқ.

— У ҳолда менга бакалавр дипломи олишнинг нима кераги бор эди?— деб секингина сўрайди Закия.— Шунча ўқишнинг нима ҳожати бор эди! Шу ҳолга тушиш учунми? Ғирт саводсиз кишидай яшаш учунми? Тушунолмаيمان...

— Закия, сен ақл билан мулоҳаза юритмаяпсан,— дейди Мухтор Ройй.— Ўзинг жуда яхши биласанки...

Қизнинг кўзи жиққа ёшга тўлади.

— Агарда бошқаларга ўхшаб иш кўришим лозим бўлса, шунча уринишимнинг нима фойдаси бор эди?— дея Закия дадасига қарайди.— Мен ўзимни бошқалардақа эмасман деб ўйлардим!..

— Ўзинг жуда яхши биласанки... бу мумкин эмас.

Кекса Ройй хоним бирдан уйғониб кетади.

— Қани айт-чи, нега сен ўзингни бошқалардан ўзгачароқман деб ўйлайсан? Икки яримта қоидани ўрганиб олганинг учунми? Ҳм! Сен ҳам ўшаларнинг, ҳамма қатори қизларнинг бирисан. Шундай экан, қийшанглаб мен андоғман, мен маңдоғман дейишга ҳаққинг йўқ. Манавини қаранг-а, муаллималик қилармишлар, ойимча!

— Менинг тақдирим бошқача бўлар деб ўйлабман. Менинг ҳам ўз фикрим бор эди.. Бас, маълум бўлдики, мен янглиш-

ган эканман, мени ҳам барча эгачи-сингилларимни кутган қисмат кутаркан. Менга гўё қўғирчоққа қарагандай қарайдилар. Алвидо, эркинлик...

— Закия, бас қил!— дея қичқиради кампир.— Отанг олдида шундай дейишга қандай тилинг боради! Нима бўлди сенга, шарм-ҳаёни йўқотиб қўйдингми? Сағал андиша ҳам керак қиз болага. Ўз «фикринг»ни ичингга ют. Сени эрга бериш керак, билдингми!

— Сизлар шундан бўлак ҳеч нима тўғрисида ўйламайсизлар,— дея эшитилар-эшитилмас жавоб беради Закия.

— Ўзингни сағал босиқроқ тутгин. Жуда қуюшқондан ташқари чиқиб кетясан! Отангнинг оғир ва кўнгилчанлигидан фойдаланиб ҳаддингдан ошмасанг бўларди... Унинг ўрнида мен бўлганимда, билмадим, сени нима қилган бўлардим. Даданг худо урган кўнгилчан...— кемшик тишлари орасидан пичирлайди кампир:— Ҳамма айб сенда, шунақа қиз ўстиргансан!

— Ойи, бас энди, етар!— дея кампирни тинчитишга уринади Мухтор Ройи.

— Хаҳ, қўй мени ўз ҳолимга! Онангга гап қайтарма! Сенларнинг ўқимишли бўлишларингни қараю, ўзларингни ёруғ дунёга келтирган кишини ҳам ҳурматламай қўйдиларинг. Ҳеч кимса қайнингни ёмон сўз билан ёд этмасин! Янги авлод ота-боболари иззат-ҳурмат қилган ҳамма нарсаларни инкор этади, деб жуда тўғри

айтганди. Вой-вое! Қандай замонларга қолдик! Шунн билиб қўйингларки, илм кишиларни табиат яратганидан кўра ёмонроқ қилса қилади-ю, яхшиламайди. Ҳа, ўзинг гап бошлаган экансан, энди жим тур, юрагимни бўшатиб олай. Нимзаники эккан бўлсанг, шунн ўрасан.

— Нима бўлса бўлар...— дея хўрсениб қўяди Закия.

— Худо хайрингни берсин, ҳадеб нолийверма, жонга тегди!— дея борган сари тажанглашиб гапини давом эттиради кампир.— «Бўлганча бўлар» дейсанми? Бу гапингдан, сени эрга бермоқчи эмас. балки сўйгани қушхонага олиб кетаётибди деб ўйлаш мумкин. Бу балолар менинг бошимга қайси гўрдан келди, сира ақлим етмайди. Бундай ишни эсимни таниб кўрган эмасман! Йўқ, манави маъсумликка бир қаранг-а! Фариштадай ювош кўринади-ю, аслида эса беҳаё! Мен бу тўғрида сенга аввал ҳам айтган эдим. Яна қайта айтаман!

— Ойи, ҳадеб жиғибийрон бўлаверманг!— Яна гапга аралашишга уринади Мухтор Ройи.— Бу иш...

— Нима, мен жиғибийрон бўляпманми? Қаёқдан чиқди бу гап?! Ҳечам-да! Мен тинчгина ўтирибман. Бу гапни қаердан олиб гапиряпсан?

— Ҳозир бу иш...

— Ўйлаб топганини қаранг-а! Жиғибийрон бўлаётганмишман!

Ўкинган кампир яна мудраб кетади.

Мухтор Ройи оғир хўрсиниб, стул суянчи-  
фига ўзини ташлайди.

На у ва на қизи лом-мим деб оғиз оч-  
ди. Иккови ўз ҳолича миясидаги далил-  
ларини бир-бир хаёлидан кечиради, шу  
алфозда бир неча дақиқа ўтади.

Кейин Закия оғир нафас олганча:

— Мунча иссиқ... Нафас олиб бўлмай-  
ди-я, дея кўкка боқади.— Ҳеч бўлмаса,  
сал шабада эсса ҳам майлийди.

Мухтор Ройи миясидаги фикрларидан  
зўрға ўзини қўлга олиб қизидан қайта сў-  
райди:

— А? Нима дединг?

— Иссиқ...

— Бу гапинг тўғри. Чироқ ҳавони беш-  
баттар қизитиб юборяпти, худо ҳаққи.

Уй эшигида Емна бинт Толиб пайдо  
бўлади.

— Балки чироқни ўчирсак дуруст бў-  
лар?— дея сўрайди у.

Мухтор Ройи хотинига ўгирилиб боши  
билан «ҳа, ўчирсанг ўчир», деган ишора-  
сини қилади. Емна ҳовлининг чироғини  
ўчиради-да, келиб курсига ўтиради. У  
ўтирган ерида нимагадир илжайиб қўяди.

Раҳима мис баркаш кўтариб кириб,  
уни бекаси олдидаги столга қўяди. Емна  
курсисини яқинроқ суриб, чойнакни ола-  
ди-да, чой қуя бошлайди. Раҳима сас-са-  
досиз оҳиста чиқиб кетади.

Емна чой қуйиб эрининг олдига қўяди.

Шу маҳал Закия:

— Бориб ухлайман,— дейди.



У ўрнидан туради.

— Аввал чой ичгин,— дейди Емна.—  
Ҳали эрта-ку, бирпас бизлар билан ўтира тургин. Ма, бувингга узат.

Емна Закияга чой узатади. Закия кекса Рой хонимга олиб беради. Кампир мудрашдан бошини кўтариб, хўриллатиб ича бошлайди. Ойиси Закияга ҳам чой қуяр экан, Закия қайтиб ўрнига ўтиради.

Охирида Емна ўзига ҳам чой қуяди. Чойдан бир неча ҳўплам ичиб, стаканни столга қўяди-да, қизига қарайди.

— Рангинг синиқиб кетибди, она қизим. Китоб ўлгирни ҳам жуда кўп ўқийсан-да. Ҳадеб ўқийверсанг, кўзингни ишдан чиқариб қўясан.

— Вой-вое, бу иссиқдан лоҳас бўлиб, сулайиб қолиш ҳам ҳеч гапмас,— дея гапга аралашади томдан тараша тушгандай Мухтор Рой.

Емна унга ўгирилиб қарайди.

— Гап бутунлай бошқа нарса устида-ку.

— Бу тўғрида эмасми? Бўлмаса, нима тўғрида?

— Қизимиз... Мен унга кўзингни асрагин деяпман...

Кекса Рой хонимнинг хуррагини эшитган Мухтор Рой:

— Ойим хуррак ота бошладилар,— дея пичирлайди.

Емна қизига қарайди, у индамай ўрнидан туриб, кампирнинг қўлидан стаканни секингина олади-да, онасига узатади.

— Ойи, хў ойи,— деб қаттиқ-қаттиқ чақиради Мухтор Ройй.— Бсриб ухласангиз бўларди.

Кекса Ройй хоним бирдан уйғониб кетади.

— Нима? Нима дединг? Сира уйқум келаётгани йўқ, ўғлим! Нега энди мени бориб ёта қолинг, деб ҳаракатга тушиб қолдинг!

— Шу орада кимдир боғ эшигини тақиллатади. Мухтор Ройй, хотини ва қизи боғ томонга қарайдилар. Мухтор Ройй чўнтагидан соатини олиб қарайди.

— Бу келган сенинг аканг. Ўҳ-ҳў-ҳў! Ўн минути кам ўн. Унга нима бўлди, шунчалик бемаҳалда ташриф буюрди экан?

Мухтор Ройй бориб эшикни очади. Эшик ғижирлаб очилиши билан:

— Мен йўл-йўлакай кирдим, дўстим, йўл-йўлакай кирдим,— деган қувноқ эркак овози келади.

— Олдин ичкари кирсангиз-чи! Сизга нима бўлди ўзи,— деб жавоб беради Мухтор Ройй.

— Мен бир дақиқага кирдим.

— Бугун бемаҳалроқ йўқладингиз.

Оллал Толиб, унинг кетидан Мухтор Ройй кириб келишди.

— Ҳа, йўл-йўлакай кирдим, синглим! Соғлигинг қалай? Яхши юрибсанми?

— Намунча?— деб такрорлайди Емна ва қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборади.

Емна ўрнидан туриб акасининг елка-

сидан ўпади. Оллал Толиб синглисининг бошига қўлини секин тегизиб, бармоқлари учини лабларига босади.

— Худо ҳаққи, бугун уйларингизда бир оз ўтираман, холос. Ишим жуда кўп... Ие, Розия хола, сиз ҳам шу ерда экансизку! Худо шоҳид, сизни кўрганимдан ғоятда хурсандман! У бошини эгади. Ҳаққимга дуо қилинг, худои таоло сизни ҳам барча лутфу карамидан баҳраманд этсин, саломатлик ато қилсин.

— Худо сени ҳам барча лутфу карамидан баҳраманд қилсин, азизим. Қарилкининг роҳати борми!..

Кампир дуо қилаётганида Оллал Толиб жиянига кўзи тушиб:

— Закия, суюкли жияним, сен ҳали ётганинг йўқми! Алҳамдулиллоҳ, сени кўрганимдан беҳад мамнунман...— дейди.

— Ҳамма фалокатларнинг боши кексалик дейишганича бор экан,— дейди охирида кекса Рой хоним.

— Айни чойнинг устига келдингиз, бирор стакан ичадиларми?— деб таклиф қилади Мухтор Рой.

Закия тоғасининг икки юзидан ўпади. Мухтор Рой билан хотини Емна ўз жойларига ўтирадилар. Оллал Толиб куёвининг гапини эшитмай, жавоб беради:

— Айбга санамасалар азизим, мен Розия холамнинг ёнларига ўтиб ўтирсам. Мен бу ўринни бутун бир мамлакатга ҳам алишмаган бўлардим.

Оллал Толиб кампирнинг ёнига ўтиб ўтиради. Синглиси бир стакан чой узатади.

— Худо сени ўз паноҳида асрасин. Баракалла жияним, жуда ажойибсан-да, а, ҳаво шундай дим бўлишига қарамай, мана биз билан ўтирибсан.

У ўзида йўқ илжайиб Закияга қарайди.

— Бу гапга нима дейсан?— дея мурожаат қилади Ройй кампир.— Улар мени бориб ётишга мажбур қилмоқчи бўлишди-я!

Оллал Толиб индамай нима тўғрисидадир ўйларди. Кейин:

— Бугун газламафуруш савдогар Бен Мерзукни дафн этдик. Худо жойини жаннатдан қилсин,— дейди.

— Айтишларига кўра, у ўлимни авлиёлар янглиғ мардона кутиб олганмиш,— дейди Мухтор Ройй.

— Яхши одам эди!— дейди Оллал Толиб ва бош чайқаб илова қилади:— Унинг уйига тинтув қилгани келишганининг боиси ҳам ўғлининг тоққа қочиб кетганида. Шу кўргулик эру хотинни жуда тинкаларини қуритди. Қандай баобрў одамлару, бошларига тушган ташвишни қаранг! Сира ақл бовар қилмайдиган иш! Бу зарба унинг учун кутилмаганда бўлди...

— Эй худо, ўлганларнинг жойини жаннатдан қилиб, қолганларга тинчлик ва хотиржамлик ато қил!— дея пичирлайди кекса Ройй хоним.

Оллал Толиб паст товушда сўзини да-  
вом эттиради:

— Ҳамиша ўлим ҳақ, эслаб юрсанг  
бас, осойиш топасан. Ўлим тўғрисидаги  
хаёл кишини умидсизликка туширмасли-  
ги керак. Аксинча, у ҳамма нарсани жой-  
жойига қўяди. Ўлим ҳақидаги фикр ҳаё-  
тимизни эзгулик нурлари билан ёритиб,  
муқаддас ҳарорат билан иситади. Лекин  
бу ҳиссиётни, итоаткорлик худбинларча  
ўзига шафқат деб аталадиган тушунчалар  
билан аралаштириб юборманг. Йўқ, бу бу-  
тунлай бошқа тушунча... Борди-ю, ишла-  
рингиз ўлим ҳақидаги фикрларингиз билан  
ҳамоҳанг бўлмас экан, у бизни бамисоли  
ҳамма нарсани хоки-тупроқ қиладиган  
аланга янглиғ маҳв этади, қалбимиз эса  
бир умр ёнмайдиган чалага айланади...

— Бизлар нимамиз? Ҳеч нима эмас-  
миз!— деб хитоб қилади Емна.

— Ҳаммаси худонинг иродасига боғ-  
лиқ, синглим. Одам худонинг хоҳишига  
қарши боролмайди. Шунинг унутмаслик ке-  
раки, у яратган оламдаги барча борлиқ  
мувозанатда. Ундаги ҳамма нарсалар ин-  
соф-адолат билан қилинган бузилмас  
тақсимотга асосланган. Тақдир одамларга  
бахту бебахтлиқни олдиндан белгиланган  
тартибда тақсимлаб беради. Ҳеч нима ана  
шу тақдири азални буза олмайди. Олам-  
да ҳар биримизнинг азалдан белгилаб  
қўйилган ўрнимиз бор. Оламнинг ана  
шундай тузилганининг табиий ва зарурий  
натижаси ўлароқ бизнинг бурчимиз ву-

жудга келади, оламдаги барча нарсалар мангу яшаши учун ҳаммаси бир-бирига боғлиқ, бир-бири билан алоқада.

— Кечирадилар, Оллал, бунга одам боласининг ақли етиши мушкул... Бизлар буни ҳеч маҳал англаб ололмаймиз!

— Эҳтимол! Ҳатто шак-шубҳасиз. Лекин менинг ақлим бобар қилишича, бизлар ҳеч маҳал эриша олмаслигимиз аён бўлса-да, худои таоло бизларни камологга эришишга ундаши қуёшдай равшан.

— Кишиларда эзгу ниятлар бору ўзлари эса ҳеч қандай қимматга эга эмаслар. Хўш, ўртада шундай бир савол туғилади, ҳеч қандай яхшиликка хизмат этмаган ниятлардан нима фойда? Инсоний табиат бузуқ экан, ниятлар ҳам бузилиб кетади, унинг ҳақиқий мазмуни ўзгаради, шунда улар кишиларнинг кўзларига тутилган пардага айланади.

— Сиз, мутлақо ҳақлисиз, Мухтор Ройй. Мен ўқимаган одамман, лекин...

— Ҳақлиманми? Бўлмасам-чи!

Суҳбатдошларнинг қулоғига кекса Ройй хонимнинг чуқур ва бир текисда пишиллаётгани эшитилди. Улар кампир томонга қараб қўйиб, секинроқ ганлаша бошлайдилар.

— Мухтор Ройй, сиз нима демоқчи эканингизни жуда яхши тушунаман... Биласизми, бу менга илоҳият факультетида ўқийдиган студент билан орамизда бўлиб ўтган кўнгилсиз бир воқеани эслатади... Оҳ, агар сиз билганингизда эди...

— Ака,— деб гапга аралашди Емна,— сиз бу воқеани кечагина...

— Ростдан-а? Наҳотки айтиб берган бўлсам? Ҳа, ҳа, энди эсимга тушди! Хотирамнинг жуда мазаси йўқ. Қовоқ бошман-да, қовоқ бош!— Оллал Толиб секингина пешанасига шапатилаб қўяди.— Минг хил ташвишни бир йўла кўтариб юришнинг оқибати шу-да! Лекин имоним комилки, сизлар бу воқеанинг давоми нима билан тугаганини билмай-сизлар.

— Билмаймиз. Қани, айтиб беринг Оллал, бизлар жон қулоғимиз билан тинглаймиз.

— Мен сизларга у йигитнинг яхши хулқи, ақлу идроки ва билими учун жуда ҳам ҳурмат қилганимни айтган эдим чоғи...

Қўққисдан уйғониб кетган кекса Ройи хоним унинг сўзини бўлади:

— Уғлим, гапларинг қулоғимга бирам мойдек ёқяптики, қани энди иложи бўлса, тонг отгунча эшитардим-а... Бироқ андак чарчаганман. Айбга санамайсан, мен кириб ётай.

Кампир инқиллаб Оллал Толибнинг ёрдамида ўрнидан туриб олади.

— Ҳечқиси йўқ, Розия хола. Мен кўп гапириб сизни толиқтириб қўйдим. Кечирасиз. Ҳаққимга дуо қилинг.

Кампир икки букчайиб, бир қўли билан белини ушлаб байбайлади.

— Вой-вое!

Оллал Толиб кекса Ройи хонимни ётоқ-хонасигача кузатиб қўйди.

— Яхши тушлар кўриб ётинг, Розия хола!

Кейин у қайтиб келиб ҳикоясини давом эттиради:

— Мен унга худди бир укамдай муомала қилардим ва қўлимдан келганича ҳолидан хабар олиб турардим. Сираси шундай қилиш билан мен ўз бурчимни адо этардим. Ахир: «Берганга бераман», дейилмаганми? Тасаввур этингки, бир куни дўстимни шайтон йўлдан оздирди-ю, у бедому дарак ғойиб бўлди. Мен бўлсам, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, жуда қаттиқ хафа бўлдим. Орадан бир неча ой ўтди, йил ўтди. Мен уни бора-бора унутиб юбордим, шу денг, бир куни эски қадрдонларим билан қаҳвахонада ўтирсам...

Оллал гапдан тўхтади, ўйлаб туриб, кейин тиржайди-да, гапини давом эттирди.

Бирданига жуда басавлат, ўзини бамисоли зодагонлардай тутадиган, чеҳраси нуроний, соқоли кўркам бир киши кириб келди...

Оллал тасавуридаги соқолни силаб қўяди.

— У мен ва дўстларим билан саломлашди, лекин мен уни ҳали ҳам таниёлмай турардим. Бирдан у менга мурожаат қилиб: «Хўш, ишлар қалай, қаҳвачилик устаси, мана мен яна юртингизга келиб қолдим...» деса бўладими. Мен ўзимни



қўярга жой тополмай қолдим, у ҳеч нар-  
сани писанд қилмай гапирарди! Бироқ  
мен билан шу йўсинда гаплашганига ха-  
фа бўлишидан кўра кўпроқ ажабландим.  
У ким экан денг? Уша дўстим экан! Ўзим-  
нинг эски қадрдоним, студент экан. Аммо  
у жуда ҳам ўзгариб кетганди! Шу қадар  
ўзгариб кетибдики, уни сира таниб олол-  
мабман, ахир, фисабиллоҳ ва марҳум ота-  
онам руҳи хотираси учун мен уни бир  
неча йил боққан эдим-да. Савлатини кўр-  
сангиз! Шу қадар такаббурки, асти қўя-  
сиз! Уни бир кўрган ҳар қандай катта  
амалдор ҳасаддан ёрилиб ўлган бўларди!  
Энди у билан илгаригидек ҳомийлик  
оҳанги билан гаплашишга йўл бўлсин...  
Айтмоқчи, орадан сал вақт ўтмай, у биз  
билан хайрлашиб чиқиб кетди. У менда  
ғалати таассурот қолдирди.

Оллал ўйланиб қолди.

— У кетиши биланоқ мендан кўра ях-  
широқ хабардор бўлган ошналарим бу  
собиқ руҳонийнинг саргузаштлари ҳақи-  
да сўзлай бошладилар. У мени тарк эт-  
гач, сафарга отланибди-да, пойтахтга етиб  
бориб жуда кўп қийинчиликларни боши-  
дан кечирибди. Кейин илоҳиятга жуда  
ишқибоз бўлган бир бадавлат бева хотин  
уни ўзига муаллим қилиб олибди. Тар-  
бияланувчи ўз тарбиячисига қараганда  
анча катта ёшда экан. Мураббий йигит  
шу қадар маҳорат билан ваъз-насиҳатлар  
қила бошлабдики, оқибат натижада бева  
хотин ўзининг барча молу мулкига эгалик

қилишни ундан ўтиниб сўрабди ва то бу таклифни қабул қилмагунча кўнгли таскин топмабди. У, йигит таълим берган диний ақидаларга бўлган муҳаббати туфайли шундай қилибди-ю, лекин биттагина шарт қўйибди, муаллим менга уйланиши керак дебди. Бу қадар омади юришганидан қувониб йигит рози бўлибди. Қўлига шундай катта маблағ кирганидан кейин эса, дўкон очиб шоҳифурушлик билан шуғулланиш хаёлига тушибди. Одамларнинг айтишларича, ҳеч кимса Жазоир хотин-қизларини лақиллатишда унинг олдига тушолмас экан.

Оллал Толиб тиржайиб ўз сўзига яқун ясади:

— Мен бор-йўғи «қаҳвачилик устаси»га айланганимдай, у ҳам фирибгарга айланиб кетибди.

Емна кулиб юборди.

— Ха-хо-хо! «Қаҳвачилик устаси!» Ака! Ха-хо-хо! Илоё гапингиз билан бор бўлинг! Унинг кўзидан ҳатто ёш чиқиб кетди.

Оллал ҳам кулиб юборди.

— Ҳа, синглим «қаҳвачилик устаси-ман». Ҳа, худди шундай. Лекин мен уни айбламайман. Мен ўзимнинг кўнгилчанлигим учунгина жабр кўрдим. Чин кўнгилдан гапиряпман: менга ҳамма одамлар фариштадай маъсум кўринадилар. Гапимга худо шоҳид бўлсин!

— Бизнинг давримизда кишилар ўзларининг холис ниятли эканликларини ис-

ботлашга қанчалик уринмасинлар, умуман олганда, ҳеч қандай қимматга эга эмаслар. Менинг фикрим ана шундай,— деди Мухтор Ройи.— Атрофда боягидақанги «азаматлар» тўлиб-тошиб ётганда, инсонга муҳаббатни тарғиб этиш деган гап ёвузликни тақдирлаш демакдир.

— Сиз минг мартаба ҳақсиз!— деб унинг фикрига қўшилади қайнағаси.— Сиз билимли одамсиз, ҳамма нарсага ақлингиз етади, мен бўлсам... Мен ҳеч нима қилолмайман!.. Мен ҳали ҳам: «Берганга беради», деган эски тушунча асосида яшайман. Очигини айтсам, ҳамманинг ҳам мамнун яшашини истайман. Бирор кишининг бебахтлигини кўрсам, худди менинг айбим билан бўлаётгандек туюлади, ўзимни таъна-маломат қиламан. Кўпинча шундай бўладики...

— Сиз эски давр тарбиясини кўрган кишисиз!

— Бир куни тобим қочиб қолди-ю, шаҳарнинг ҳамма докторлари келиб кўришди, лекин бирортаси (уларни худо кечирсин) дардимга даво топа олмади... Бунинг устига-устак бирортаси ҳам дардимнинг нима эканини аниқлай олмади. Шунда мен фақирларга хайр-эҳсон қилишни рафиқамга буюрдим. Бир неча кундан сўнг шифо топиб ўрнимдан турдим. Ўзимни шундай енгил ҳис қилдимки, асти қўясиз.

— Эски авлод ана шунақа азамат-да! У дард хайр-эҳсон билан шифо топишига қаттиқ эътиқод қилади.

— Ҳа, биз бамисоли қорамол подасидек гапмиз...— деб маъқуллайди Оллал Толиб.— Ҳатто қандай куч бизни олға қараб ҳайдаб бораётганига ҳам парво қилмай кўр-кўрона олға кетаверамиз. Биз учун бу кечирарли.

— Ҳой, ҳой, нима деяпсиз ўзингиз, ака?— деб унинг фикрига қарши чиқади синглиси.

— Чойдан ичадиларми?— дея таклиф қилади Мухтор Рой.

— Майли. Чой ташналикни қондиради.

Емна чой қуйиб акасига узатади.

— Раҳмат, азизим.

Орага жимлик чўкади.

— Ўйламай-нетмай қилинган беҳад хатти-ҳаракатлар натижасида ақл-идрок ҳосил бўлади. Ўша ақл-идрокка қачон эга бўлишимизни,— дейди бирдан Оллал Толиб,— ҳатто айтиб бериш ҳам қийин. Ниҳоят, унга етишганимизда эса, у бизга керак бўлмай қолади: ҳаёт билан хайрмаъзур қиладиган вақт етган бўлади.

— Негадир сиз бугун хафaroқ кўринасиз, ака,— дейди Емна.

— Мен хафаманми? Йўқ. Ҳаётнинг ўзи шунақа... Саври қани? Нега у кўринмайди?— деб кулишга уриниб кўради.

Оллал Толиб Мухтор Ройдан кўзини узиб, Емнага қарайди, кейин эса Закияга боқади, лекин ҳеч ким жавоб бермайди.

— Бугунги кун унинг хотирасида ман-

гу сақланиб қолади: у то учиб қолгунча ичади!

Бу сўз яхши кайфиятни бузади.

— У тоғасидан бўлак ҳеч кимга ҳисоб-китоб беришга мажбур эмас, у ўзига ўзи хўжайин,— дейди Емна.

Акаси хижолат бўлиб минғиллайди.

— Хўш, нима бўпти? Бу замонда ичмайдиган ким бор?— У жим бўлади. Кейин бирдан чўнтагидан соатини олиб қарайди.— Вой-бў!.. Соат ўн бир бўлиб қолибди-ку!— У ирғиб ўрнидан туради.— Ишим чатоқ, рафиқам мени уйдан қувиб чиқаради! Йўқ, йўқ, кузатиб овора бўлманглар, шундай ҳам йўлни топиб кетман. Хайр, омон бўлинглар!

Қайнағасининг эътирозига қарамай, Мухтор Ройи уни кўча эшиккача кузатиб чиқади. У кўздан ғойиб бўлар-бўлмас, Закия пичирлайди:

— Бировлар кулса, бировлар йиғлайди — дунё ўзи ана шунақа. Авлоддан авлодга, наслдан наслга хотин-қизлар ана шундай яшаганига ҳайрон қоласан. Ҳали-узоқ вақтгача шундай яшашади. Уларни худонинг ўзи ёрлақасин...

Емна қизига меҳр билан боқиб:

— Нима қилиш мумкин, она қизим! Бўйсунмасдан илож қанча,— дейди.

Закия шартта онаси томонга ўгирилади.

— Бундай бўлса ҳеч нима қилиш мумкин эмас...

— Кўнглингни бузма, қизим. Ҳаммамиз худонинг иродасига итоат қиламиз...

Закия бошини қуйи солади.

— Сиз мени туғиб ўстирдингиз, ардоқладингиз, бунинг учун мен албатта сиздан ўла-ўлгунимча миннатдор бўлишим керак...

Мухтор Рой илжайиб қайтади, лекин у чарчаб, жуда мазаси қочган эди.

— Вақт алламаҳал бўлиб қолди! Менинг жуда уйқум келяпти, эртага барвақт туриш керак. Ётайлик энди! Сен ҳам ётиб дамингни ол, жуда чарчадинг.

— Мен бир оз ўтираман, дада. Барибир бу иссиқда ухлаб бўлмайди.

— А? Хўп, яхши! Ҳа, ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай... Майли, ўтиргинг келса ўтира тур...— Мухтор Рой ўйлаб қолади.— Иссиқ деяпсанми?

У ҳайрон бўлиб Закияга боқади. Отаси кириб кетишга отланганини кўради-да, ўрнидан туриб, унинг қўлини ўпади. Емна қизини бағрига босиб, эрининг орқасидан кетади.

Сал ўтар-ўтмас уйдан Емнанинг овози эшитилади:

— Закия, ётаётганингда чироқни ўчиришни эсингдан чиқарма.

Қизи индамайди. У ўз ўрнига қайтади, лекин ўтиришдан олдин, қоп-қоронғи жимжит боққа узоқ вақт тикилганича қолади. У ердаги дарахтлар орасида шилдираб оқаётган сувнинг овози ҳам бами-соли бошқа оламдан келаётганга ўхшаб туюлади.

— Момақалди роқли кунларда ёруғ-

лик билан қоронғилик навбатма-навбат ўрин алмашиб турганидай, менинг қалбимда ҳам муҳаббат билан нафрат алмашиб турибди, улар доимо сездирмасдан бир-бирларини таъқиб этадилар. Мана, кўк юзида булут сузмоқда...

Закия кўкка қараб тунги осмонни мушоҳада қила бошлайди.

— Сузинглар, булутлар...

У, бирданига ҳамма мушкуллари осон бўлгандай енгил тортиб кетади.

— Булутлар, сизлар шу қадар секин силжияпсизки, гўё қимирламай турганга ўхшайсизлар.

Қизнинг гаплари оғзида қолади.

— Эй, фалак! Сенда қандай ҳақиқат яширинган ва қанчалар зориқтирувчи ла-тофат бор.

Қиз энтикиб, бошини кўксига энгаштиради.

— Нима учун олам англаб бўлмас, бир-бирига қарама-қарши ажойиботлар билан тўла? Шўрлик ота-онам, давримизнинг огоҳлаштирувчи аломатларини англашармикан? Нима учун ҳаёт тўлқинлари қалбимизга келиб урилади-ю, лекин уларникига етиб бормайди. Шундай бўлса-да, мен кутаман. Мен нимага эканини билмаган ва унинг иложи борлигига умид боғламаган ҳолда ишонаман. Мен ишонаман... Зероки, қоронғиликсиз ёруғлик, ёмонликсиз яхшилик йўқ экан... Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ... Чунки ишонмаслик мумкин эмас...

Ўз сўзларидан ўзи ҳайрон бўлган қиз атрофини қамраб олган тун бағрига тикилади.

— Эй хаёлот денгизига чўмган, муаттар ҳидларга тўлган қоронғи кеча, менга ёрдам қил! Зулматингда йилтироқ қўнғизлар яйраб нур таратган, сукунатингда парранда-ю ҳайвонлар чинқириб нола қилган ажойиб тунсан! Эй ойдин кеча, ўзинг менга паноҳ бўлгин.

Бамисоли қақроқ ер ёмғир талаб бўлгандай дафъатан унинг йиғлагиси келиб қолади. Лекин кўз ёшлари қалбдан чиқишга йўл тополмайди.

— Ҳамма нарсани қабул этмоқ лозим,— дея пичирлайди Закия,— биз ҳамма нарсани қабул қилишимиз зарур. Ҳаётнинг боқийлиги ҳам ана шунда...

---

## VII

---

**Н**афиса тонг ёришар-ёришмас ўрнидан турди. Жамол ҳам уйғонди-ю, лекин туришга эриниб ётаверди. Каллаи саҳарлаб қаерга борасан? Оила аъзолари кўп бўлган хонадонлар қий-чув шовқин-сурон: хотинларнинг овози, челақларнинг тарақлаши, туфлиларнинг тапир-тупури эшитилади. Тонг энди ёришяпти-ю, лекин ҳамма ёқ қандайдир қизиқ бир жонса-



ракликка учраганга ўхшайди. Шу ерда яшай бошлаганидан буён Жамол буларга кўникиб кетган. Хотини билан олти мартаба турар жойини ўзгартирди-ю, ҳамма ерда ҳам худди шу ердаги сингари бақириб-чақирувчи қўшни хотинларга дуч келишди, қаерга боришса шу ердаги каби инжиқ, йиғлоқ болаларга дуч келишди. Тез орада ўзларининг икки болалари ҳам бошқа болаларнинг айна ўзи бўлишди қўйишди. Ҳозир улар оталари ёнида думаллашиб ухлаб ётишибди. Жамол уларга боқади. Ўғли қорнини ерга бериб, қизи эса муштчасини тугиб, фариштага ўхшаб жилмайиб ухлаб ётибди.

Жамол хотинини ўйлайди ва хотини ёнида эмаслигига ачинади.

«Нега мунча барвақт турмася? Балки бугун уй йиғиштирмоқчидир». Ҳар ўн беш-йигирма кунда Нафиса уй кўтаради. Ҳамма хоналарни қатрон қилиб, сувни аямай ювади. Биринчи куни шундай қилади. Иккинчи куни эса, у ҳамма ёқни ёғ тушса ялагундай қилиб супуриши керак. Бу қандай турмуш-а! Жамолнинг миясида инсон ҳаёти нақадар бир хилда ўтади деган узук-юлуқ фикрлар уймалашади, шу маҳалда маккор оромбахш ҳорғинлик бутун баданига тарқалиб, уйқу элтади. У анча вақтгача уйқу билан олишиб, лекин ундан халос бўлолмай ярим бедорлик оғушида чайқалади. Миясида безор қилувчи фикрлардан аллақандай шанғиллаш пайдо бўлади, бу шанғиллаш уйда

тобора авжланиб бораётган шовқин-суронга улашиб кетади.

Бирданига хиралашган онги яна равшанлаша бошлайди... Худонинг берган куни эрталаб шу аҳвол. Энди уйдан тезроқ чиқиб кетиш керак.

«Мен жуда ҳам ўзгариб кетдим!— деб ўйлайди у.— Хўш, нега? Менинг вақтим нимага сарф бўлди? Тўғри, мен кам ишлаб, кўпроқ фикр юритардим. Ҳатто керагидан ҳам кўп фикр юритардим. Хўш, бундан менга нима фойда тегди?.. Сирасини айтганда, ўн гулимдан бир гулим очилмай, хазон бўлдим — қаридим.— Жамол эснаб, хонани кўздан кечиради.— Энг қизиги шундаки, ҳеч нарсага ҳавасим йўқ, ҳеч нимага қизиқмайман. Бошқалардан устунлигим шундаки, мен уларга ўхшаб хом хаёлларга берилмайман. Ҳаёт қандай бўлса, уни шундай ҳолида кўраман. Мен учун ҳаёт қувноқ ҳам эмас, ғамгин ҳам, бемаъни ҳам эмас, мазмундор ҳам».

У кўзини юмиб фикр юритишда давом этади. Мис баркашда қаҳва идиш билан пиёлалар кўтариб хотини киради ва шу заҳотиёқ хона янги тайёрланган кофенинг хуш бўйига тўлади.

**Н**афиса баркашни эрининг олдига қўяди-да, болалар остидан тортиб олган пўстакка ўтиради. Ўғли қорнини ерга бериб, қизи эса малак каби табассум қилиб ҳалиям ухлаб ётишарди. Болаларни уйғотиб юбормай деб Жамол эҳтиётлик билан ўрnidан туради. У шошиб-пишиб кийинади-да, ювингани ҳовлига чиқади, қайтиб келиб, аввалги жойига ўтиради.

Эру хотин индашмай қаҳва ича бошлайдилар. Нафиса бошини қуйи солганча ниманидир ўйлайди. Жамол гоҳ-гоҳ хотинига қараб-қараб қўяди. У хотинига кам қарарди, лекин ҳамиша хотинининг ёш кўриниши уни ҳайрон қолдирарди.

Нафиса унинг қараётганини пайқамай, ўз хаёли билан банд бўлиб қаҳвасини ҳўплайди. Унинг бутун вужуди ҳар нарсага ишониши ва фидокорлигидан дарак беради. «У ҳаммамизни ўз меҳнати билан боқяпти»,— деб ўйлайди Жамол хотинининг чўзиқроқ юзига тикилиб. Қандай маъсума аёл! Бежирим энгаҳи шу қадар нафис ва юпқа лабларига монанд тушганки, асти қўясиз. Тонг салқинида Нафисанинг ёноқлари қип-қизариб кетган ва унинг ҳали жуда-жуда ёш экани янада кўзга ташланиб туради.

Нафиса бошини кўтаради, унинг чарос кўзлари эрининг кўзлари билан учраша-

ди. Нафиса қизариб кулиб қўяди. Бир дақиқа чамаси улар бир-бировларига кўз узмай тикиладилар. Нафиса табассум қилиб туради, Жамол эса унинг табассумига қандай жавоб қайтаришни билмай паришон бўлиб қолади.

Шу аснода икковлари ҳам чурқ этмай бир-бирларидан кўзларини олиб, ердаги пиёлаларини қўлларига олишади. Хонада сукут ҳукмрон бўлади.

Салдан кейин Жамол чиқиб кетади.

Кўча салқин, осмондан кишини маст этувчи нур сочилади. Жамол дилгир, кўнгли ғаш эди. Юртида уруш бошланганидан бери шу аҳволга тушиб қолган.

Қаёққа ва нима учун кетаётганини ўзи ҳам яхши билмайди. У боши оққан томонга — тақдир қай томонни насиб этса, ўша ёққа кетади! Ташвиш тўла кўнгли кўча гавжумлигидан андак бўлсин очилмайди. У тонгги саррин ҳавони ютиб: «Бу кун менга нимани насиб этаркин, Алҳожини кўрсам яхши бўларди-да, уни бир ойдан бери кўрганим йўқ», деб ўйлайди. Эски дўсти унинг жиғига тегмайди.

Бу тўғрида ўйи бир ерга етмасданоқ Зизи лақабли Када исмли ошнасини кўриб қолади. Жамолнинг хаёлидан: «Ана энди ҳамма ишим чаппасига кетади, бугунги кун расво бўладиган бўлди», деган фикр ўтади.

— Ёвуз қарға, шумқадам, илоё ҳамма айтганларинг ёлғон чиқсин,— дея пичир-

лайди Жамол то Кадда олдига етиб келгунча.

Афтидан, Зизи унинг олдига келмоқчига ўхшайди. Шу заҳоти Жамолнинг чеҳрасида мулбйимлик ифодаси пайдо бўлади. Бунинг сабаби шундаки, унинг наздида одамлар ҳам, олам ҳам кўринганларидан кўра яхшироқдир.

— Бахт-саодат ҳамроҳинг бўлсин, Зизи. Кунинг хайру баракали бўлсин...

Жамолнинг меҳрибонлик билан қилган муомаласига жавобан Кадда эътибор ҳам бермай, бош ирғатибгина индамай ёнидан ўтиб кетади. У худди бир нарсасини йўқотиб қўйгандай оёғининг тагига боқади. Унинг ингичка бармоқлари аллақандай сирли ҳаракатлар қилади.

Жамол анча вақтгача ҳайрон бўлиб туради-да, кейин йўлида давом этади. Бирикки кўчани босиб ўтгач, бояги учрашув унинг кайфини бузиб юборади. У шу бугун менга бахт кулиб боқса керак деб умид қилганди, лекин бутун умидлари пучга чиқиб, ҳафсаласи пир бўлади. «Мен қандақа одамман ўзим,— деб ажабланади у.— Гоҳ ҳаддан зиёда қувониб кетаман, гоҳо эса жуда ҳам қайғу-ҳасратга тўлиб кетаман, ҳамиша ё қувонаман, ё қайғураман».

У Алҳожининг олдига боришга ҳам оёғи тортмай, яқин ошнолар билан Бэб Уленнинг майхонасига кириб ўтиришни маъқул кўради. Албатта у ерда Ҳамза бўлади. Лекин дўстлар билан учрашиш

истаги аста-секин ундан кўра бошқа майл билан алмашинди, бирорта ошхонага кириб лимон шарбати билан харирий ейишдан яхшиси йўқ. Унинг ёнида бир неча франк пули бор, эрталаб яхши харирий еб тўйиб олишга нима етсин!

Жамол эҳтиёт юзасидан чопонининг ўнг чўнтагини устидан тимирскилаб кўриб, пули жойида турганини билгач хотиржам бўлади. Қачон қарасанг, пули тирикчиликка етишмайди. Хотини кўпинча уни қоқ туширади — буни у ҳар сафар вақт ўтганда нақ бирор стакан чой ёки қатиқ ичмоқчи, ёки харирий емоқчи бўлган пайтларида билиб қолади. Шундай вақтда унинг ҳафсаласи пир бўлиб, кўнгли чўкиб кетади! Инсоф билан айтинглари, чўнтагида сариқ чақаси бўлмаган эркак қанақа эркак бўлди? Ночор одам. Танасига ўйлаб кўрса, хотинидан ўпкалашига ҳеч қандай ўрин йўқ. Яхшиям у бор экан, оиланинг тирикчилиги ўтиб турибди. Нафиса ўз ёғига ўзи қовурилиб, топганини бир амаллаб учма-уч бўлса ҳам аранг етказди. Умуман, хотинидан шикоят қилишга ҳеч қандай асоси йўқ.

Жамол ўзига таниш бўлган ошхона томонга бурилади. Йўл бўйи у ёнини пайпаслаб боради ва бармоқлари тангаларга тегиб, кўнгли хотиржам бўлиб боради. Тонг мусаффо, ҳаво тобора қизиби, осмон оқиш тусга киради. Жамолнинг фикрлари сўнгги дафъа яна Зизига келиб тўхтайдди.

«Кўп ҳолларда биз гўё бирор нарсани унутгандай яшаймиз, лекин элас-элас ҳис этадиган руҳан қаноатланмаслик ва изтироблар бизларга ана ўша унутган нарсамизни ахтаришга мажбур этади ва биз уни тимирскилаб, гоҳида эса фарёд чекиб, лаънатлар ёғдириб ахтарамиз...»

---

## VIII

---

**Ч**орак соатлардан кейин Ҳамза сўрайди:

— Одамларни бирлаштирадиган восита нима? Ва улар нима билан бир-бирларидан ажралиб туради?

Жамол ошхонадан чиқиб, майхонага кетди, бу ерда у ўз дўстларини, хусусан, Ҳамзани учратиш умидида эди.

— Биз ҳамиша ё тарафдор, ёки қарши бўламиз... Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да. Тушуняпсизларми? Бунини ҳис этмоқ керак.

Ҳамза ўз нутқини шу қадар қўққисдан тўхтатдики, бу ҳол хаёли бошқа ерда бўлиб эшитиб турганларни ҳам, диққат билан тинглаётганларни ҳам ҳайрон қолдирди.

Жамол, ҳақиқатан ҳам худди шундай дегиси келди-ю, лекин барибир бу фикрини тушунтириб беролмасди.

Ҳамза қошларини чимириб дўстларини кўздан кечиради. Лекин бу борада уларнинг фикрини сўрамайди.

— Сизлар теварак-атрофингизга қаранглар,— дея сўзини давом эттиради Ҳамза,— сизлар бошқаларни ҳам ўзингизга ўхшатасиз, ўзингизга кимлар яқин эканини қалбингиз билан ҳис этасиз. Ана шундай вақтда ёлғиз қолишингиз сира ҳам қўрқинчли эмас. Чунки бир хилда тушунган ва ҳис этганларни айнаи ўша ёғдунинг ўзи ёритади.

Тингловчиларга тикилиб турган унинг кўзлари одатдагига қараганда сердиққатроқ ва ёрқинроқ кўринади. У: «Айнаи ўша ёғдунинг ўзи», дейди. «Нақадар ҳаққоний фикр-а!» деб ўйлайди Ҳамол. Ҳамза гўё унинг дилига ҳақиқат уруғларини экди-ю, улар дарҳол униб чиқа бошлагандай бўлди. Унинг қалбини ўткир ва шодиёна бир ҳис қамраб олди... «Ёғду». Шу ерда ўтирганларнинг ҳаммасига ўша ёғду нурлари текканига Ҳамолнинг имони комил. У яна бир масалани аниқлаб олишга ошиқади. Бироқ Ҳамза ҳали ўз сўзини тугатгани йўқ:

— Кечаю кундуз шу йўлдан одамлар юришади. Нима учун? Жавоб беришга уриниб кўр — доно бўласан. Улар қаёқдан пайдо бўлишади, бу худонинг ўзига аён, шундай одамни учратдинг, ҳа-ҳув дегунингча у худди сувга чўккан тошдай ғойиб бўлади қолади. Дайдиларгина ана шундай ишлар билан машғул, улар олам-



ни айланиб чиқиш учун шошилишади хос. Уларни таниб олиш ҳам қийин масала. Улар ёнингиздан ўтиб кета туриб сизларни туртиб кетиши ё бўлмаса ҳатто сизлар билан гаплашиши ҳам мумкин, лекин булар ўшалар экан деган фикр сизнинг етти ухлаб тушингизга ҳам кирмайди! Уларни таниб олмоқ учун андак тажрибага ва махсус ҳис-туйғуга эга бўлмоқ керак, қисқаси, одамларни ажрата билмоқ лозим. Шундай қобилиятга молик бўлган киши ҳам доимо уларни тезда таниб олавермайди.

Шундай дер экан, Ҳамза овозини пассивиради.

— Бундан бир неча кун илгари мен шу қаҳвахонага кирдим. Стол ёнига келиб ўтирган маҳалимда, менга яқин ерда ёлғиз ўтирган бир кимса диққатимни ўзига тортди. Сиртдан қараганда шу ердаги одамларнинг ҳеч биридан фарқ қиладиган ери йўқ, уни кўкчи деб ҳам, аттор деб ҳам билиш мумкин эди. Нодонлигимни қаранг! Фақат орадан сал вақт, эҳтимол, бир соатча ўтгандан кейин уни қандайдир бошқа кимса эканлигини сеза бошладим. Ғойибдан келган бир овоз менга унинг ўшалардан бири эканини шипшитди.

Ташқи кўринишидан энг оддий бир одам эди. Ўрта бўйли, эгнида гижим-гижим бўлиб, оқариб кетган енги ва кифтлари сузилган плаш, ҳаво яхши бўлишига қарамай, тугмаларини томоғигача бўғиб

қадаган. Плашининг ёқаларини англиз тўғнағичи билан тўғнаб олган эди. Белбоғсиз плаш бамисоли чопондай ҳалпиллаб турарди, унинг ичидан европача, лекин анчагина кийилганидан ранги унниққан калтагина шим. Пастидан бақувват тўпиқлари кўриниб турарди. Чангга ботган парусин туфлиларининг жағи ажралиб кетганди. Узун сўзнинг қисқаси, бунақанги қашшоқлар бизда сероб. Аммо афти жуда ажойиб, ҳайратбахш эди. Чийратиб ўралган салласи остидан дағал башараси яққол кўзга ташланар, чўққи энгаҳи ва юзлари қизғиш соқол билан қопланганди. Афтидан, у авваллари соқолини қириб юргану кейинги вақтда нима учундир қўйиб юборганди. Бу баркаш юзли кишининг афти унча кўзга чалинмасди-ю, лекин қарашлари ғоятда маънодор эди. Қандай денг, дўстларим! Худди кишининг у ёқ-бу ёғидан тешиб ўтиб кетадигандай боқарди. Кўринишидан ғамгинга ўхшарди, лекин бундай синчиклаб қарасанг, унинг ҳазин, ғамгинлик эмас, майин ва қандайдир, кишининг ачинтирадиган маҳзунлик эканини сезасан. Беихтиёр кўнглимда: «Бу одамга қандай ёрдам қилсам экан? Унинг юрак дардига қандай дармон қилсам экан?» деган фикр пайдо бўлди.

Мен худди шу нарсани ўйлаб турган пайтимда, бирдан у мен томонга ўгирилди-ю, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ:

— Биласанми нима, биродар?— деди.

Унинг нотўғри талаффузидан, қирда яшовчилардан бири эканлигини англадим.

— Нима гап ўзи?— дея сўрадим мен, у кутилмаганда мурожаат қилганидан сагал довдираб.

— Биз — Улод Ҳошим авлоди — қирқ хонадондан иборат эдик,— ҳов анави томонда, тоғларнинг ортида. (У қўли билан жануби-шарққа, Ясситоғ чегарасидаги Тел тизма тоғлари тармоғи томонга ишора қилди.) Қирқ хонадон. Ҳозир эса, ҳеч кимса, бирор тирик жон қолмади. Ҳамма қишлоқни ташлаб кетди. Фақат тоғларнинг ўзигина қолди холос.

— Нега ундай бўлди?

Саволимга жавобан елкасини қисиб қўя қолди. Афтидан, бу жавоб: «Одамлар тоғда яшаганларида, улар билан унчалик ҳисоблашиб ўтирмайдилар», деган маънони англатарди.

— Ҳамма кетди... Тоғларнинг ўзларигина қолди.

Мен ўша «ёлғиз ўзлари қолган» тоғлар ҳақида, ўз маконларидан бош олиб чиқиб кетган одамлар ҳақида ўйлай бошладим. Теварак-атрофимдаги нарсаларни тамомила унутдим, қаҳвахонадаги мижозларни пайқамай қўйдим, кўпчилик орасидан бирданига ажралиб чиққан одамларнинг овозлари ва домино тошларининг шарақшуруқини эшитмасдим. Бошим айланиб кўзим тингандан, ҳамма ўтирганлар бамисоли сояга ўхшаб, тобора мендан узоқ-

лашиб, туман орасига кириб кетгандай бўлди. Қалбимда қандай алам қўзғалгани тасвиридан ожизман. Бирданига кўз ўнгимдаги ҳамма нарса зулматга айланди. Мен суҳбатдошимдан бу ишларнинг охири нима билан тугади, деб сўрамоқчи ва унинг кўнглини кўтариш учун икки оғиз гапирмоқчи бўлдим: унинг ғойиб бўлиб қолганини пайқаб, қанчалар ҳайрон бўлганимни бир кўрсангиз эди! Гўё ер қаърига кириб кетгандай бўлди! Атрофим тўла одам бўлса ҳам, бирданига мени аллақандай ёлғизлик ҳисси қамраб олди.

Майхона жимжит бўлиб қолди.

— Бу ҳолатни ўз бошидан кечирмаган киши икки дунёда ҳам тасаввур қила олмайди,— деди қовоғини солиб Ҳамза.

Ҳамзага қараган одам уни ҳам шундай ҳолатда кўраман деб сира ҳам ўйламайди. Лекин ўша учрашув ҳақидаги хотира уни жуда қаттиқ изтиробга солгани аниқ сезилиб турарди.

У кўзларини юмди, унинг серсоқол юзи тош қотиб қолганди.

— Энг қизиғи шундаки,— деб қўйди у,— нотаниш киши ичидаги сирларини андак сиполик билан бўлса-да, гўё мен уни кўпдан бери яхши танийдиган одамдай, тортинмасдан дўстона равишда менга ишонишида эди. У ўзини босиб, овози титрамасдан гапирарди, у кимнингдир менга айтиб юборган топшириғини етказаётганди. Ана шунинг ўзи унинг учун муҳим эди.

Жамол ошналарига қаради. Ақл бовар қилмайдиган ҳолат — ним қоронғиликда кўзга чалинаётган чехраларда лоқайдлик акс этарди. Ҳатто икки юзи қип-қизил, жиккак чолнинг чехрасига ҳам лоқайдлик муҳри босилганди.

Ҳамза бўлса, янада аниқроқ ва муҳимроқ сўз топа олмагандай:

— Бу нима ўзи! Ё раббий! — деб хитоб қилади.

Унинг қиёфаси қуёшда чарақлаб турган тепалик устидан тўсатдан ернинг қаърига қулаб тушган кишининг қиёфасини эслатарди. Унинг гавдаси бирданига чўкади, қабариқ, кенг кўкси ичига ботиқ, ҳатто овози ҳам ўзгариб кетади.

«Ҳаммамизда ҳам шундай ҳолат юз беради. Лекин бир-биримизни яхши билмаслигимиз бизнинг айбимизми?» деб ўйлайди Жамол.

Бир дақиқа чамаси унга юраги бами-соли ҳавода осилиб турган вазнсиз шарга ўхшаб туюлади. Бунинг сабаби нима? У ўзидан ўзи куйинарди. Афтидан, у Ҳамзанинг қалбида нималар юз бераётганини англаётганга ўхшайди.

«Биз ҳатто бир-биримизни ҳам яхши билмаймиз...»

Орадан анчагина вақт ўтади.

Ҳамзанинг овози Жамолни хаёлдан уйғотади.

— Иккинчи сафар шундай бир воқеа Бумиддин дарвозаси олдида юз берди. Мен бекорчиликдан зерикиб ўша ерда ла-

қиллаб юрардим. Қўққисдан, аллақандай, кўрган кишини раҳми келадиган бир дайди менга имо қилиб йўлдан тўхтатди. Мен хотиржамлик билан: «Сенга нима керак?» деб сўрадим, чунки мен уни очдан ўлмаслик учун ҳар турли йўл ахтарадиган ишсизлардан бири деб ўйлагандим, биласизлар-ку, улар садақа сўраб қўл чўзишга ботинолмай, бирор ўткинчини мўлжалга олиб, ўшандан хайру эҳсон сўрайдилар. Бу бечоралар бошларини ҳам қилиб ёрдам сўраб ёлворганларида ҳар сафар бўлганимдай, бу гал ҳам жуда хижолатда қолдим. Бахтимдан минг қатла ўргилайки, бу ундақалардан эмас экан, тўғриси, у вакил экан. Лекин у менинг исмимни атаб чақирганида беихтиёр галати бўлиб кетдим. Биродарим мени таниркан! Шунинг учун бўлса керак, у мен билан гаплашмоқчи бўлган экан. Аммо у билан қаерда учрашган бўлишим мумкин-а?

— Мени танимаяпсанми, Ҳамза? — деб сўради у. — Ҳа-а! Тушунарли!

Бу хитоб унинг қалбидан мисоли шикоятли ноладай отилиб чиқди. Мен чиндан ҳам уни танимадим, лекин бу сўзнинг айтилиш оҳанги мени шу қадар ҳайратга солдики, кўнглимда рўпарамдаги одамнинг кимлигини билиш истаги жўш урди. Бирданига у мени жуда қизиқтириб қолди, ҳатто аччиғимни келтирди. Нима учун биргина овозини эшитишим билан шунчалик изтироб қамраб олди? Ахир,

мен энг аввал унинг овозига эътибор берганим бежиз эмас-ку. Аста-секин эсимга кела бошлади. Шубҳасиз таниш овоз. Ҳаҳ уни қаерда эшитган эканман? Қандай вазиятда? Нега унинг фақат овозигина хотирамда сақланиб қолган?

✓ У гўё қалбимда туғён ураётган фикрларимни афтимдан ўқиётганга ўхшар, аммо ўзи яхшилаб эслаб олсин дегандай индамай турарди. У қачон учқун пайдо бўлиб хотирамни қоплаб ётган қоронғилик ёришишини кутаётгани аниқ эди. Гўё олдиндан келишиб қўйгандай, иккаламиз сал нарироқда кўкка бўй чўзиб турган қалъа девори тагига бордик, бу ерда оломон бизга халал бермасди. Бирданига эсимга тушиб қолди. Мен уни танидим. Нима бўлиб у бу аҳволга тушиб қолди экан? Ахир, бу шак-шубҳасиз ўша — Тойиб Бержул! Адашаётганим йўқ. Ёшликдаги шумликларимизнинг иштирокчиси, қизиқчи, хушчақчақ йигит! Лекин унинг қиёфасидаги бунчалик ажин ва ўзгаришлар қаердан пайдо бўлдийкин? Башараси, овози, ўзини тутиши — ҳаммаси-ҳаммаси ўзгарибди. Бунинг устига-устак, эғнидаги рўдапо кийимини айтмайсизми. Қандай воқеа юз берди, бошига қандай фалокат тушди? Нега у шунчалик сўниб қолган? Йўқ, ундай эмас... Хароб бўлган? Наҳотки, йўғ-э! Қандай десам экан, хўш, масалан, у бутунлай ўзгариб кетган. Шу термин тўғрироқ. Гўё унинг жонини суғуриб олиб, ўрнига бошқа жон

солиб қўймоқчи бўлганлар, йўқ, тўғриси, жондан маҳрум қилганлар. Эътироф этайки, миямда аллақандай телва-тескари фикрлар туғён урарди, атрофда эса оломон шовқин-сурон қиларди, бизни ҳар томондан жонсарақ йўловчилар туртиб ўтардилар ва ана шу тумонат оломоннинг қулоқни битирадиган говур-ғувури осмонга ўрларди. Шундай қилиб, овоз мендаги хотираларни уйғотувчи восита — белги хизматини ўтади. Эсингизда бўлсин, бу белги — мен овоз демоқчиман — ҳаммада ҳам ўзгаришсиз бирдай қолади, қанчалик ўзгариб кетмайлик, овозимиз бизни ошкор этади. Тойиб Бержул воқеаси бунинг далилидир. Ахир, ёшлигида ашулани яхши айтарди (ёқимли овози бор эди), бу тафсилот бошқа кўпгина тафсилотлар билан бирга хаёлимга келди. Тўғри, кўп вақтлардан бери унга дўстона муҳаббатим йўқ эди-ю, лекин қандайдир олддан сезиш ҳисси мени бу таъвияи тараққос олдада тутиб турарди! Аммо Тойиб Бержулга қанча тикилиб боққаним сари у менинг қалбимда шунчалик нафрат ҳиссини уйғотарди; нима сабабдан шундай бўлганини ҳатто тушунтириб беришдан ҳам ожизман.

Мен сизларга у билан орамизда бўлган дўстлик ҳақида гапириб ўтирмайман. Сизларга аниқ бўлсин учун шунигина айтаман, бир вақтларда юрагида ўти бор, қувноқ, ҳаёт неъматларини севадиган яхши ошна эди, узун гапнинг қисқаси, у



хамма нарсада фақат яхши жиҳатларнигина кўрадиган кишилар тоифасидан эди. Биз ҳаёт йўлимизни биргаликда бошлаган эдик, ҳар иккаламиз битта тўқимачилик фабрикасига ишга киргандик. Мушук снгирга қанчалик ўхшаш бўлса, қаршимда турган одам ҳам менга аввал таниш бўлган йигитга шунчалик ўхшарди (шундай муқояса қилишимга ижозат беринглар). Тойиб Бержулни қай ҳолатда кўрган бўлсам, худди ўшандай тасвир этишга ҳаракат қиламан. Бу одамнинг сиймоси хотирамда яхши сақланиб қолган.

Юзида на қон бор, на жон — тошдек қотиб қолганди, бир маҳаллар оппоқ ва нозик бўлган териси сомондек сарғайиб кетган бўлиб, қоқ суяқларини сириб турарди. Сал жингалакроқ сийрак соқоли соқолдан кўра кўпроқ қурбақа ўтига ўхшарди. У бечорани аллақандай бир дард ичидан кемириб адо қилаётганга ўхшарди. Қарашлари-чи... Унинг нимасини айтасиз! Синчков, худди тешиб юборадигандай даҳшатли чақнарди-ю, айна вақтда шу қадар бемаъни эдики, кўрган кишини ваҳима босарди. Йўқ, ҳақиқатан ҳам унинг кўз қараши тасвири учун алоҳида сўзлар лозим, лекин, имоним комилки, унинг тасвирига инсон тили ожиз. Бошқа томонига келганда, ҳаммадан кўра кўпроқ кўзга ташланадиган нарса жулдур-жулдур кийими, бошидаги ёғи чиқиб кетган иркит фаскаси эди. Лекин қизиғи шундаки, юпун бўлишига қарамай, бошининг

тузилишида аллақандай такаббурлик аломати кўзга ташланарди. Эҳтимол, шуни кўриб феъллим айниган бўлса керак. Қалбимда эски ўртоққа, тўғрироғи, қайта тирилган дўстга нисбатан қилиниши лозим деб билганим самимий хайрихоҳлик ҳисси уйғонади. Бу албатта яхши эмас, тушунаман, лекин қўлимдан ҳеч нарса келмасди!

Шу дақиқада Тойиб Бержулнинг чеҳрасида қандайдир истеҳзоли кулги пайдо бўлди. Сўнгра у:

— Улар мени бир неча кун қамоқда сақладилар, жуда кўп кун, ҳатто неча кун эканини ҳам билмайман... Ҳа, итлар билан, бўрибосар катта итлар билан бирга қамаб қўйишди,— деди.

— «Улар»инг кимлар?

— Улар!

— Хўш, ўша «улар»инг ким?

— Улар!— такрорлади у бирданига газаби қайнаб ва танбеҳ олган гўдак сингари йиғлаб юбораёзди.

— Нега итлар билан бирга қамаб қўйишди?..

— Шундай, ўзлари. Қамаб қўйишди! Итлар билан бирга қамаб қўйишди!..

Бир дақиқа чамаси ўйлаб тургач, такрорлади:

— Айтяпман-ку сенга, итлар билан бирга қамаб қўйишди деб.

Агар шу гапга бирор сўз қўшган бўлсам тилим кесилсин. Менинг унга қараб бақиргим келди... Нима гап? Ўзим ҳам билмайман. Азбаройи қоним қайнаб кет-

ганидан у йўлимни тўсмасин ёки шу куракда турмайдиган бемаъни сўзлар ўрнига бошқа бамаънироқ гап айтишга мажбур бўлсин учун унинг тумшуғига бошлаб туширгим келди. Қандай аҳмоқ эканман-а!

Ҳамза чуқур хўрсинди. Кўксини эзиб ётган аламни босишга сўзлар энди ожизлик қилаётганга ўхшарди.

У бирпас индамай турди, кейин жазаваси тутгандай бир важоҳатда гапини тамомлади:

— Биз ҳамиша қўрқинчли ҳақиқатдан қочишга уринамиз, бизлар бефаҳм одамлармиз!— Мен ўз ҳайратимни бошишга ҳаракат қилдим. Охирида менга даҳшатли бўлганини тан олишга мажбур бўлдим... Даҳшат... Тойиб Бержул қовоғини солганча олисларга тикилди ва ногоҳ ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, олға қараб йўлга тушди-да, шу ерда тинимсиз санқиб юрган оломон орасига кириб кўздан ғойиб бўлди.

Ҳамзанинг япалоқ юзини қайғу қоплайди. У жаҳл билан: «Эҳ, шайтон!» деб тўнғиллайди.

---

## IX

---

**Ж** амол ўз фикрларига фарқ бўлиб шаҳар кезади ва ниҳоят, беихтиёр равишда Алҳожининг дўкони томон бурилади.

У дўстини аллақандай одамлар билан қизғин суҳбатлашиб ўтирган ҳолда учратади. Жамол устига эски шолча ташлаб қўйилган курсига келиб ўтиради. У ёнгинасида ўтирганларнинг нималар ҳақида гапиришаётганини ҳам эшитмайди: ким билсин, гаплари сиёсат ҳақидами ёки савдо-сотиқ ҳақидами. Эҳтимол, кейинги кунлардаги воқеалар ҳақида гаплашаётгандирлар... Хаёллар ҳалқаси бир-бирига тутшиб, гўё зиндонга қамалгандай бўлади. Ғўнғир-ғўнғир овозлар унга гўё девор орқасидан келаётганга ўхшаб бўғиқ эшитилади. Жамол товушлардан бутунлай халос бўламан деб беҳуда уринди, товушлардан халос бўла олмагани унинг зардасини қайнатади.

Салдан кейин суҳбат тугайди. Дўкон жимжит бўлиб қолганини Жамол анчадан кейин пайқайди. У чор атрофга аланглайди, лекин ҳеч ким кўринмайди. Ҳаммаси ғойиб бўлганди. Жамол Алҳожига қарайди. Чол унинг савол назари билан қараб турганини сезса ҳам, ўзини кўрмаганга олади.

— Хўш, ишлар қалай, Жамол? Ишпиш топдингизми?

— Сизга, нима десам экан... Нима қилишимни ҳам билмайман. Жуда гангиб қолдим,— деб жавоб беради Жамол ва бир оз индамай тургач, тушунтиради:— Менинг ишлашга жуда иштиёқим баланд... Лекин ўзимбоп ҳеч бир иш тополмайман. Ишлаб озроқ пул топишим зарурли-

ги биргина яратганнинг ўзига аён. Сизга эътироф этишим керакки,— дея секин гапиради у,— менга... анча қийин бўлади.

— Хўш, нимага умид боғлайсиз? Балки бирор мўъжиза юз беришини кутаётгандирсиз. Ахир, бунинг иложи йўқ-ку.

— Йўқ, албатта йўқ.

«Ҳа, бу ерда бир иш чиқариб бўлмайди,— деб ўйлайди Жамол.— Ҳамманинг қандайдир иши, хизмати бор. Улар керагидан ҳам кўпроқ, яъни одамлар демоқчиман, албатта. Йўқ, ундай демоқчи эмасдим. Шунақанги оддий масалаларда жуда янглишаман-да! Шаҳардаги ҳамма ўринлар банд, менга ўхшаш қанчадан-қанча одамлар иш тополмай юрибдилар демоқчи эдим. Бир сўз билан айтганда ишсизлар».

Жамол лоқайдлик билан оёғини силайди, шундай қилиши зарурлиги учун эмас, балки оёғи бутун эканига ишонч ҳосил қилиш учун силайди. Кейин қандайдир алам билан эмас, балки тақдирга тан бергани сезилиб турган ланж оҳанг билан дейди:

— Ота-онам мени ҳеч қанақа ҳунарга ўргатишмаган. Ўқишимни битиришимнинг ҳам иложи бўлмади. Шундай қилиб...

— Ҳар қалай бирор юмуш билан шуғулланишингиз керак. Ҳеч бўлмаса бирор иш бошлашга уриниб кўриш керак.

— Лекин ҳеч қандай иш тополмаяпман-да. Ўзимнинг ҳам ишлашга иштиёқим зўр. Менимча, барча ишчи ёлловчилар қўлидан ҳеч қандай иш келмайди, деб ўйлашса керак. Қандайлигини билмайману, лекин уларнинг ўз иборалари билан айтганда, менда «иқтидор» йўқлигини тусмолан билишади. Шундай экан, улар учун мен ҳеч қандай қадр-қимматга эга эмасман.

— Нега шундай деб ўйлайсиз! Сиз ахир ақлли одамсиз-ку. Бундай қилиш яхши эмас. Бу аҳволда қандай тирикчилик қиласиз!

— Ташвиш қилманг. Бир гап бўлар... Бирор юмуш топилиб қолар.

— Бу масала устида жиддийроқ ўйланг. Инсон оламда маълум бир вазифани бажариш учун яшайди, ҳар биримизнинг ўз вазифамиз бор. Демак, бирон халқнинг устидан ҳукмронлик қилаётган подшоҳ қандай фойда келтирса, оддий деҳқон ҳам худди шундай фойда келтиради. Менга қолса, подшоҳдан ҳам кўра кўпроқ фойда келтиради деган бўлардим. У фақатгина нон билан тамадди қилади, ахир шу нонни унинг ўзи пешана тери тўкиб топади-ку. Башарти, бунинг устига шу ишидан ўзи мамнун бўлса, у ҳар қандай ташвишдан халос бўлади! Тумтароқсиз, соддагина қилиб айтсак, у бахтли одам... ўз ҳолича, албатта. Ҳа, ўзича бахтиёр одам, чунки албатта унинг кўпгина етишмовчиликлари ҳам бор. Лекин унда

энг асосий нарса мавжуд, ҳатто у қуруқ нону сув билангина тирикчилик ўтказган тақдирида ҳам, иши бор, бунинг устига, ўзи севадиган иши бор. Бу эса жуда муҳим нарса.

— Нима қилиш керак? Мен қачон бўлмасин, ахир бир кун иш топаман-ку, деган умидда яшайман.

Жамолнинг кўзлари келажакка савол бераётгандай атрофга жавдирайди, кейин тўда-тўда одамлар тўхтовсиз ўтиб турган эшикка тикилади. У шубҳали оҳангда: «Менга аввалги хизматингда қолишинг керак эди дейишади. Аммо мен қола олмадим... У ҳолга кўникишга қодир эмасдим. Шунинг учун бўшадим. Нотўғри қилибманми?» деди.

— Ҳа, янглишгансиз. Дуппа-дуруст лавозимда эдингиз, қайсики, у аҳоли ўртасида сизни баобрў қиларди. Ахир, сиз давлат хизматида эдингиз-да. Тўсатдан хизматдан бўшадингиз. Очигини айтсам, бунга сира тушуниб бўлмайди. Сизга тўғрисини гапирай, мен ҳечам тушуна олмамайман...

— Икки дунёда ҳам у ишга қайтиб бормайман. Йўқ, йўқ. Асло қайтиб бормайман. Ўша ҳақда ўйлашнинг ўзи кўнглимни беҳузур қилиб юборади. Мен уни ташлаб кетганимга сира ҳам афсусланмайман. Кўряпсизми, қандай аҳволга тушиб қолдим. Ўзингиз ўйлаб кўринг! Ўша лаънати маҳкамада қандай ишлаган эканман-а!

— Сиз ўз сўзида турадиган одамсиз... Ҳозир сизга анча қийин. Сизни оғир ташвиш-аламлар азобляпти. Ҳар қалай, бир нарса аниқ: сиз мушкул синовга дучор бўлдингиз. Мен буни жуда яхши тушунаман! Хўш, умуман, бундан кейин нима қилиш ниятидасиз? Бирор иш билан машғул бўлишингиз керак-ку, ахир. Телба-тентаклик қилиш билан эмас, албатта.

— Яна қоғозлару, идорада ўтиришми?.. Яхшиси кул тепалардан овқат топиб ейман! Ҳамкасабаларингиз-чи?.. Уларни ўзингиз бир кўрсангиз эди! Қайта бир бор кўришга тоқатим йўқ. Мен уларнинг қўлларига тушадиган ҳар бир одамга ачинаман. Уларнинг юраги қандай юрак экан, сира билмайман, лекин улар шўрлик халқнинг бошига битган бало. Улар халқни хонавайрон қилишга тайёрлар, қонун эса шуларга ёрдам беради!— Жамол жим бўлса-да, лаблари шивирлаб учиб турарди.— Мен халққа улар сингари муомала қила олмасдим,— деб ишонтиради у.— Йўқ, уларга ўхшаб муомала қила олмасдим, айниқса, пора олишга қўлим бормаган бўларди! Уларнинг бу ерида нима бор? (У ўзининг кўксига уради.) Йўқ, бу ақл бовар қилмайдиган разолат! Мен ўз ватандошларимга итга муомала қилгандай муомала қила олмайман, бошқалар шундай муомала қилганда чидаб ҳам тура олмайман. Кўникишга уриниб кўрдиму, лекин қўлимдан келмаслиги-



га ўзим тан бердим. Афтидан, мен бундай ишлар учун яратилмаганга ўхшайман.

— Сиз ҳаддан ташқари сезгирсиз, дўстим.

— Йўқ, тўғриси айтсам... Бу разолатни сурункасига кўравериш... Бунда ақлдан озиб қолиш ҳеч гап эмас... Шундай қаттиқ тегадики!— У асабийлашиб кулади.— Ундан ҳам бешбаттари ҳар кун оладиган талай-талай «идора хатлари» эди. Улардан ажал совуғи эсарди. Бу даҳшатли қоғозлар ортида ҳеч қандай айби бўлмаган қанчадан-қанча кишиларнинг доду фарёдлари, сон-саноксиз очяланғоч болаларнинг кўз ёшлари яширишиб ётарди. У қоғозлар ўзлари беҳабар бўлган қанча одамларни ҳалокатга маҳкум этарди. Йўқ, буларга чидашга менинг ортиқ тоқатим қолмаганди. Энди ҳеч тортинмасдан айтаман: бу маҳкамалар ўзларининг инсон чидай олмайдиган жабрзулмлари билан бизнинг бебахт мамлакатимиз устига офатдай ёпирилган. Фақат биргина чора бор — у ҳам бўлса, ўша маҳкамаларни маҳв этиш. Оҳ! Мен англаб бўлмайдиган бир қизиқ аҳволдаман. Алаҳлаётганим йўқми? Афв этасиз, мен ҳаммасидан чарчадим, шу фикрлардан миям чатнаб кетай дейди, мен бутунлай гангиб қолдим. Эҳтимол, менинг гапимга қулоқ солиш жонингизга теккандир-а... Шундай эмасми?

— Йўқ, ўзингиз ҳам биласиз-ку, аксинча, эшитишга тайёрман. Ҳар қалай мен кучим етганча уриниб кўраман...

— Кам бўлманг. Энди, аминманки, агар шу тўғрида ўйлашнинг ўзи мени касал қилиб қўяди десам, сиз мени тушунасиз. Бу ҳол яна узоқ давом этармикан-а? Ҳеч ким ҳеч нима билмайди. Лекин бир нарсага менинг имоним комил, ҳаммаси тугайди...

Жамол бармоғини шиқиллатиб қўяди. Дўконга харидор кириши билан Алҳожидан ўрнидан туради.

Жамол яна ўз фикрлари дарёсига шўнғиб кетади ва кекса дўкондор ўз ўрнига қайтиб келиб қайтадан гап бошлаганда, ҳатто бир ирғиб тушади:

— Сизга қанчалар ачинишимни билсангиз эди! Менга қаранг, бир ошнам бор — савдогар, унга гумашталар керак. Ўшанинг қўлида ишлашга розимисиз?

Таажжубланган Жамол унга тикилиб қолади.

— Мени у билан таништиринг...

— Шошилманг, аввал мен у билан бир гаплашиб кўрай. У сизни ўз магазинига ишга олади. Бунга имоним комил. Менинг тавсиям билан бир одамни ишга олган. Ишонаманки, сизни ҳам...

— Майли, розиман... ишлайман. Иш билан куйманаман. Руҳан енгил тортаман.

— Албатта.

— Ростини айтсам, тезроқ ишга тушишга ошиқяпман.

— Кўнглингиз хотиржам бўлсин, мен унга айтаман. Уша ўрин сизники, мана, кўрасиз!

Жамол ирғиб ўрнидан туриб Алҳожининг олдига борди-да, миннатдорлик ҳислари билан унинг қўлини ўпди.

— Сиздан беҳад миннатдорман.

— Қўйсангиз-чи, қўйинг! Утиринг! Бу иш менга ҳузур бағишлайди. Ишонинг, бу хизмат мен учун унчалик қийин эмас. Фақат ҳамма иш жойида бўлса бўлгани... Ишонаманки, ҳаммаси жойида бўлиб кетади.

Яна хаёлга толган Жамол бошини кўтариб:

— Бунақанги иш учун серҳаракат одам керак эмасми?— деди.

Унинг саволида безовталиқ оҳанги сезилиб турарди.

— Қанақа одамсиз-а,— деб кулиб юборди Алҳожидан элбурутдан умидсизликка тушманг! Ҳаммаси жуда оддий: сизнинг ихтиёрингизда газмоллар бўлими бўлади. Энг муҳими янглишмай ҳисоб-китоб қилишни билиш керак, харидорлар кўнглини овлаб туриб назокатли бўлмоқ даркор... Ана кўрдингизми, шарти унча оғир эмас, сизда бошқаларда бўлмаган фазилатлар бор.

— Балки жуда кўп ҳисоблаш ва кўпчиликка жавоб-муомала қилиш керак бўлар? О, мен ҳаммасини чалкаштириб

юбораман, ўзимни ўзим биламан-ку. Хўш, мен удалай оламанми?.. Ҳамма вақт вазмин бўлиш лозим. Йўқ, мен ҳар қалай у кишининг яхшиликларини унутмайман, юзларини ерга қаратмайман. Ҳаёт мен учун энди қимматга эга бўляпти! Мен дунёда энг бахтли киши бўламан. Мен жуда кўплаб одамларнинг эҳтиёжини ўрганаман ва ўзим ҳам ўшалардан бири бўламан. Оламда қанча бўлсак, ҳаммамизга фаолият даркор. Ҳеч кимса жамиятдан ташқарида яшай олмайди.

— Азизим, ўзингизни босиб олинг, шунда ҳамма нарса силлиқ кетаверади!

— Бу гапингиз тўғри. Мен доим элдан бурун ҳовлиқиб кетаман.

— Агар яхшилаб ўйлаб кўрилса, оламда осон ишнинг ўзи йўқ. Аммо худо бизларга ўз кучига ишониш эътиқодини бахш этган ва биз энг оғир мушкулотларни ҳам бартараф этишга қодирмиз. Инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

— Хўп, индамай сизнинг олдингизда узр сўрайман.

Жамол жим бўлади. Лекин орадан сал ўтгач, чуқур хўрсиниб:

— Менинг далада ишлагим бор эди,— дейди.

— Нима? Ўйлаб гапиряпсизми? Деҳқончилик ишларига жисмоний бақувват кишиларни қабул қиладилар. У жуда оғир меҳнат... Сиз хоҳлаганингиз билан у ишнинг уддасидан чиқишингиз қийин, унинг ҳадисини олмагансиз. Ҳаммага

майна бўласиз — улар билан беллаша олмайсиз. Сиз ўзингизни алдамоқчисиз.

Алҳожидан унга диққат билан қараган эди, Жамол хижолат бўлиб сукут қиладди. Унга бирдан актёрлик қилиб, аллақандай юксак туйғулар ҳақида гапиришга тақлид қилаётганга ўхшаб туюлади. У зўр-базўр:

— Қишлоққа боришга қанчалик ҳавасим зўрлигини билсангиз эди, — дейди.

— Менга қаранг, гапимга қулоқ солингу мендан хафа бўлманг, ахир сиз ақлли одамсиз-ку. Бошингиздан нималар кечиряпсизу, нималар хоҳлаётганингизни билиб турибман. Сиз менда қандайдир ўзгариш, янгиланиш бўлади деб ўйлайсиз. Аммо бу хом хаёлдан ўзга нарса эмас!

Жамол бундай сўзларни эшитганидан ажабланмайди. Яна уни ҳорғинлик қамраб олади. Бу шундай бир ҳорғинликки, унинг аниқ номи йўқ, у асрлар оша етиб келган. Жамол юзини қўллари билан беркитади, унинг кўксидан нола эшитилади.

— Сизга қасамёд қилиб айтаманки, мен бошқача яшамоқчиман. Бунинг қандай ёмонлиги бор? Мени бошқача ҳаёт ўзига тортади... Мен омади келмаган бебахтман!

— Қишлоқдаги бирон бир тинчроқ бурчакка яшириниб олиб оддий, фақирона ҳаёт кечириб, дунё ташвишларини унутиб яшашми? Шундай демоқчимисиз? Ҳақиқатан ҳам бу — кишининг ҳавасини

келтирадиган ҳаёт. Лекин энг олис ва энг махфий ерга яширинсангиз ҳам, ҳаёт сизни унутмайди-ку. Бу ҳам адолатли иш. Сиз осойишталик талаб бўлиб қолдингизми?.. Ҳа-ҳа-ҳа!.. Барча адоват, нуқсон ва разолатдан четда яшамоқчимисиз... Шундақанги осойишталик истайсизми?

Жамол бош чайқайди.

— Мен бебахт одамман!

— Сизни халос этиш менинг измимда эмас, лекин мен аҳволингизни англаб олишингиз учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан. Сиз ўз зиммангиздаги вазифаларни аниқ тасаввур этишингиз керак. Сизга шуни тушунтиришни эплай олармикинман?

Алҳожиди Жамол томонга энгашади:

— Башарти эплай олсам, бир вақти келиб сиз ўз назарияларингизнинг қиммати қанча эканини айтиб берсангиз бўлгани. Кўзингизни очсангиз-чи, ахир! Ҳали ҳам кеч эмас.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми? Эҳтимол.. Уйғониш ҳеч маҳал кеч бўлмайди. Лекин шу билан нима ўзгариши мумкин?— деб сўрайди Жамол, кейин овозини пасайтириб, ўзига мурожаат қилгандай илова қилади.— Мен баъзи бир нарсаларнинг мағзини чақяпман. Шундай йўллар ҳам борки, ундан орқага қайтиш мумкин эмас. Тескарича турмуш кечириб бўлмайди. Отам кўпинча менга панд-насихат қиларди, унинг гаплари худди кечагина эшитгандай, қулоғимда. У менга бутун

қонун-қоидаларни жуда тиришқоқлик билан ўргатар эди-ю, бироқ шуларни ҳаётда татбиқ этгин деб мажбур қилмасди. Шу билан у ақл бовар қилмайдиган даражада субутсизлик қилаётганини хаёлига ҳам келтирмасди. Менга қатъий қоидалар ўргатилган эди-ю, лекин ҳеч кимса шуни амалда исботлаб бер деб мендан талаб қилмаганди!— Жамолнинг сўзлари узук-юлуқ ва шангиллаб эшитила бошлайди.— Эҳтимол, ўшандан бери менда ёмон майллар пайдо бўлгандир! Ўспирин вақтимдаёқ мен бир қизни йўлдан урмоқчи эдим!

Алҳожиди хўрсиниб қўяди.

— Сиз жуда самимий одамсиз. Жасоратингиз кўп. Хўп майли, қани, юрагингизда борини тўкиб солиб, ҳаётингизда нималар қилганингиз, нималар қилолмаганингизни бир чеккадан айтинг. Мен биламан, сизда ирода, сабот-матонат бор. Ўшаларни руҳингизни пок этишга йўланг, руҳингизни бундан кўра бесаранжомроқ қилишига йўл берманг.— Алҳожиди Жамолнинг елкасига қўлини қўйди, унинг овозида илиқ оҳанг бор эди.— Ахир мен сизни яхши биламан-ку...— У сўздан тўхтаб, Жамолга диққат билан қарайди. Ахир, мен сизни жуда яхши биламан... Имоним ҳам комилки, қалбингизда бўлган барча ёмон ҳисларни бартараф этишга кучингиз етади. Шундай қилсангиз, янада обрўйингиз ортади. Сиз бамисоли ҳеч кимга маълум бўлмаган ҳукмдорсиз, тож

кийиб юрасиз: фақат тахтни эгаллашингиз қолган. Нега зафар қозонмас экансиз?

Бу сўзлар Жамолни тўлқинлантириб юборади, у кўзини ерга тикиб, эҳтиросла ҳаяжонини зўр-базўр босиб жавоб беради.

— Мен ишлашни иштайман. Ҳаётимни бошқатдан бошлайман, бу тўғрида сизга ваъда бераман. Мен қучоқ очиб ўзим сингариларнинг истиқболларига чиқаман. Кучим етганича яхшилик қилишга уринаман.

— Худо сизнинг эзгу ниятларингизни барқарор этсин. Келинг, сизни бир қучоқлай. Сизнинг сўзларингиз қалбимга дармон бўлди.

Жамол бошини кафтининг орасига олганча ўтиради. Унинг юрагида аллақандай англаб бўлмайдиган бир нима туғён урарди.

Эшик олдига соч-соқоли оқарган, яғриндор бир мўйсафид тиланчи келади. У қўлидаги ҳассани ерга дўқиллатиб уради. Ўсиб кетган жингалак сочлари унинг ялпоқ юзи ва чанг-тўзонга беланган соқоллари устига тушиб туради.

— Бугун жума, худо йўлига хайр қилинглар,— деб ғўлдирайди паст товушда.

Гадой чап қўлидаги ҳассасига энгаҳини тираганича, ўнг қўлини чўзиб туради.

— Бу ёққа кир, биродар, киравер, хуш келибсан!

Тиланчи гўё уни эшитмагандай турган еридан қимир этмайди. У ҳамон остона олдига қўлини чўзганча туради.



— Кираверсанг-чи,— дея такрорлайди Алҳожиди,— ахир, биз ҳаммамиз биродар эмасмизми? Ахир, бизлар бир дарахтнинг мевасиди, бир отанинг боласимиз-ку?

Бу сафар чол жойидан жилади. У тор эшикдан бир амаллаб қисилиб ўтиб, деворга урилади. Ниҳоят, дўконга кириб олгач, тўхтайдиди. Алҳожиди дўкон ичкарасини ахтариб, яшик топиб чиқадиди.

— Ўтир, жигарим. Айбга санамайсан, жойимиз бир оз торроқ. Ким бу дунёда сабру қаноат қилса, у дунёси обод бўлади.

Чол олдинга энгашиб, оҳиста яшикка ўтиради.

— Ё оллоҳ!— деб нола қилади у.

— Бирпас ёлғиз қолиб турадилар-да, мен ҳозир, зумда қайтиб келаман. Ҳа, айтгандай, бу ерда меҳмоним бор.— Алҳожиди Жамолга ўгирилади.— Ана ёлғизламайдиган бўлдинг.

Алҳожиди чиқиб кетади.

Салдан кейин қайтиб келади, бир қўли билан юмшоқ булка нонни бағрига босиб, (уни ҳозиргина новвойхонадан олган бўлса керак) иккинчи қўли билан нондан қайтган майда пулларни кўп хонали саҳтиён ҳамёнига солишга уринади. Алҳожиди қайтадан пештахта орқасига ўтиб, катта тунука бидондан сирланган тоғорачага қатиқ қуядиди.

— Яқинда ивигилган, янги қатиқ... Сен бирпас дамнингиди ола тур, мен унғача овқатга ҳам уннаб юбораман.

Кейин у нон билан қатиқни келтиради. Тиланчи қўлини узатиб тимирскилайди. Жамол шундагина унинг кўзи ожиз эканини англайди.

— Худо хайрингни берсин,— дея овқат ейишга тутинади тиланчи.

— Хўш, ишлар қалай, дўстим?— деб тиланчига мурожаат қилади Алҳожиги.

Булка нон бамисоли тиланчининг қўлида эриб кетаётганга ўхшайди. Жамол индамай ўтирганича тиланчини кузатади, кейин Алҳожигига қарайди. Бир неча дақиқа унга диққат билан тикилади-да, ўзининг чалкаш ва дудмол хаёлига берилиб кетади.

«Мен аҳмоқ эмасман. Нима, мен яхши билан ёмоннинг фарқига етмайманми? Агар яхшиларга яхшилик қилиш учун бутун кучни сарфлаш керак бўлса, сарфлаганим бўлсин! Мени ёмон деб ҳам, ночор деб ҳам айтолмайсан. Менинг бутун фикри зикрим яқинларимга ёрдам беришга, қаердаки ёмонлик яширинган бўлса, уни бартараф этишга қаратилмоғи лозим. Менинг вазифам мана шу. Мен ҳалол меҳнат қилиб, ўз нонимни пешана терим билан топиб ейман. Бошқаларга эзгу таъсир ўтказишга тиришаман. Наҳотки мен фойдали одам бўлолмасам? Мен ўзимда шундай куч-қувват сезяпманки, бу куч-қувват бошқаларда йўқ?»

Дўкон эшиги рўпарасидан юклари оғирлигидан икки букчайиб ўтаётган одамлар кўринади. Болалар эса уларнинг

оёқлари остида ўраланиб юришади. Атрофдаги кўчаларнинг ҳаммасидан шовшув эшитилиб туради.

Жамолнинг кўзи тиланчи чолга тушади ва уни ажиб бир ҳаяжон ўраб олади.

«Борди-ю, ният қилганимдай одам бўлиш пешанамга ёзилмаган бўлса-чи? Интилишларимда ҳеч қанақанги ҳаққонийлик ва самимият йўқ. Эҳтимол, буларнинг ҳаммаси ўз-ўзини алдашдир. Юракдан бир нималарни қилишга иштиёқи бору, уни доим бўлмагур хом хаёллар билан алдайсан!»

Тиланчи чол овқатни еб бўлиб, жулдур кийимларини қоқади-да, чиқиб кетади. Жамол аллақандай маҳзунона ажабланиш билан унинг орқасидан тикилиб қолади.

— Мен аввалги вазифам билан батамом хайр-маъзур қилдим,— деб елкасини қисади Жамол.

Алҳожиде яваб беради:

— Тушунаман, сизга раҳмим келади...

— Миннатдорман... мен шикоят қилаётганим йўқ.

Жамол миясига келган: кишиларни ҳаракатга ундовчи сабабларни таҳлил қилсанг, уларнинг хатти-ҳаракатларини ўргансанг, шундай таассурот пайдо бўладики, қайсикки инсонлар тақдири билан савдо қилувчи аллақандай бир савдогар бирданига уларнинг ҳаммасини арзонгаровга сотиб юбормоқчи бўлгандай бўлади.

деган фикрни унга айтгиси келади. Лекин индамай қўя қолишни афзал кўради.

Алҳожининг овози уни бу хаёлдан чалғитади:

— Биз қисматимиз учун сиз ўйлагандан кўра камроқ айбдормиз. Оламни шундай қилиб яратган худога ҳамду санолар бўлсин. Пешанамиз шўр, тақдиримиз оғир, шунинг учун ҳам барча масъулиятни зиммамизга олишга қодир эмасмиз.

— Мен асло ундай демоқчи эмасдим,— деб қўяди Жамол.

Бу нарсаларни қандай тасаввур қилаётганини тушунтириб беришга уриниб кўради, лекин унга ўзи эмас, бошқа бир одам гапираётгандай бўлиб туюлади:

— Ҳаётнинг шундай бир бизга номаълум бўлган томони борки, ўша ерда биз халос топишимиз мумкин. Агар жону жаҳдинг билан астойдил ҳаракат қилсанг, уни топасан... Биласанми, мисол учун ҳаётнинг турли вазиятларидан биз ўзимизни жуда устивор ва ишончимиз комил бўлган ҳолатларимизни бир-бирига қўшиб, қандайдир мустаҳкам таянч ортига яширингандай яширинсак...

Алҳожини унга ажабланиб боқадди ва жилмайганича мулойимлик билан:

— Ҳозир сиз ҳақиқатга жуда яқин келдингиз,— дейди.

Жамолнинг кўзлари бирданига ёшланади: у индамай ўрнидан қўзғалади, эшикнинг олдига боради-да, кўзлари ёш-

га тўлганча шовқин-суронли, серҳаракат кўчага тикилади.

Жамол Алҳожининг олдига қайтганда, у ҳали ҳам жилмайиб турарди.

— Сиз бўлмаганингизда, мен аллақачон маҳв этилган бўлардим,— деб этироф қилади Жамол.— Сиз менинг энг оғир дақиқаларимда мадаккор бўлдингиз.

Дўсти сукут сақлайди.

— Ёлғиз сизгина мени қўллаб-қувватладингиз. Сабр-тоқат қилиб сўзимнинг охиригача қулоқ солган одам сизсиз. Менинг пала-партиш гапирган гапларимни кечиринг.— Жамол бир неча марта у ёқдан-бу ёққа бориб келади, кейин яна эшик томон юради.

— Фақат... ларгина ҳеч нарсани хуш кўрмайди...

У гапини тугатмай, бетиним ўтиб турган оломонга қараганича остонада туриб қолади.

---

## X

---

**Е**мна бинт Толиб боғда уй томонга орқа ўгириб турарди. У энгашиб қолган гулларнинг баъзиларини тўғрилаб, айримларининг тагига сув қуйиб юрарди. Беғубор ва кишини тетик қилувчи тонг яшнаб ту-

ради, уйдагилар ҳали уйқудан тургани  
йўқ. Емна оҳиста хиргойи қилади:

Тонг кўз очиб оҳистагина  
Кўрди саҳро бурканганини,  
Туман ила чечаклар била.

Емна қумғонни энгаштиради, ундан  
тиниқ сув тушади.

Қоқшол бўлган хас-хашак ёнар  
Шол рўмол-чи, елда тебранар  
Кимсан, айт, ҳой кетувчи дилбар?

Теварак-атрофда сокинлик, хушбўй  
тонги сарринлик ҳукмрон. Фақатгина  
сувнинг шилдираши-ю, қушларнинг сай-  
роғигина эшитилади, холос.

Мен кўраман сарғиш заминни.

Емна тўхтаб, гуллар устига энгашади.

Мен кўраман сарғиш заминни,  
Айтинг, балки нотинч юрагим  
Нақ ўшандан ясалганмикин?

Яна сукут, кейин Емна қўшиғини да-  
вом эттиради:

Эшитилар бир товуш бехос,  
Ернинг титроқ шўъласи шу топ...

Ҳовлида хонтахта устига нонушта учун  
Мерак бўладиган майда-чуйдаларни қўй-  
ганича оҳиста-оҳиста қадам босиб Раҳи-

ма киради, пиёлалар жаранглайди. Раҳима хонтахтани кичкина диванча олдиға қўяди-да, бир лаҳза қимир этмай туриб қолади, кейин қандай келган бўлса, шундай, яланг оёқларини авайлаб босиб, сасадосиз чиқиб кетади.

Ҳали ҳам боғда ўралашиб юрган Емна:

— Илдамроқ, қизим. Ҳали замон офтоб ёйилиб кетиб, уй юмушларини қилиш у ёқда турсин, қимирлашга ҳам мажонинг келмай қолади,— дейди.

Оқсоч ҳовли ўртасида тўхтаб:

— Ҳа, бекам,— дейди.

— Дастурхонни йиғиштириб олгани келганинда, сувни бекитиб қўйишни унутмайсанми?

— Йўқ, бекам.

— Кун иссиғида суғорилса, гуллар қовжираб қолади. Закия уйқудан турди-ми?

— Ҳа, бекам. Ҳозир чиқиб қолсалар керак.

Оқсоч бир нафас кутиб туради. Бекаси унга бошқа бирон нарса демагач, Раҳима оёқ учида юриб чиқиб кетади.

Эшитилар бир товуш бехос,  
Ернинг титроқ шўъласи шу топ.  
Саволимга йўллайди жавоб:

«Йил ортидан ўтса-да йиллар,  
Ешлигимча қоламан такрор,  
Ешараман ҳар фасли баҳор,

Шудринг билан юз ювган тонгдай,  
Иссиқ кунга муштоқ эрурмен,  
Бағрингга бос, суйгил мени сен!»

Емна боғда ёлғиз эканига ишонч ҳосил қилиш учун қўрқа-писа атрофга аланглайди. Яқин орада ҳеч ким кўришмайди. Нима учун гоҳида аллақандай ваҳима юрагимизга қўққисдан худди ўғри сингари кириб қолади-а? «Худди ўғрига ўхшаб. Ҳа, худди ўғрига ўхшаб», деб ўйлайди Емна ўзини босиб олиб, кейин яна ишлари билан ўралашиб кетади.

Шамол такрор этар: «Суйгил мени сен!»

Емна гулларни қолдириб, ичкари ҳовлига кириб кетади. Қумғонни устун остига қўйиб, ниманидир мулоҳаза қилгандай тўхтаб қолади.

У Закия кирганини ҳам пайқамайди.

— Ойи,— дея шивирлаб чақиради қизи.

Емна чўчиб тушиб, галати бўлиб кетади, кейин ўзига келгач жилмаяди.

— Ойи, сиз мени қўрқитиб юбордингиз, шундай сердиққат ва хафа ҳол кўриндингизки... Ҳатто мен сизни таний олмай ҳам қолдим! Вой, мени жуда ёмон қўрқитиб юбордингиз!

Қизи секингина кулиб қўяди. У онасининг қўлини олиб, бир неча бор ўпади ва эркаланиб унга юзини суртади.



— Сенинг тўғрингда ўйлаб турган эдим, она қизим.

Закия таажжубланиб:

— Менинг тўғримда?— дея сўрайди.

— Сен учун ҳаёт оғир юк бўляпти.

— Қўйинг, бу нима деганингиз...

— Нега эътироз билдирасан? Эрга тегишни хоҳламасанг, хизмат қилишга кўнглинг бўлмаса, хўш, ҳатто илмга ҳам қизиқмай қолдинг. Сен қандайдир бир нарсани топишга уриняпсан ёки бўлмаса ниманидир кутяпсан... буниси менга қоронғи... Сен рўёбга чиқмайдиган хаёлларга берияпсан. «Йўқ» дема. Ҳаёт сени қийнапти.

Закия қовоғи осилганча, бошини қуйи солади.

— Ҳа.

— Билиш керак бўлади, ўша «алланима» бор нарсами ёки йўқми...

— Агар йўқ бўладиган бўлса, яхшиси, дунёда яшамаган маъқул!

Емна қизига ағрайганча диванчага ўтириб қолади ва ғайри шуурий равишда пиёлани қўлига олади.

— Индамайсиз-а, ойи? Демак, мен ҳақ эканман-да. Имоним комилки, сиз менинг фикримга тушуняпсиз. Юрагим жуда ҳам безовта, нима сабабдан эканини ўзим ҳам билмайман. Менга шундай туюладики, гўё ҳаёт мендаги нарсаларни тамомила сўриб олгану, юрагимда даҳшатли бўшлиқ ҳосил бўлган... Бирорта мансаб топиш керакми? Оилали бўлиб,

бола-чақа кўриш керакми? Нима кераги бор? Ким учун? Мен учун бунинг ҳеч қандай зарурати йўқ, мен буни истамайман. Улар яшаши учун бошқаларга ҳаёт бахш этиш керакми?! Оҳ, ўзимни қаёққа урай? Ҳеч қанақанги нажот йўқ...

— Закия.

— Кечиринг, ойи! — юзларини кафглари орасига яширди. — Нима деяётганимни ўзим ҳам билмайман... Мен шаккоклик қилиб ҳаётни — сиз менга бахш этган ҳаётни, сизнинг ва сизларнинг ҳаётингизни айблашга журъат этдим...

— Ўзингни бос, она қизим. Манави ерга, менинг ёнимга ўтир.

Закия дарҳол овунади ва онасининг ёнига ўтиради.

— Мен руҳан тинчишни, ёз тонгини кўриш, беташвиш қувонишни истайман, бошимга тушган ҳар бир мушкулни нолимай қабул этгим, ҳаётни севгим келади. Ҳаётни севиш... Ҳаётни севишни нақадар исташимни билсангиз эди!

Емна қизини бағрига босади.

— Тинчлан, қўзичоғим, тинчлан.

— Тинчланолмаيمان. Ана шу тинчланиш мени қаттиқ азоблайди.

— Биладан, тинчлан, худо хайрингни берсин, ўзингни бос.

Она оҳиста қизининг бошини силайди.

— Ана кўрдингизми, — дея шивирлайди Закия. — Азизларим, сизларнинг ҳаммаларингиз мени яхши кўрасизлар,

мен бўлсам, сизларни хафа қилишдан бўлак ҳеч нимага қодир эмасман. Бу нақадар кўнгилсизлик...— Закия бошини кўтариб, онасига қарайди.— Бу оламда ҳатто энг нозик меҳрибонлик ҳам заҳарга айланади. Бунга ким айбдор? Ҳеч ким... Балки ҳамма айбдордир! Бу ҳолат бир кун эмас, бир кун ўзгарадими, йўқми? Мен сизнинг олдингизда айбдорман.

— Сен айбдорсан?

— Ҳа,— дейди секин Закия.

— Қизим, менинг бунақанги нарсаларга ақлим етмайди, мен ахир мактаб нималигини билмайдиган саводсиз аёлман. Бизнинг давримизда... Бу тўғрида гапиришнинг нима кераги бор!

Емна жим бўлиб, хаёлга толади.

— Ҳозирги замон ёшларини сира тушуниб бўлмайди,— дея овоз чиқариб фикр юритади.— Илгари замонда эрга тегмайман деб тихирлик қилиш қизларнинг хаёлига ҳам келмасди, икки дунёда ҳам бундай иш бўлган эмас! Тўғриси, биров уларнинг фикрини сўраб ҳам ўтирмасди. Уй юмушлари, эри, бола-чақасига қарашдан бўлак яна бирор ерда ишласин, бу тўғрида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди!— У диққат билан қизига қаради.— Менга айт-чи, хоҳишинг нима! Балки охирида мақсадингга тушунарман.

— Истагинг нима дейсиз? Сенга нима керак деяпсизми? Ўзим ҳам билмайман. Менда ҳеч қандай хоҳишнинг ўзи йўқ — ҳамма нарсам етарли. Инсон учун яна

нима керак бўларди?.. Мен ўзгача турмуш ҳақида ўйлайман, оддий ҳаётий икир-чикирлардан юксакроқ турадиган нарсаларни хаёл қиламан... Ҳар жиҳатдан баркамол, озод ҳаёт ҳақида ўйлайман... Анави булутга қаранг, кўряпсизми, ана, осмонда, баланд-баландда сузиб кетяпти. Ўша булут менинг хаёлларим, менинг хаёлларим эса худди ана ўша булутларга ўхшайди...

— Ё раббий, бу нимаси ўзи? Менга кўмак беринглар! Қизим айтган гапларидан бирор нарса тушунган бўлсам, тил тортмай ўлай!— дея шикоятмуз фарёд чекади Емна.

— Шу билан бирга бу оламда... Ҳар кимса ўзидан ҳам, ўзгалардан ҳам мамнун бўлсин... Аммо ҳамма нарсадан илгари атрофимда нималар бўлаётганини яхшилаб тушуниб олиш керак...

Закия ўйлаб қолади. Онаси унинг ширин хаёлларидан маҳрум қилиб қўймаслик учун жуда мулойимлик билан гапирди:

— Андак сабр қил, она қизим...

— Бу ишда қандай сабр қилиш мумкин? Менинг қанчалар алам чекаётганимни сиз билмайсиз-да.

— Нима қилиш керак? Аламини сабртоқат билан енгиш мумкин, тақдирни эса, сукут билан...

— Ана шу донишмандлигингиз билан бизларнинг қўл-оёғимизни боғлаб ташлайсизлар. Аввалига нафас олмасдикқа

ўрганасану, кейин ҳеч қандай ҳавонинг ўзи йўқ дейсан. Оламда ёмонлик мавжуд эканини унутиш, тақдирнинг азалдан белгилаб қўйилганини унутиш: сиз менга фақат шунигина маслаҳат бера оласиз, холосми? Ё раббий!

— Закия, онангни мунчалик қаттиқ маломат қилма. Мен биламан, сен яхши қизсан...

— Қўйсангиз-чи, бир-биримиз ҳақимизда ниманиям билардик? Ҳар биримизга ҳаммадан кўра кўпроқ нима керак эканини биламизми? Сизлар мен тўғримда нима биласизлар?..

— Закия, сенга юрагим ачияпти!

— Менга раҳмингиз келяпти. Бу тушунарли. Мен адойи тамом бўлдим, қалбим бамисоли исканжага тушгандай. Қизингизга раҳмингиз келсин, онажон. Пешанам қурсин, мени туғилмай!

Кутилмаганда Мухтор Рой пайдо бўлади, унинг кайфи жойида — димоғи чоғ экани яққол сезилиб туради.

— Ие, менсиз нонушта қилмоқчи бўлаётганга ўхшайсизлар-а? Оббо муғамбирлар-эй! Йўқ, ҳавонинг мусаффолигини қаранглар! Ажойиб тонг! — Қўлларини биқинига тираб, чуқур нафас олади. Бамисоли жаннат тонгининг ўзгинаси!

Закия ўрнидан туради.

— Нима гап? — дея сўрайди отаси. — Мен сени чўчитиб юбордимми?

— Дада, ўтиринг, — дея жавоб беради қиз, қўли билан диванчани кўрсатиб.

— Узинг қаёққа кетяпсан? Ўтира-  
вер!

— Мен курси олиб чиқаман.

Мухтор Ройи аскиядан завқлангандай шарақлаб кулади.

Закия чиқиб кетади, отаси эса диван-чага — хотинининг ёнига ўтириб, овқатлана бошлайди. Орадан бир неча дақиқа ўтади.

— Хоним,— дейди Мухтор Ройи қўқ-қисдан.

— Лаббай, нима дейсиз?

— Мен кечаси билан кўз юммай чиқдим.

— А?— Емна ташвишга тушиб қолади.— Нима бўлди?

— Фақат унинг турмушга чиқиши ҳақида ўйладим.

Назаримда, бу иш унча ёмон бўлмас эди. Ҳм... Хулласи калом... Шу билан бирга... эртами, кечми у эрга чиқиши керак ахир, ҳамма қизлар ҳам эрга чиқадиларку! Бунинг устига-устак, унинг кимга тегиши ҳаммага аён. Куёв ҳам аллақачон топиб қўйилган бўлгандан кейин, нега энди ҳозирнинг ўзида биз шу иш билан шуғулланмайлик. Сирасини айтганда, бундай ўйлаб кўрсанг, ундан кўра дурустроқ куёвни орзу қилармидик? Шу билан бирга сен билан мен бошқа бирор одамга узатмоқчи бўлганмидик? Ундай хаёлда бўлганимиз йўғ-а, тўғрими? Бизнинг омадимизни кўриб одамларнинг ҳаваси келади... ҳамма ишимиз жойида бўлиб ке-

тади... Қизимиз ҳам ўз бағримизда қолади, ҳатто эрга текканидан кейин ҳам қизинг ҳамиша ёнингда бўлади!

Емна ўз фасоҳати ўзини тўлқинлантириб юборгандай эрига қарайди.

— Узингизга аён. Сиз — отасиз. Ўз ақлингизга қараб иш қилаверинг.

— Хўш, сен-чи? Сен бу тўғрида қандай ўйлайсан?

Емна тобора қизишиб, шаҳдам гапира бошлади:

— Мен ҳамма керак-яроқларни аллақачонлар ҳозирлаб қўйганман, сепи таппа-тахт ҳеч камчилиги йўқ — идиш-тововидан тортиб, ёстиқ жилдигача қилиб қўйибман. Ҳаммаси ўттиз сидрадан, ўттизта ипакли кўйлак, ўттизта...

— Узинг ётиғи билан гаплашиб кўрсанг қандай бўларкин? Шундай қил.

— Албатта,— дея қувониб жавоб беради Емна,— никоҳ куни кийиладиган кўйлагининг матоси ҳам олинган, бичиқчига олиб борилса бўлди, фалон...

— Ўзи келяпти! Шошмай тур, мен кетиб олай, кейин сен у билан гаплаш...

Закия келиб, курсини эрга қўяди-ю, аммо ўтирмай туриб, паришонлик билан ота-онасига қарайди. Отаси шоша-пиша нонуштани тугатади.

— Ўтир, нега тикка турибсан?— дейди у.— Кейин соатига қарайди-ю, дик этиб ўрнидан туради.— О-о, мен борай бўлмасам! Кетдим!

Мухтор Ройи зингиллаганича чиқиб

кетади. Ёлгиз қолган она билан қиз нима ҳақида гаплашишни билмайдилар.

Ниҳоят, Емна ҳаяжон ва меҳр билан, ҳар бир гапига сиполик оҳанги беришга уриниб аввалдан ҳозирлаб қўйилган гапни бошлайди:

— Қизим, отанг мен билан гаплашди. Ҳа, у турмушга чиқишинг ҳақида гапирди.

— Кимнинг турмушга чиқиши?

— Сенинг чиқишинг...— Она-бола индамай бир-бирларига қарашди. Емна секингина:— Отанг эртами, кечми шу иш бўлиши керак, деб айтди,— дея қўшиб қўйди... Она каловлаб қолади.— Мен... мен ҳамма нарса ни тайёрлаб қўйганман деб сўзини давом эттиришга уринади у.— Ҳамма нарса тайёр. Сабри сал бундай бўлса ҳам... ажойиб йигит... Нимаям қилдик кутиб ўтириб? Ҳамма ёқ тай... Закия, сенга нима бўлди?

Қиз гўё соқов бўлиб қолгандай ломим демади. Кейин ичидаги сўзларини аранг сиқиб чиқаргандай, бўғиқ товушда:

— Нега энди бирданига шундай қилгинлар келиб қолди?— деб сўрайди.

— Отанг шундай қарор қилибди! Худо ҳаққи, менда ҳеч гап йўқ!

Закия ўкраб йиғлаб юборади.

— Шошма, шошма... Бу нима қилганинг?

Бир қўли билан белини, иккинчи қўли билан йўлида учраган нарсаларни ушлаганча бувиси кириб келади.



— Нима бўлди, буving тасаддуқ, нима воқеа юз берди? Бўлди, бўлди, йиғлама!

— Мен унга эрга тегиш ҳақида гапирган эдим,— дея тушунтиради Емна,— у йиғлашга бошлади! Менга отаси тайинлаганди. Кўз ёшини қаранг, шашқатор оқяпти-я! Тавба!

— Вой тентак-э! Қани, менинг олдимга кел-чи, шакар қизим,— дея кампир Закияни бағрига босиб эркалай бошлади. Эҳ, тентак қиз! Бўлди, бас қил! Биз қизларнинг нима мақсадда йиғлашини жуда яхши биламиз. «Мен йиғлаганим билан барибир эрга чиқаман», дегани. Биргина сен эмас, бу савдо ҳамма қизларнинг бошида бор.

— Э худойим-э, қаерга борай? Нима қилишим керак!— деб қичқиради қиз ҳўнграшдан нафаси оғзига тиқилиб.

Закия ўрнидан туради-да, кампирни ўзидан нарига итариб бир нуқтага тикилганича хомуш туриб қолади.

Қизининг гапини Емна ўзича тушунади.

— Ҳеч қаерга боришингнинг кераги йўқ, шу ерда қоласан, бағримизда.

— Нима қилиш керак?.. Нима қилиш керак?... Нима қилиш керак?..

Закия худди уйқусида юргандай бешуур равишда уйга томон кетади. Бувиси билан онаси ҳанг-манг бўлганча кузатиб қолишади.

Ҳали унчалик ўзига келмаган Емна қайнанасидан:

— Сиз нима дейсиз, қандай қилиш керак?— деб сўрайди.

— Э! Сабр қилиш керак, холос... Қизларнинг ҳаммаси ҳам шунақа қилади. Мен билан сен ҳам ўз вақтида ота-онамининг юрак-бағрини эзиб йиғлаганмиз!.. Барибир, эрга чиққанмиз, хўш, бундан осмон узилиб ерга тушгани йўқ-ку!

— Албатта, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди.

— Ахир, биз хотин-қизлар табиатан тентакмиз, ёшлигимизда эса жудаям ландовур бўламиз! Закиянинг кўз ёши қуригандан кейин ҳамма иш мойдай силлиқ кетади. Баҳор ёмғири ҳам челақлаб қуйгандай қуяди, ҳамма ёқни кўлоблатиб ташлайди, бирпасдан кейин қарабсанки, ундан асар ҳам қолмайди. Мен сенга айтсам, бўлар-бўлмас йиғи-сиғиларни кўнглингга олаверма. Ўзи шунақа бўлади, қиз бола деган унаштирилганини эшитди дегунча йиғлаши керак.

Бир нафас тараддудлангач, Емна хомуш бўлиб деди:

— Шундайку-я, ҳарқалай мен Закия-мизга бирон кори ҳол бўлиб қолмасайди деб қўрқаман. Алланималарни ўйлаб, ўздан-ўзи хафа бўлиб юради, баъзан эса менга ақлдан озганга ўхшаб кўринади. Аммо ҳар нима бўлганда ҳам, қизим одоб-ахлоқли, тарбияланган, ота-онасининг юзига тик қарамай, ҳурмат қилишга ўр-

ганган. Кабутардай покиза, биз уни ҳар қандай ёмонликлардан асрадик. Қуриб кетгур илм ҳамма ишимизни алғов-далғов қилиб юборди. Биз Закияни мўътабар оилага муносиб олима қиз бўлиб етишсин деган эдик, аммо илм унинг учун заҳар заққум бўлди, йўлдан оздирди. Буни мен энди тушундим. Афтидан, унинг мияси бўлмағур икир-чикирлар билан тўлиб кетган бўлса керак... Ҳозирги замоннинг кўпчилик қизларига ўхшаб.— Қайнана-сининг синовчан назар билан қараётганини кўриб эҳтиром ила сукут сақлайди: унга кампир бир нима демоқчи бўлганга ўхшаб кўринади. Аммо миқ этмагач, Ем-на сўзини давом эттиради: — Закия эртаю кеч ўқигани ўқиган. Қачон қараманг қўлида китоб. Ҳой, қўйсанг-чи, касал бўлиб қоласан, кўзинг ишдан чиқади, деб гапирганинг билан сиртига юқтирмайди.

— Худо ҳаққи, мен ҳам гапиравериб жағимда жағ қолмади,— деб бирдан келиннинг сўзини илиб кетди кекса Ройи хоним. Лекин ҳеч ким менинг гапимга қулоқ солишни истамайди, кампир шунчаки вайсайди қўяди дейишади! Эрга чиқиш — аёл киши учун ҳам қарз, ҳам фарз. Қани айтгин-чи, аёл киши яна бошқа нима иш қилиши мумкин? Эрсиз аёл нима деган нарса? А?.. Ўта ночор одам.

— Ночор... Ҳа, бу гапингиз тўғри.

— Аёл зоти эри, хонадони ва болалари учун яшаши керак. У ана шунга яратилган, азизим. Аёл киши ўжарлик

қилса, худонинг ғазабига гирифтор бўлади. Фақат йўлдан озган аёлларгина ўз оёғига ўзи болта уради — муқаддас қоида-ни бузади, аммо ким уларни одам ўрнида кўриб, иззат-ҳурмат қилади? Ҳеч ким!

— Ҳеч ким.

— Шунинг учун ҳам қиз болада ягона сармоя бор: бу — илм ҳам, чеварлик ҳам, хатто гўзаллик ҳам эмас, бокиралик! Қиз бола бусиз худо урсин агар мени, сариқ чақага ҳам арзимади.

— Шубҳасиз.

— Эрли хотин учун — қўрқув ва итоат: фақат шулар воситасидагина у бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам обрў топади.

— Ҳаммаси худонинг иродасига боғлиқ. Йўлдан озишдан худонинг ўзи асра-син.

Емна хаёлга чўмади. Яна беихтиёр у ўзини безовта қилаётган масалага қайтади.

— Ўз қизим-а... Мен унинг аҳволидан воқиф бўлиб туришдан ожиз бўлсам. Гўё биздан ўзини олиб қочаётгандай, ҳеч ким-ни кўришга тоқати йўқ, ҳамма нарса унинг кўнглини яраласа.

— Буларнинг ҳаммаси бўлмагур гап! — деб унинг сўзини бўлди кампир. — Закиями? Унинг қалби покиза, уни ким-га узатсанг, ўшани жону дилидан севади! Фақат йигит олий насаб хонадон фарзанди-ю, ахлоқи яхши бўлса бўлгани.

— Хабарингиз борми, биз уни амаки-гаччаси Сабрига бермоқчимиз.

— Нима деб валдиралсан!

Бу хабарни бехосдан эшитиб қолган кекса Ройй хонимнинг ҳайратдан оғзи очилиб қолади.

— Уғлингиз ҳозиргина менга шу қарорга келганларини айтдилар,— деб сўзини таъкидлайди Емна.

Кампир яна ўзича ишонч ҳосил қилгач:

— Ўзинг кечиргайсан парвардигор! Унинг Сабрига эрга чиқиши ҳаммага аён эди-ку. Шундай бўлиши ҳам керак, ўзи кўриниб турибди, азизим!— дейди.

— Албатта-да!

— Бунга рози бўлмайдиган кишини мен бир кўриб қўяй. Нима, Сабрининг бирор камситадиган ери борми? Қўл-оёғи бутун. У мажруҳ ҳам, миясини еб қўйган аҳмоқ ҳам эмас! Ундан кейин, ҳар қандай эркак, ҳар қандай хотинга муносиб бўлаверади!

— Гапингиз тўппа-тўғри.— Емна маъюсланиб индамай қолади.— Аммо лекин... сирасини айтсам, бир нарсадан сағал кўнглим хижил. У ўзини яхши тута билмайди.

— Уни палапартиш ҳаёт кечирази демоқчимисан? Шундай бўлса, тезроқ уйлантириб қўйиш керак. Вассалом. Бизнинг Закиямиз эс-ҳушини йиғиб олган қиз, Сабрини дарҳол қўлга олади. Агар Сабри бўйдоқлигича юраверса, кундан-кунга бешбаттар бўлаверади.

— Илоё, тақдирида бори рўёбга чиқсин.

— Ҳаммаси яхши бўлади. Яна шуни ҳам унутмагинки, Сабри токи ўз муддаосини очиқ-ойдин айтмагунча, бўлак ҳеч қандай куёв келмайди. Ўзи нима дейди?

— Ким?

— Сабри-да! Куёв бўлмиш!

— А!.. У ҳали беҳабар! Биз унинг сўзини олганимиз йўқ.

Кампир «аҳ» деб қўлларини бир-бирига уради.

— Қандай бўлди? У ҳали ҳеч нима билмайдими? Унинг етти ухлаб тушига ҳам кирган эмас. Раҳима! Ҳой, Раҳима! Бу ёққа қара, ҳой анқов! Раҳима! Сени чақиряпман, келасанми, йўқми? Сенга иши тушганнинг шўри қурийдил!— Оқсоч қиз ўлар-тириларига қарамай югуриб келади.— Бор, зудлик билан Сабрини чақириб кел! Агар керак бўлса, каравотдан судраб тушир! Бир минутдан кейин Сабри шу ерда бўлсин, бўлмаса, нақ соғ қолмайсан мендан! Ивирсимай тезроқ қимирла! Унга менинг чақираётганимни, кутиб ўтирганимни яхшилаб тушунтиргин. Тайинлаб айт, судралмай, тезроқ келсин!— Оқсоч қиз уйдан ўқдай учиб чиқиб кетади, кекса Рой хоним эса чақнаб турган кўзларини келинига тикиб мингиллайди:— Ҳозир биз уни нима кутаётганини айтамыз. Бай-бай-бай, охир замоннинг ёшлари-ей! Уларнинг қандай яралганини

ҳам, томирларидан нима оқаётганини ҳам билмайсан. Сувга тушган булка нонга ўхшайдилар-а!

Ғижим-ғижим бўлиб кетган пушти ранг пижамада Сабри келади, у кўп ухлаганидан қовоқлари шишиб кетганди.

— Ҳа, келдингми?— деб кутиб олади уни кампир.— Биласанми, чироғим? Тўй тараддусини кўравер. Яқинда тоғаннинг қизи Закияга уйланасан.

— Лекин...

— «Лекининг» нимаси? Ҳали эътироз билдиришга ҳам журъат этадиган мартабага эришдингми? Қани, марҳамат қилиб...

— Ахир, бундай иш «ҳа» йўқ, «бе» йўқ, томдан тараша тушгандай қилинмайди-ку...

— Бу худди шундай қилинади, бошқача эмас! Хўп, бўлмаса энди хайр, келган йўлингга кетишинг мумкин.

Сабри ҳанг-манг бўлиб, довдираганча кампирга боқадиди, кейин бурилиб чиқиб кетади.

Кекса Рой хоним унинг орқасидан вайсаб қолади:

— Тавба, анавини қаранглар-а! У кишим ўзларича норизога ҳам ўхшайдилар! Эй, каллаварам! Раҳима! Ҳой, Раҳима!— Ёш оқсоч шу заҳоти остонада пайдо бўлади.— Бояги махлуққа сутли қаҳва олиб қириб бер!

**Ш** аҳар оралаб бошдан-оёқ оқ кийинган чол қаддини тик тутганича, маҳаллий полиция, француз солдат ва соқчиларининг одамларни ўраб олиб тутаётганларини писанд қилмай борарди. У гражданча кийинган сотқинлар қуролланиб олганини билса, улардан шафқат кутиш мумкин эмаслигини кўра туриб, уларга йўл бермайди. Беихтиёр пайдо бўлган фикр сингари унинг лабларидан сўзлар учиб чиқади:

— Сизларни кўргани кўзим йўқ! Имоним комилки, ўзларингиз буни кўриб турибсизлар. Сизларни кўргани кўзим, отгани ўқим йўқ, сизлардан жирканаман. Менинг ўғлим ҳам у ерда! Мени ўлдиришларинг учун сизларга нима халақит беради? Қўрқасизлар — ахир, сизлар бутун умр қўрқоқ эдинглар. Бутун дунёдан аскар йиғиб келганларингда ҳам сизларни қутқара олмайди! Менинг ўғлим ва мамлакатимизнинг барча ўғлонлари сизларни ер билан яксон қилиб ташлайдилар.

Бобо Оллал ҳеч маҳал бунақанги ҳаяжонга тушмаган эди. Ҳар куни қанчадан-қанча одамларни қамоққа олишади, ҳар куни қанчадан-қанча одам қайғу-алам гирдобига отилади! Ўч олишнинг бош плани амалга оширилмоқда деб ўйлаш мумкин. Ҳамманинг кўз ўнгида даҳшат-



ли фожиалар юз беради, одамларни кечаси ушлаб олиб кетадиган «Қизил қўл» шайкалари томонидан қамоқдагиларга бериладиган азоб-уқубатлар ҳақида овозалар оғиздан-оғизга ўтиб юради...

Бобо Оллал ўз фикрларига шўнғиб кетган, унинг кўзлари теварак-атрофга ғайри шуурий равишда жавдираб боқади.

Ўз ҳаёти ҳам икки ўғлининг ҳаёти сингари алдамчилик ва қаллоблик асосига қурилганини эътироф этиш унга жуда алам қилади. Улар гўё ҳар қандай хавф-хатардан олисроққа, ўз уяларига кириб яшириниб олганлару, ўзларининг тинч бўлишлари ва ҳаром-хариш ишларини юритиб туришларига халақит бермасинлар учун ҳар қандай таҳқирга чидашга тайёрлар. «Ахир, ана шунақалардан хоинлар чиқади-да», деб ўйлайди Бобо Оллал ва юраги сиқилиб кетади.

У ўз-ўзига манфур ва ожиз махлуқ бўлиб кўринади. Ҳа, одамлар нафратга сазоворлар. Ҳаёт унинг жонига тегиб кетди. Шу куни эрталаб у сира уйда ўтира олмади. Кўчага чиқиш хатардан холи бўлмаса-да, у шаҳарда дайдиб юрар, гоҳида ҳатто қаҳвахонага ҳам киргиси келиб қоларди... Умрида қаҳвахонага яқин бормаган кишини-я!

Уни Янги кўчада мункиллаб, букчайиб қолган бир кампир тўхтатади. Кампир қора терга ботиб, аранг нафас олганча чамаси олти яшар болани опичиб келарди. Бола кампирга ўргимчакдек ёпи-

шиб олган — ўзи ҳам худди ўргимчакдек озгин эди.

Кампир нафасини ростлаб олгач, сичқонга ўхшаб чийиллаб сўрайди.

— Бахтинг ёр бўлсин, Саид Оллал. Аҳволларинг қалай? Зухра бону омон-эсон юрибдими?

Бу кампирнинг Фотима бинт Сижер эканини пайқайди. Кампир унинг уйига ёрдам сўраб тез-тез келиб турар ва сира қуруқ қайтмасди. Кампир чодрага бурканган бошини юқорига тутиб, икки букилганича тураверди. Кампирнинг бужмайиб кетган қорғин юзи ва ювош кўзларидан шундай меҳр жилоланиб турадики, Бобо Оллал бирданига ўзини шу учрашувдан бахтиёр ҳис этади.

У индамагани учун Фотима яна пичирлаб:

— Аҳволларинг қалай?— дея такрор сўрайди.

Ниҳоят, Бобо Оллал:

— Яхши, қадрдоним, худо хайрингни берсин,— дея жавоб беради.

Кампир ҳамон ундан кўзини олмай жилмайиб турарди. Шунда Бобо Оллал ҳам ундан:

— Нега шундай кап-катта болани ортоқлаб юрибсан? Ўзини юргизсанг бўлмайдими?— дея сўрайди.

Кампир:

— Бунинг қай аҳволда эканини олдин бир кўргин. Шўрлик бола,— дея эътироз билдиради.

У боланинг ўнг оёғини кўтариб, товонини кўрсатади. Боланинг товонига чипқон чиққан бўлиб, қорамтир уч бериб ётарди. Жазирама иссиқда бола жуда ҳолдан тойган бўлса керак, ҳадеб бувисининг елкасига бош қўяди.

— Бу менинг неварам, пешанамда ёлғиз шугина қолди. Бола бечора! Онаси ўлди, отасини жиннихонага олиб бориб жойлашди.

Фотима бинт Сижер хомуш бўлиб бошини қуйи солади. «Чарчоқликдан бўлса керак», деб ўйлайди Бобо Оллал. Лекин кампир қайтадан бошини кўтарган маҳалда унинг ҳамиша қувонч билан чақнаб турадиган кўзлари жиққа ёшга тўлганди. Шундай бўлса-да, кампир жилмайиб қўяди.

— Болагинамнинг сал кўнгли ёзилармикин деб кўчага олиб чиққандим,— дейди кампир.

Бола секин қақдини ростлайди — унинг қўллари шу қадар ипилтириқки, қараган кишининг ваҳми келади! Бола кетма-кет акса уради.

— Бошингни елкамга қўй, онанг ўргилсин!— дея эркалаб болага кўз қири билан қарайди ва неварасини тебратаётгандай секин-аста қимирлаб қўяди.

— Кетишим керак эди,— деб шивирлайди кампир.

Бола яна бувисининг елкасига бошини қўйиб, худди ухлагандай ётарди.

— Хўп, майли, худойи таоло сени ўз

паноҳида сақласин,— дейди кампир овози эшитилар-эшитилмас ва йўлга тушади.

Бобо Оллал кампирнинг орқасидан узоқ тикилиб қолади, қизиғи шундаки: нима учундир кўнгли сал таскин топгандай бўлади.

У йўлга тушиб кетар экан, озми-кўпми ўзига таниш бўлган одамларнинг саломларига алик олиб ўтади, шу билан бирга у ҳар вақтдаги сингари сал гурур билан боради. Юзидаги ўта кибр ифодаси йўқолади, чеҳраси сал очилиб, хира тортган кўзлари чақнаб кетади.

---

## XII

---

Овозини баланд чиқармасликка уриниб Раҳима ялинар эди:

— Яна битта топишмоқ айтинг, жон София хола! Вақт бор-ку, хўжайинлар дам олгани ётишди. Жон хола, яна битта айта қолинг!

Мисдай қизиб кетган ҳовлига жуда ўт-кир, кишини довдиратиб, кўзларини қамаштириб юборадиган даражада ёрқин нур сочилади.

Ошпаз хотин жавоб беради:

— Ҳамма уйқуда, шу тобда кун ҳам роса заптига олди, ҳатто паррандалар ҳам учмаяпти. Сен билан мен учун ҳам

бу соат — дам олиш вақти. Тинчимга қўйгин!

— Ҳамма ухляпти... аммо бир аёл сира ухлай олмаяпти, унинг кимлигини мен биламан! У ҳовлида худди оч арвоқдай изғиб юрибди.

— Ҳай, маҳмадона қиз, қани айт-чи, ким экан у изғиб юрган?

— Вой худо-ей, билмайсизми, бизнинг ёш бекачимиз Закия-да!..

— Раҳима ўзини кулгидан зўрға тияди. Бу ўн беш ёшлик оқсоч жуда кўҳлик ва шаддод қиз.

Ҳар иккала оқсоч ҳовлининг соя тушган томонида қоқ ерда ўтиришади.

София гўнғиллайди:

— Шайтон қиз, тилинг қичиётганга ўхшайди-а. Тилинг танглайингда қотсинда, илойим! Ундан кўра билиб-билиб юмущингни қилсанг-чи!— дея пўнғиллайди.

— Жон София хола, яна битта топишмоқ айтинг... Яна биттагина.

— Ҳамма дамани оляпти. Мени ҳам ўз ҳолимга қўйсанг-чи, бирпас дамимни олай.

— Яна битта! Биттагина! Биттагина! Биттагина бўлса, бўлди! Барибир айтмагунингизча қўймайман...

— Эй, ҳадеб шилқим бўлавермасанг-чи? Хўжайинларни уйғотиб юборасан!

— Кимки ухлаётган бўлса уни уйғотмайман, ухламаётгани бўлса қанчалик уйқуси келаётган бўлса-да, барибир ухлалмайди...

— Эй баттол-е!

София хўрсиниб олади-да, фикрини бир ерга тўплаб, топишмоқ айтишга рози бўлади:

Ун тортмас бўлса-да, тегирмон тоши,  
Чақмас илон каби бўлса ҳам боши,  
Шўнғир, сузар, аммо эмасдир балиқ.

Раҳима пиқиллаб кулиб юборади.

— Эй тентак-е! Жим бўласанми, йўқ-ми?

Ошпаз хотин ўзининг ёқимсиз йўғон товуши билан оқсоч қизни койий бошлайди. Кейин ўзидан ҳам ўпкалаб қўяди:

— Ўзим айбдорман! Уятсиз, энди бошимдан тилла қуйсанг ҳам, сенга топишмоқ айтиб бермайман.

Раҳима кучининг борича ўзини жиддий тутишга уринади.

— София хола, бу топишмоғингизнинг маъноси нима, тушунтириб беринг?— У ўзини тута олмай яна кула бошлайди.— Мен ҳеч бало тушунганим йўқ!

— Ўзинг топгин-да, мияси йўқ!— деб жавоб беради София.— Ҳой, чувалчангдай жилпанглашингни бас қиласанми, йўқ-ми-а! Ичингга шайтон кириб қолганми ўзи, нима бало? Тинчгина ўтириб, миянгни ишлат!

Раҳима унга эркалик қилиб суйкалади...

— Мен ҳозир топаман, мана кўрасиз,— у бир оз ўйлаб туради.— Ун торт-

майди... бору тегирмон тоши... Арава!  
Шундайми?— Яна хахолаб қотиб ку-  
лади.

— Аҳмоқ! Ҳечам у эмас-да!

— Сичқон!

— Йўқ, у ҳам эмас!

Шундан кейин Раҳима эсига келган  
ҳамма нарсаларни бир чеккадан айтишга  
бошлайди:

— Шиллиққурт, тикув машинаси!  
Шиша! Воронька! Ерёнғоқ!

— Йўқ, йўқ, йўқ, яна такрор айтаман,  
йўқ. Вой миянг қургур-е! Ахир, бу... Йўқ,  
ўзинг ўйлаб топ!

— Ўзингиз айтиб бера қолинг, келинг  
энди, жон хола...

— Тошбақа-да, тентак!

— Тошбақа дейсизми?

Раҳиманинг юзида шубҳа аломати  
пайдо бўлади.

— Бўлмаган гап.

— Хўш, нега бўлмаган гап бўларкан?  
Анавини қаранг-а! Вой юзсиз-е! Тошбақа  
деяпман-ку сенга! Берироқ кел, берироқ,  
бир ўймалаб олайки, қочгани жой топол-  
май қолгин.— София худди ростданам  
чимчилаб оладигандай ўрнидан қўзғалиб  
қўяди.— Қани, бери кел-чи!— Раҳима эп-  
чиллик билан бурилиб ўзини олиб қоча-  
ди.— Берироқ кел деяпман, берироқ!

— Йўқ, қўрқаман! Яна битта топиш-  
моқ айтиб беринг, София хола!

Қиз хандон ташлаб кулади.

— Турган жойингда ёрилиб ўлсанг

ҳам, икки дунёдаям сенга топишмоқ айтмайман.

Боғдан оёқ товуши эшитилади, Раҳима шартта ўгирилиб қарайди.

— Қаранг-а, Оркия келяпти! Ишларинг қалай, жонгинам?

— Келганинг жуда яхши бўлди: манави қақажон қиз ўлгур қандай бемаъни гаплар гапираётганини ўзинг бир эшитгин,— дейди София.— Қандай қилиб сенга рухсат беришди? Ёки ҳозир бекорчиликми?

— Агар менинг бекам ҳурракни вапг қўйиб ухламаганда эди, юмуш топиларди. Бир нафас бўш турганимни кўрди дегунча, шўрим қурийди. Телба тўнини тескари кийиб олади. Бунақанги баджаҳл хотин етти маҳаллани қидирганигда ҳам топилмайди! Улар-тириларга қарамай ишласам ҳам барибир кўнгли тўлмайди!— дейди ўксиниб қўшни хонадоннинг оқсоғи Оркия.

— Нега ундай— деб суриштиради Раҳима.

— Ўзи шунақа, заҳар. Унга на иссиқ ёқади, на совуқ.

— Секинроқ гаплашинглар,— дейди жаҳли чиқиб София.— Бўлмаса иккалангани ҳам ҳайдаб чиқараман!— Шу заҳотиёқ гўё билмасдан гапираётгандай:— Ҳақиқатан ҳам хўжайинларимиз бизларнинг ҳам ўзларига ўхшаш одам эканимизни... қандай қашшоқликда яшаётганимизни билишни истамайдилар... Мана, мен эрта-



дан қора кечгача ишлаб кулбамга, болаларим ёнига бораман...— дейди.

— Жуда ҳам соддасиз-да!— дея унинг гацини бўлади Оркия.— Бизнинг қандай тирикчилик ўтказаётганимизни жуда яхши биладилар, лекин ўзларини билмасликка соладилар. Улар ўзлари билан бизни бошқа-бошқа қилиб яратгани учун ҳам худога шукур қиладилар!

— Ҳа, ахир, ҳаммамиз ҳам худонинг яратган бандаларимиз-ку.

— Ҳм, эҳтимол шундайдир... Бу уларга маъқул тушиш-тушмаслигига боғлиқ.

— Тўғриси айтсам, ҳарқалай менинг хўжайинларим очиқ кўнгил кишилар. Қолган-қутган овқатларни уйга олиб кетишимга ижозат берадилар, нимдош кийимларини беришади.— София эғнидаги кўйлагини кўрсатади.— Баъзи-баъзида озроқ совға-саломлар ҳам бериб туришади. Бунақа хўжайинлар камдан-кам учрайди... Берганини берди дейиш керак-да!

— София хола, яна биттагина топишмоқ айтинг...

— Менинг жиғимга тегмагин деб кимга айтгандим! Бирпас гапни гапга қовуштиргани қўйгин, ахир,— дейди Раҳима томонга кўз қири билан имо қилиб меҳрибон аёл:— Кўряпсанми унинг шилқимлигини! Сира ўз ҳолингга қўймайди! Уйдан қочиб кетгим келади!

Оркия суҳбатни бошқа томонга буради.

— Хўш, ниҳоят нима бўлди? Уни эрга беришмоқчимиз, йўқми?— деб сўрайди у.

Ошпаз хотин жирканиш билан лабини тишлаб, Раҳимани бошдан-оёқ кўздан кечиради-да:

— Эрга! Кимни? Раҳиманими? Эрга тегишга унга йўл бўлсин! Унга қаерда эр тайёр турибди?— дея жавоб беради.

— Мен сизларнинг бекачларингиз, бекачларнинг қизини айтяпман. София хола, сизга бугун бир гап бўлганми ўзи? Ҳеч орқа-олдингизга қарамай гапиряпсиз.

— Эй, манави қақажон миямни қоқиб қўлимга берди!— София хола боши билан ёш оқсоч томонга ишора қилади.— Нима деяётганимни ўзим ҳам тушунмаяпман! Бу қизнинг дастидан элдан бурун жинни бўласан! Ҳа, эрга беришмоқчи бўлишди, чоғи... Менга шундай кўриндики...

— Кечаси уйқум ўчиб кетади,— дея пичирлайди Раҳима,— шунда аллаким қулоғимга: «Кел, гўзалим, бери кел?!» деб шивирлайди. Кимдир мен билан бамисоли булбулдай ёқимли гаплашадими, асти қўясиз. Шунда кўзимга жаннат дарахтлари кўринади, қулоғимга чашмаларда сувнинг шилдираши эшитилади, у мени меҳр билан қучоқлаб аллақаёқларга бошлаб кетади. Мен бўлсам, у қаёққа бошласа, шу ёққа кетавераман... Ҳар сафар ўша йигит менга Сабрига ўхшаб кўринади!

Ўзидан хурсанд бўлиб кетган Раҳима хахолаб қотади. Оркия секингина жилмайиб қўяди.

— Уятсиз!— деб пўнғиллайди София хола, лекин ўзи ҳам кулиб юборади.— Гапига қулоқ солишнинг кераги йўқ. У маҳмадоналик қилишдан бўлакка ярамайди. Вайсаса, вайсайверсин! Агар унинг гапини кўнғилга олсанг ажалингдан беш кун бурун ўлиш мумкин.

— Борди-ю, мен ўша Закияга ўхшаб яшаганимда, ўзимни қудуққа ташлаган бўлардим,— деб жавоб беради Раҳима, паришонлик билан олисларга кўз тикиб.

— Хўжайинларимиз ҳеч кимга ҳисобкитоб бермайдилар, айниқса, сенга, Раҳима.

— Менгами? Мен уларни тан олмайман ҳам!

— Йўқчилик мажбур қилади. Ахир, сен бир бурда нон деб юрибсан-ку... Буни сенга ўшалар беради-да!

— Башарти, шундай бўлмаганда-чи?

— Унда, эҳтимол, бошқачароқ бўларди.

— Кўрдингизми, кўрдингизми! Сиз бўлсангиз, бошқача гапирасиз!

— Ахир, ҳозир сен ўйлагандек эмас-да!

Раҳима нафрат билан эътироз билдиради.

— Мен ўйлаганча эмас... Борди-ю, бошқача бўлганда-чи?

— У ҳолда бошқа гап! Ҳозир беихтиёр...

— Тўй қачон, ахир?— дея уларнинг гапини бўлади Оркия.

— Буни ҳеч ким билмайди, айланай!

— Уни қаранг-а! У тентак қиз сира эрга тегишни истамайди!— деб пиқ этиб кулиб қўйди Раҳима.

— Вой қизи тушмагур-ей! Хоҳламасмишими? Нега энди?

— Ўзинг бориб суриштириб биларсан. Сирасини айтганда, у қайси ишга қўл урса, ҳаммаси оёғи осмондан бўлиб кетади! Бунақанги лапашанг қизни кўрганда, одамнинг кулгиси қистайди.

— Очигини айтганда, шу ерда Закиянинг бувисигина гап уқади холос,— деб тушунтиради София хола.— У ўлгудай айёр хотин, гапимга ишонавер! Жуда баджаҳл кампир. У келини билан ҳам, невараси билан ҳам ҳисоблашиб ўтирмайди. Борди-ю, ўжарлик қилишса, ўзлари зарар қилишади. Кампир ҳар иккаласини ҳам тириклайин еб қўя қолади!

— Ўшаларни-я! Шундай такаббурларни-я!

— Ҳа, айланай, рост, ёлғон гапираётган бўлсам тилим кесилсин! Ёлғиз Сабригина кампирдан ҳайиқмайди. У уйдан чиқди дегунча айш-ишратга берилади. Кампирнинг ўзи унинг маишати учун бекитиқча пул ҳам бериб туради.

— Мен унинг ҳолига тушунаман. Шўрлик бола!— деб қўяди хайрихоҳлик билан ёш оқсоч.— У ўшаларни унутиш учун жанжал-тўполон қилиб юради. Агар шундай қилиб ўзини ўзи овутмаса, аллақачон хароб бўларди.

— Хотирингиз жам бўлсин, кампир уни ҳам қўлга олди. У никоҳ тўйи ҳақидаги хабарни индамайгина туриб эшитганини бир кўрсангиз эди. Ҳатто чурқ этиб оғзини ҳам очгани йўқ. Ана майнабозчилигу! Кейин мен хахолаб кулганимдан, кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

Кутилмаганда Закия пайдо бўлади. Ҳар учала оқсоч унга тикилишади, лекин қиз ҳеч кимни пайқамай келади.

— Сира уйқум келмаяпти, қаттиқ қўрқяпман,— дея оҳиста кимгадир шикоят қилади Закия.— Мен у бурчакдан бу бурчакка юравериб, билмадим, нима учундир, ўзимга режалар тузишдан жуда чарчадим...

У нимагадир қулоқ солаётгандай тўхтайди. Хизматкор аёллар ҳайрон бўлишиб унга қарашади. Закия, бу ерда ёлғиз эканига ишонч ҳосил қилади.

— Уй сокин, у иссиқдан нафаси бўғилиб ухламоқда, лекин ҳамма ёқ нимадан-дир азоб чекаётганга ўхшайди. Ана шу сукунат ичида, таҳликали, ҳал қилувчи аллақандай бир нарса бор... Юрагим бир фалокатни сезяпти, дилгирликдан сиқилиб кетяпти... Мен халос бўлишни кутяпман, мен бамисоли шарпага ўхшаб дайдиб юрибман...

Тўсатдан у сапчиб кетади.

— Вой!

Шитирлаган товуш унинг диққатини тортарди. Оркия сездирмасдан чиқиб кетмоқчи бўлади. Закия София хола билан

Раҳимага диққат билан термилади — улар ҳам Оркиянинг кетидан чиқиб кетишмоқчи бўлишади.

— Сизмидингизлар!

Икковлари уйга кириб кетгунларича Закия улардан кўзини олмай қараб туради, уй эшигига етганларида эса, оқсоч қизни чақиради:

— Раҳима!

— Лаббай, бекачим?— дейди ҳовлига қайтиб кириб оқсоч қиз.

Закия нима деярини билмайди.

— Нима хизмат бор эди, бекачим?

— Тушдан кейин дам олмадингми?

— Йўқ, бекачим. Уйга қараб туришимиз керак.

— А-а...

Закия яна ўйланиб қолади, кейин Раҳимага синовчан назар ташлаб:

— Сен қаерда яшайсан?— деб сўрайди.

— Мансурлар йўли чеккасидаги қишлоқда...

— У қанақа жой? Менга тасвирлаб бергин.

— Қандай десам экан, бекачим... Пастда (Раҳима қўл ҳаракатлари билан фикрини тушунтира бошлайди) далалар ястаниб ётади... Ғалла пишганда бутун далалар сап-сариқ тусга киради. Атрофида зайтун дарахтлари ўсади. Ҳамма ёқдан анжир шарбати ва чангдон деган ўсимликнинг ўткир ҳиди анқийди. Буларнинг устида тоғлар кўкка бўй чўзиб туради.

Йўлдан тушгандан кейин узумзорларга дуч келинади... Узумзорлар ўртасида яна зайтун дарахтлари ўсади... Шунақа бўлиб кетаверади... кетаверади... Худди қуёшга солиб қўйилган улкан гиламга ўхшайди. Бу ерларнинг ҳаммасига соҳиби Барнабе деган француз эгалик қилади. Ерни шудгор қилишганда тупроғи қип-қизил бўлиб, ундан иссиқ кўтарилиб туради. Биз бўлсак, юқорида тоғ бағрида яшаймиз...

Бекач бу гапларни эшитмайди. Раҳима жим бўлиб қолади. Закия анчагача индамай тургач:

— Бу жуда гўзал!— дея пичирлайди.

Оқсоч қиз кулади:

— Йўқ! Уйлар вайрона, сув йўқ, ҳамма ёқ ифлос. У ерда тирикчилик ўтказиш жуда оғир. Бир бориб кўрсангиз эди! Бу ер ўн чандон чиройли.

Закия жавоб бермайди, афтидан, бошқа нарсалар тўғрисида ўйлаётган бўлса керак.

— Нима дединг?

Раҳима баланд овоз билан:

— Бу ер ўн чандон чиройлироқ, деяман,— дея такрорлайди.

— Ростдан-а?..

Фикрлар Закияни яна аллақарларга олиб кетади.

— Бекачим, кетсам майлими?

— Ҳа, албатта.

Оқсоч қиз кетади. Закия ҳовлида ёлғиз қолгач, товуш чиқармай бир неча қаддам юради.

— Менинг тўғримда бирон кимса қай-  
ғурмайди. Бирон нарса қилиш керак...  
Аmmo нима? Одамлар гўё атрофимни де-  
вор билан ўраб қўйганга ўхшайдилар... У  
тўхтайди.— Эҳтимол, ота-онам менинг  
энг хавфли душманларимдирлар. Улар  
мени кўролмайдилар, эркинроқ яшайлик  
деб нарига итаришади! О!..

Закия боққа яқин боради, у томондан  
салқин шабада эсади.

— Менга бахш этган хаёлларига қар-  
ши кўнглимда ўксинишу жирканишдан  
бўлак ҳеч нима йўқ... Наҳотки, иш инти-  
ҳосига етган бўлса? Эҳ, тақдиримизни  
нима ҳал қилишини билолганимизда эди,  
ҳаётимиз бошқачароқ бўларди, бизни ғаф-  
латда қолдириб бўлмасди, сергак бўлиш  
лозим бўлганида ухламасдик, зарурат  
бўлмаган маҳалда ҳушёр тортиб турмас-  
дик.

Закия жим бўлади, у бутун вужуди  
билан ўйга ботади.

— Бироқ ҳали мен сўнгги сўзимни  
айтганим йўқ. Йўқ, мен ҳали сўнгги сў-  
зимни айтганим йўқ...

Боғнинг эшиги очилиб, аллакимнинг  
оёқ товуши эшитилади.

— Ким у?

— Бу мен,— деб секин жавоб беради  
келган киши. Закия унинг овозидан Ол-  
лал тоғаси эканини пайқайди.— Бу  
мен жажжи қизим, қўрқма. Бу менман,  
мен.

Оллал Толиб Закиянинг ёнига келади,



— Нима гап ўзи, тоға? Ишонаманки, бирор жиддий гап бўлмаса керак?

Тоғаси пешанасидаги терини дастрў-молчаси билан артади.

— Йўқ, ҳеч қандай жиддий гап йўқ, Закия. Ҳозир сенга тушунтириб бераман... Гап шундаки... Бир масала менга тинчлик бермаяпти. Мен сенинг бахтли бўлишингни истайман...

Қиз тоғасига истеҳзоли кулги билан тикилади.

— Шундай жазирама иссиқ кунда сизни уйдан чиқишга мажбур қилган нарса шуми? Куйиб, ўртаниб кетиш ҳеч гап эмас-а?

— Ҳа, ҳа. Обло дегунча уриб ўлдирмай аввал менинг гапимга тушунгин, қизалоғим...

Оллал кишини лоҳас қиладиган жазирама иссиқдан ўпкаланиб, яна дастрўмоли билан юз-кўзларини артади.

— Мухтар Ройи билан учрашиб қолмай деб айни шу пайтда келишни маъқул кўрдим.

— Вой худо! Нега отамни кўриб қолишни хоҳламайсиз?

— Мен сенга айтсам, қўзичоғим... Лекин гапимни вужудинг билан эшитгин, мен рўйирост гапираман. Бу ерда ҳамма: «Мен уйланишни истамайман, у уйланишни истамайди, биз уйланишни истамаймиз», дейди. Шундай бўлишига қарамай, ҳамма ғайри шуурий равишда уйланиш масаласини зарурий ва мажбурий деб ҳи-

соблайди. Худди ана шу маҳалда тўй тайёргарлиги жадал суръатлар билан давом этаверади. Сени огоҳлантириб қўймоқчи бўлган нарсам ҳам худди ана шу эди, қизалоғим!

— Сиз жуда кеч қолдингиз, тоға.

— Бўлмаган гап! Нега кеч бўларкан? Бу нима деган гапинг?

— Ҳа, жуда ҳам кеч қолдингиз. Жуда, жуда кеч...

Анча вақтгача икковлари чурқ этмай туриб қолишди.

— Отам мени эрга бермоқчи бўлибди,— дейди салмоқланиб Закия.— Баҳслашиб, ўзимни уринтириб, безовталаниб юришимнинг нима ҳожати бор? Ҳаёт қандай бўлса, уни айнан шундайлигича қабул қилавериш керак.

— Мен ҳам шундай ўйлагандим, мен ҳам шундай ўйлагандим, қўлимни кесишларига рози эдимки...— деб пичирлайди Олал Толиб.— Мен шундай бўлишини олдиндан билардим... Азиз фарзандим, худога сиғин, ўз бурчингни адо эт, ҳалол бўл...

— Шунда ҳамма нарса жойида бўлади. Шундай эмасми?

Қизнинг кўз олдини қандайдир бир қайғу хиралаштиради.

— Энди шундан ўзга чора йўқ.

— Бошқа илож йўқ.

— Қандай аянчли ҳол! Нақадар бемаъни иш бўлган! Сабри яхши эр бўлолмайди, чунки унинг ўзи бошқалардан

нафратланади... умуман, барча эзгуликдан ҳазар қилади ва бахтга қарши, қўлини қандай ишга уришни билмайди... У сенинг ҳаётингда ҳамиша ортиқча матах бўлади. Қалбан, у чол бўлиб қолган, унга ҳеч нарса таъсир этмайди.— Оллал Толибнинг юзида қайғу ифодаси пайдо бўлади. Сабри ҳамма нарсани тотиб кўрган, у ҳали ёш, лекин ҳамма нарса унинг кўнглига теккан. Уни ҳеч нарса қизиқтирмайди, ҳатто, дунёга ўн марта келгандай ўзининг ҳам жонига тегиб кетган. Сирасини айтганда, нозик таъб олижаноб қизнинг самимий муҳаббати ҳам уни қаноатлантира олмайди, тез кунда кўнглига уради. У бутун умр сени таҳқир этади!

— Оллал тоға!.. Бу гапларнинг нима ҳожати бор?

— Бу гапларнинг нима ҳожати бор дейсанми? Ҳа, ҳақиқатан ҳам...

— Отам мени эрга бермоқчи экан, мен унга итоат этаман. Ахир, шундай қилиш керак-ку. Бизнинг қисматимиз шундай.— Закия ғамгин бўлиб тоғасига нигоҳ ташлайди.— Мен унинг хоҳишига қарши боришни хоҳламайман, вақтики келиб мени ёмон отлиқ қилиб юрмасинлар. Отам менга ҳаёт бахш этган, нима қилса ўз ихтиёрида, унга итоат қиламан. Менинг қалбим пора-пора бўлиб кетса ҳам майли... Нима бўпти, шундай қилсам, шариатга бўйсунганимни ҳамма билади ва ҳеч ким устимдан кулишга журъат этмайди.

— Худо ўзи ёрлақайди...

- Менинг бахтимга қарши!
- Ундай дема, Закия!
- Нега бундай демас эканман?
- Ҳали ҳам бўлса ўз жонини, ўз номини сақлаб қолишига имкони бор: барча эл қатори меҳнат қилсин.
- Нима? Нима ҳақида гапиряпсиз?
- Сабри ҳақида.
- А-а!

Шундан кейин орага оғир жимлик чўкади.

- Оллал тоға...
- Нима дейсан, азизим?
- Йўқ... Ҳеч нима... Мен...

Оллал Толиб қовоғини солади.

- Нима демоқчи эдинг? Гапир.

— Сиз отамни ана шу никоҳ тўйидан воз кечишга ёки ҳеч бўлмаганда, менинг ўқишим тугагунчами, ё ўқитувчи бўлиб тайинлангунимчами, тўхтатиб туришга кўндира олсангиз эди!

— Йўқ, она қизим, отанг тўй қилмоқчи экан, унинг хоҳишига қарши боришга ҳаққим йўқ. У сен учун оллоҳи таолонинг олдида жавоб беради, шундай экан, унга ақл ўргатишга менга йўл бўлсин. У билан ўзинг гаплашиб кўр,— дея гапини тугатади Оллал Толиб зўр-базўр эшитиларли товушда.

Ҳовлидан Емна чиқади, лекин тоғзиян унинг чиққанини пайқамайдилар.

— Шу тўғрида ўйлаш мен учун нақадар ваҳимали эканини билсангиз эди,— дейди Закия.

— Иложинг қанча, жоним болам... Ростини айтсам, сенинг шу ҳолатингни кўриб юрагим туздек ачияпти...— Оллал Толиб атрофга аланглайди. — Емна!— деб юборади у беихтиёр.

Закия орқасига ўгирилганда, онасига кўзи тушади.

— Мен бир неча минутдан бери гўн-гир-гўн-гир гаплашаётган овозни эшитиб, булар ким бўлди экан, деб ўйладим...— дейди Емна.

— Мен келган эдим,— деб мингиллайди Оллал Толиб.— Биласанми...

— Қани, бу ёққа кириг. Нега у ерда туриб қолдингиз?

— Йўқ, мен ҳозир чиқиб кетаман.

— Намунча шошилмасангиз? Ҳаво бирам исиб кетдики...— Емна рўмолчаси билан елпинар экан, Закияга юзланиб дейди:— Бор, қизим, андек дамнингни ол, зўрға турибсан-а...

Закия лом-мим демай онасининг буйруғига бўйсунди. Онаси билан тоғаси индамай эшик орқасидан қараб қоладилар.

— Закия сизга гапирдимми?

Оллал Толиб бош иргитиб тасдиқлайди.

— Увол!— дейди у хўрсиниб.

— Нима? Хафа бўлманг, ака! Агар менга таъна-маломат қилмоқчи экансиз, кесатмай тўғрисини гапиринг қўйинг. Лекин мени айбламанг.

— Худо ҳаққи, бас қил! Мен таъна-

маломат қилгани келганим йўқ. Ҳар қолда...

— Отаси уни эрга бериш фикрига тушиб қолди. Хўш, менинг қўлимдан нима келарди? Мен кимман ўзи?

— Ҳар қалай жуда увол бўладиган иш бўлибди-да... Мен ўзига муносиб йигит топиб қўйган эдим. Катта савдогарнинг ўғли эди. Закия олтинда чўмилиб, ҳашаматли қасрларда яшарди! Чинакам муҳташам қасрда яшарди! Шундай олий маълумотли қиз, ҳақиқий олима — увол! — Оллал Толиб синглизига яқинроқ бориб газаб билан: — Сен ўзингни ҳам, қизингни ҳам ҳимоя қилишни билмайсан! — деди.

— Сиз Сабрини қизимнинг тоғаваччасилигини, шу сабабдан унга уйланишга бошқалардан кўра кўпроқ ҳақли эканини унутяпсиз... Қизим бошқа қаллиқлардан кўра уни афзал кўриши лозим. Аммо лекин у бошқа одамга тегиши мумкин-ку, деган фикр ҳеч кимнинг хаёлига келгани ҳам йўқ.

— Бахтга қарши, бу гап тўғри.

— Отасининг хоҳиши, Закия эрга теккандан кейин ҳам шу ерда қолиши. Ахир, Сабри аввалгидай бизникида яшайверадиди-да... Шунда эрим ҳам менинг марҳум қайнисинглимнинг меросини бериб юбормайди...

— Ундай бўлса!.. — Оллал Толиб жим бўлиб қолади, бошини қуйи солганича оёғи остига қарайди. — Хайр, яхши қол, синглим!

„Кунларнинг бирида шундай бўлган эди. Эвоҳ! Ҳа, коинотнинг узилмас бирлигида бўлган эди. Аммо мен ундан ажралиб кетдим. Алвидо, дўстларим, хешу ақраболарим. Ё раббий! Кунлардан бир куни шундай бўлган эди. Ҳаёт бир нуқтада турмайди. Эҳ, ҳаёт, ҳаёт!»

Жамол кўзини очиб чалқанча ётганича хаёл суради. Қани энди шу чала бедор дақиқалар сурункасига давом этаверса! Вақтни аяш ва у бир ерда тўхтаб турмайди, деб ачинишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Деразалар кўчага қараган, ҳозир дераза табақалари ёпиқ. Аммо дераза тирқишидан тушаётган хира ёруғлик хонада жириллаб турибди. Жамолнинг фикрлари бепоён олисликларга интилиб, сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган бўшлиқда айланади.

Унинг бирор фикр устида хаёл сургиси келади. Аммо у фикр дарҳол парчаланиб ғойиб бўлиб кетади. Айни фалокат! Афтидан бу ҳолат у дунёю бу дунё тугамайдиганга ўхшайди... Қандай кўнгилсиз аҳвол! Жонингни жабборга уриб: «Мулоҳаза қилиб кўраман», деб сўз бермагин, барибир ҳеч иш чиқмайди. Ахир бирон марта мулоҳаза қилиб кўриш керак-ку... Яна калаванинг учи йўқолди... Оқибат натижада бир бор керак-ку... Керак... Йўқ...

Жамол қаршиликсиз таслим бўлади! Миясига турли-туман бемаъни хаёллар келади.

Унинг жуда ҳам севган нарсаси бор. У оёқ-қўлини чўзганча ҳеч нарса ҳақида бош қотирмай узала тушиб ўринда ётишни яхши кўради. Ахир у ҳеч кимга ҳалал бермайди-да.

Шундай бўлса-да, ўйлашда давом этади. Унинг кўзлари жавдираб шифтга тикилади; вужуди куннинг оҳиста кириб келаётганини ҳис қилади. Яқиндагина оқланган деворнинг оҳак ҳиди димоғни қитқилайди. У ўзини кўчада бораётгани, одамларга дуч келиб уларга қўшилиб кетишини ақл бовар қоларли даражада аниқ тасаввур этади. У бир нималар дейди. Нималар деяптикин? Суҳбатдошлари унга жавоб беришди...

«Менга нима бўлди?» дея ўз-ўзига савол беради. Кейинги вақтларда, васвасага солишига қарамай, шунақанги ўйинлар тобора уни кўпроқ қизиқтиради. Хўш, нега ваҳимага тушиши керак экан? Хаёлида пайдо бўладиган қандайдир бир нарса ваҳимага солади. Бу кўзга ғира-шира чалинадиган бир арвоҳ. Мана, у жуда ҳам яқин келиб қолди, гўё қаттиқ таҳқир этилгандай, унинг кўз ёшлари шашқатор оқади. Балки ахир бир кун у Жамолга ўз сир-асорини очар.

Жамолнинг қалби аллақандай аламга тўлиб кетди. Дераза берку, лекин хонанинг эшиги очиқ. Қуёш ёғдуси деразанинг



бир четига тушиб, жилолашган нур киши диққатини ўзига жалб этади. Дераза ромларисида пастдан юқорига ва юқоридан пастга қараб оқиш доғлар сузади. Жамол кўзларини чала юмганича, қимир этмай этади. У ўзича: қалбдаги ҳамма нарсалар қулаб тушаётган, вайрон бўлаётган маҳалда кишининг ақл-идроки ниҳоятда ўткир, сердиққат ва ҳаяжонли бўларкан, деб ўйлайди.

У фикрини давом эттиради: «Сизларга Жамол Террозни қандай тасвирлаб берсам экан! Ҳар вақт мендан у тўғрида сўрашганида, ноқулай аҳволда қоламан. Тўғри, мен уни танирдим, лекин ўртамиздаги борди-келди яқиндан эмасди, шунинг учун унинг ҳаёти ҳақида бирор нарса дейишга қийналаман. Бизнинг дўстлигимиз — бориб турган тасодифдай гап, яна тўғрироғи, шунчаки кўз таниш эди. Бас, шундай экан, менга савол беришингизнинг ўзи ноўрин... Лекин асосий масала бунда эмас, энг муҳими бу эмас. Бунда менинг хизматим: «Мен огоҳлантиришим керакки, Жамол Террознинг вафотидан кейин... Яъни қандай? Демак, у...? Ҳа, шундай, мен сизлар билан худди мана шу масала ҳақида гаплашмоқчиман. Менинг олдимда: унинг ички моҳиятини очиб ташлай оламанми ё йўқми деган масала турарди. Олдинига мен иккиландим. Нега? Буни тушунтириб ўтириш жуда кўп вақтни олади... ундан кейин зерикарли. Менимча, шу сабабнинг ўзи кифоя.

Аммо, шуни эътироф этишим керак, мен шу кунни хотиржам бўлдим, қачонки... Аслида эса, ажал уни ўзига итоат эттирган маҳали ўша... У ажал ҳақида ҳамиша ўйламаса-да, сирасини айтганда, бу жуда мудҳиш эди. Ахир, марҳумнинг руҳи фақат ўлимдагина осойиш топиши мумкин-да. Эй шайтон!.. Қандай қилиб мен шундай қарорга келдим? Бу жавобсиз қолиши лозим бўлган савол. Башарти қандайдир фавқулодда бир воқеа бўлиб қолмаса, чамаси бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмаса керак».

Ўриндан туриш керак! Жамол ўрнidan туриб чиқиб кетмоқчи бўлади-ю, лекин кутилмаганда қора хаёлнинг қурбони бўлади. Ёруғлик бирдан ярақлаб кетади, кейин бир маҳалда аста-секин хиралаша бошлайди. У кўзи олдида жимирлаб турган қуёш ёғдусига боқиб яна уйқуга кетмоқчи эди, тўсатдан уни ҳайратга солиб, рўпарасида иккита таниш кўланка пайдо бўлади. Уларнинг торгина ҳужрага бостириб киришлари Жамолга унчалик ҳам тўғрига ўхшаб кўринмади, албатта. Кўнчи Жоҳор билан яқинда бойиб кетган савдогар Оллам, арвоҳга ўхшаб, худди ўша жойда туриб, алланима ҳақида қизгин суҳбат қилишар, афтидан, чала қолган гапларини давом эттиришарди.

— Оламга руҳ даркор, билдингми, — дейди хафақон оҳангда Жоҳор.

— Буюк ишлар ҳам даркор, — дея қўшиб қўяди суҳбатдоши.

У қизишиб, жон-жаҳди билан гапиради, лекин унинг қизиши сағал кулгилироқ туюлади. Эҳтимолки, бу унинг ўлгудай семизлиги ва одатда камгаплигидан шундай туюлса керак! Жамол Олланнинг бир ерда бир ҳафта қимирламай ўтирса ҳам миқ этмай ўтиришга қодир эканини билади. Жоҳор бўлса, озгин, жуда дид билан кийинадиган киши бўлиб, ҳар бир гапни чертиб-чертиб гапиради. Бирор нарса дейишидан олдин у бигиздай учли мўйловини юқорига қараб диккайиб тургунча бурайди.

Андак сукутдан кейин Жоҳор чуқур бир хўрсиниб дейди:

— Даставвал руҳимизда эзгу уруғлар униб чиқа бошлаши керак.

Жамол кулади: «Ана, ҳиссиёт қай даражада кишини чалкаштириб юбориши мумкин!» У ҳали ҳам ўшандай ётганича ётади, унга иккинчи қаватнинг тор йўллари кўриниб туради. Одатда, ўша ерда яшовчиларнинг шарпалари кўриниб қўяди. Жамол уларнинг қандай ўтиб боришаётганини кузатиб, ҳаёт бамисоли пичоқ билан кесилган бир неча бўлакларга бўлиниб кетган экан, деган хулосага келади. Хоналар бир-бирига жуда ёпиштириб қурилган, ана шу хоналарнинг юқорисида ва пастида хотин-қизлар ва болалар ёнма-ён яшашади. Шунга қарамай, улар бир-бирларини мутлақо танимайдилар. Ахир шу ақлга тўғри келадими? Мана, иккинчи қаватдан шу хонадонда яшай-

диган бир аёл ўтади. Жамол кучининг бо-  
рича ўрнидан туришга ҳаракат қилади-ю,  
лекин тура олмайди: нима учундир юра-  
ги сиқилади, кўнгли ғаш бўлади, бирда-  
нига олам кўзига қоронғи бўлиб кетади.  
Вужудини қайғу қамраб олади. «Мана у»,  
деб ўйлайди Жамол. У: «Мана ўша қўл-  
га тушмас нарса», демоқчи эди. Ваҳима-  
ли бир фикр уни қамраб олиб, боши яна  
ёстиққа тушади, кўзидан тирқираб ёш чи-  
қиб кетай дейди, ҳаёт унинг кўзига шу  
қадар жирканч кўринадики, ўзини қўяр-  
га жой тополмайди.

Бахтига, уйда на хотини ва на болала-  
ри бор. Улар ҳаммомга кетишган, ҳали-  
бери келишмайди. Яхши бўлди...

Қоронғи ҳужра салқин, аммо ундан  
бадбўй, аллақандай рутубат ҳиди келади.  
Ташқарида бўлса ҳамма нарса август қуё-  
ши нури остида қотиб қолгандай.

Унинг миясида эса яна сон-саноқсиз  
айқаш-уйқаш фикрлар пайдо бўлди.

Энди Жамолнинг хаёлини ҳозиргина  
бўлиб ўтган икки савдогар ўртасидаги  
суҳбат эгаллайди. Мудроқ босиб келаётган-  
нига қарамай, аллақандай дарғазаблик  
билан пичирлайди:

— Савдогарларнинг оғзидан ҳақиқат  
сўзлари чиқиб кетди — бунда ҳеч қандай  
ғайри табиийлик йўқ. Бироқ савдогар-  
лар ҳақиқатни гапиришга эҳтиёжманд  
бўлдилар деган гап ғирт ёлғон! Ҳар қа-  
лай, олам бир ерда қотиб турмайди деган  
гап ҳам эмас, балки Жамол учун янги

ҳаётни бошлаб юбориш вақти келди, деган гап!

У яна мамнунлик билан шундай хулоса чиқаради: «Бугун калтафаҳмларни нималардир безовта қиляпти. Хўш, эртага-чи? Эртага ғафлат уйқусидан уйғониб, номи ёмонга ёйилган «Олам руҳи» ўз тумшуқлари остида «Буюк ишлар»ни амалга оширганини пайқаб қоладилар — шунда бўрилар ўзларини қўйдай ювош қилиб кўрсатиш пайига тушиб қоладилар.

— Газандалар,— деб сўкинади у.— Сизлар эшигингизга юрак ютиб хайр сўраб келган тиланчини олдингизга солиб итдек қувлаган бўлар эдингиз. Биз сизларни жуда яхши биламиз!..

Унинг кўзлари ола-кула бўлиб тишларини ғижирлатади.

— Йиғишингиз тиллаю, ўзингиз фалсафа сотасиз, чиройли гаплар гапирасизу ҳаёт арзимас нарса, инсон азалдан ёмон яратилган деб даъво қиласиз. Сизларнинг бу ашулаларингизни энди эшитаётганимиз йўқ, имонсизлар! Сизлар азоб-уқубат нималигини биласизларми? Сизларнинг тилларингизда асалу, дилларингизда заҳар, мана, сизлар қанақанги одамларсиз! Тфу! Сатқайи одам кетинглар! Сизлар ҳамма нарсага қўшиб, бир варакайига виждонларингизни, қизларингизни, хешу ақраболарингизни ҳам аллақачон пуллаб юборгансизлар!

Жамолнинг кўксига ғазаб алангалари туғён уради. Шу онда ўзини барча хўр-

ланган кафангадоларнинг биродари деб билади: у меҳнат қилиб, тер тўкиб, оқибатда қора нонга қорни тўймаганларнинг тортган азобларини яққол ҳис этади.

— Ҳаёт, янгиланган, маъно кашф этган ажойиб ҳаёт, ахир қачон сенинг тонгинг отади?— деб пичирлайди у.— Сен барча тортган азоб-уқубатларимиз эвазига мукофот бўласан...

Дафъатан унинг жўшқинлиги сўнади. Хонанинг қўланса ҳидли оғир ҳавоси унинг аъзойи баданини бўшаштириб юборади.

«Ҳа, ҳа, ҳақиқатан ҳам тақдири азал мавжуд,— деб ўз-ўзи билан гаплашади.— Уларга эътиқод қилиш мумкин, бунга мустаҳкам асос топса бўлади. Масалан, башарти келажакни қандай эҳтиёж этсанг... Қандай, қандай дедим? Башарти тасаввур этсанг...» Бу сўзлар киши онгида қандайдир ғайри табиий акс садо беради. Жиддий гапиряптими ёки ўз устидан куляптими, Жамолнинг ўзи ҳам яхши тушунмасди. Уни гўё булутли туман ўраб олгандай бўлади. Миясига пайдар-пай бемаъни мулоҳазалар келади, улар бир-бирининг устидан босиб тушади-да, сўзлар оқимига ғарқ бўлиб кетади. Шунда Жамол ўзини оломон орасига тушиб қолгандай, оломон эса шовқин-сурон билан қулоғини чип битказиб қўйгандай туюлади. Тўсатдан:

«Агар менда жиндаккина яхши томонларим бўлганда эди, мен бу ерда арзимас

хаёллар билан ўзимни овутиб жунжикиб ётмаган бўлардим. Мен эсам хаёл суришга ва бекорчиликка ҳаддан ташқари одатланиб қолганман. Ҳар сафар мен гапга оғиз жуфтладим дегунча одамлар оғзимга уриб: «Сен фақат қуруқ гап сотасану, лекин бирорта амалий иш қилмайсан!» дейдилар. Менинг қалбим аллақачон жондан жудо бўлган».

У кўринмас гувоҳларга қараб фарёд чекади:

— Эшитяпсизларми, мен фақат гапираману, лекин ҳеч иш қилмайман!

У сағал ўрнидан туради-да, хаёлидаги томошабинларга қўлини чўзади. Унинг фикри беихтиёр Нафисага томон йўналади. Башарти хотини шу ерда бўлганида, у шак-шубҳасиз:

— Бунда менинг ҳеч қандай айбим йўқ!— дерди.

Нафиса эса эридан юзини тескари ўгириб, унга таъна-маломат қиларди. Нафисанинг гапирадиган гапи доимо бир хил. Яна унинг гапига қулоқ солишга тўғри келади, деган фикр хотирига келди дегунча, Жамолнинг томоғига коптокдай бир нарса тиқилади-ю, ўзини беҳол сезиб, кўнглини чексиз ноумидлик қамраб олади.

«Энди бунга асло чидаб бўлмайди,— деб ўйлайди у.— Хотин, бола-чақа». Жамолнинг кайфи бузилиб кетади. У ўзини қўярга жой тополмай, оёқларини чалиштириб ётиб кўради, бўлмайди, узатиб кў-

ради, бўлмайди, охирида ағдарилиб ётади-да, бармоқларини қисирлатади.

Нафиса билан гаплашиб олиш керак? Нега? Ҳожати йўқ. Яқинда Жамол бу ердан кетади, ҳозирчалик бардош бериш керак. Жамол кетади... Ҳозирча қаерга кетишини ўзи ҳам аниқ билмайди. Аммо бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Хотин, бола-чақа. Жамол уларнинг бахтиёр бўлишларини хоҳлайди, лекин ўз умрини улар ёнида ўтказиш нияти йўқ. Кўпдан бери маълумки, бугун бўлмаса эртага ташлаб кетади. Улар буни яхши билишадди. Жамол ўзини сира ҳам бундай турмушга тайёрламаган эди ва бунинг учун шунча жафо чекмаган эди. Худо ҳаққи, йўқ! Ҳал қилувчи кунда, яъни у кетадиган куни уларнинг кўп айблари кечирилади. Иш тўғрисида гапиришнинг ҳеч қанақанги ҳожати йўқ: чунки бу ҳақда у ортиқ ўйламайди. Нафиса ҳали ҳам ўз айтганида туриб: «Ишла, ишлагин!» деб таъкидлайди. Лекин у бу ерда ҳеч қачон ишламайди! Ахир бориб Нафиса шуни тушунармикан?

— Одамларга разм сол,— дейди Нафиса,— ўшалардан ўргангин...

Нафиса шу йўл билан унинг иззат-нафсига тегмоқчи бўлади. Лекин ҳаракати бекор кетади! Ундан садо чиқмагач, ёзғира бошлайди. Жамол миқ этмайди. У хотинининг нима демоқчи эканига тушунади, унга ачинади.

Аммо яна шу ҳақда баҳслашиш хавфи



туғилиб қолди дегунча, дуч келган китобни қўлига олади-ю, унга тикилиб ўтиради. Бу билан у хотинига — сенинг аччиқ сўзларингни эшитганим билан, барибир менга чивин чаққандай таъсир этмайди демоқчи бўлади. Сўзсиз у китобни ўқимайди, шунчаки ўзини ўқиётганга солади. У ҳозир китоб ўқиб овинадиган ёшдан ўтган. Китоблар учун бир бурчакни ажратиб, ўша ерга қалаштириб ташлаган: унинг китоблари қўлдан-қўлга ўтавериб чуруги чиқиб муқовалари йиртилиб кетган. Ҳозир у китобларини очиб ҳам қарамайди, аҳён-аҳёнда бир варақлаб қўяди. Шундай бўлса ҳам китобларини эҳтиёт қилиб сақлайди. Китоблари чанг босиб ётса ётади-ку, лекин унга бировнинг қўлини теккизмайди. Жамол айланиб келганидан кейин, биринчи навбатда китобларини кўздан кечиради. Битта-яримта қўл ургангани сезиб қолса борми, жанжал-сурон кўтариб, бир неча кунгача хотини билан гаплашмай юради. «Бу уйнинг бекаси сен, — дейди у Нафисага, — шундай бўлгандан кейин, китобларимга кўз-қулоқ бўлиб туришинг керак... Сизларга фақат ҳамма ёқни тозалаб, қиртишлаб юриш бўлса бўлгани, бошқаси билан ишларинг йўқ! Бирор жойда жиндай губорни кўриб қолсаларинг борми, ҳамма ёқни остин-устун қилиб юборишга тайёрсизлар». Ва ҳоказо ва бошқалар.

«Кўриб турибсан-ку, мен китоб ўқиш билан бандман, — дея фикран мурожаат

қилади Нафисага у дарғазаб бўлиб турган вақтларида.— Лекин, мабодо менга ақл ўргатишингга ишонсанг, гапингга қулоқ солишга тайёрман. Қара, мен қанчалик сабр-тоқатлиман-а, ниятим холис. Лекин бу бемаъни гапларингнинг ҳеч бири мени қизиқтирмайди. Сен бир оз менга шафқат қил. Мени ўз ҳолимга қўй. Борди-ю, сен бирор нарса демоқчи бўлсанг, мен олдиндан айтай сенга, ҳаммасига розиман. Шундан кейин Нафиса ғимир-ғимир қилиб юмушлари билан куйманиб кетади-ю, бир маҳал бориб ҳамма иш ўз изига тушиб кетгандай бўлади... Буларнинг бариси қанчалар аянч! Нафиса тагин йиғи-сиғи қилишга тушади. У бўлса ўзини ҳеч нимани эшитмаётганга солади. Иш тўғрисида бош ҳам қотирмайди, Нафиса эса тирикчиликлари яхшиланиб кетишига сира кўзи етмайди.

«Биз ҳеч нарсани ўзгартиришга қодир эмасмиз,— дея ўйлайди Жамол. Қандайдир паст ва қоронғи гумбаз ер куррамизда осилиб турибди. Одамлар бамисоли кўр кишидай мулоҳаза юритиб, ўзларини ҳам кўр кишилардай тутадилар. Эҳтимол, тақдирнинг ўзи ҳам кўрдиру, боришлари лозим бўлган йўлни улардан яширса керак».

Озроқ мулоҳаза юритгач, Жамол шундай бир қарорга келади.

«Нима бўпти! Шундай бўлишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ!» Бу фикр уни бир оз қўрқитди. Агар чиндан ҳам шун-

дай бўлса, нима бўлади?.. «Бордию ростданам?.. Йўқ, йўқ. Эртами, кечми ҳар қалай орамизда қаттиқ машмаша бўлиши турган гап, бунга шубҳа қилмаса бўлади. Биз қайтадан тўғри йўлга тушиш, ҳаётимизга маъно бағишлаш масаласини ҳал этаётганимизда, нималар қилмаймиз дейсиз».

Бу масала унинг миясида бир-бирини тез-тез алмаштириб турадиган бирталай гумон ва фаразларни бунёдга келтиради; бу дақиқада у яқинлашиб келаётган хавфхатарни пайқаб тиррақдай қотганича қалби азобловчи изтироб билан тўлади.

Ниҳоят, у ўрнидан туради, лабида ғамгин ажин пайдо бўлади. Деворга осиб қўйилган синиқ ойна парчаси унинг ухлайверганидан қовоқлари керикиб кетганини акс эттиради. Жамол ойнага яқинроқ бориб узун, озгин чехрасини диққат билан кўздан кечиради. Юзи тердан сал йилтираб турса-да, лекин ранги таг-тагидан синиқиб кетган. Унда қувноқликдан асар йўқ. Кўзининг киртайиб кетгани уни қизиқтириб қолди. Бу шаҳло ва шу билан бирга жуда хотиржам кўзлари унга сира унутиб бўлмайдиган таниш ва қайғули бир нарсани эслатади. Ивир-шивир хираликдан юраги сиқилади. У ҳорғин қўллари билан юзини силаб қўяди. У, ўзини марҳума онасининг кўзига ўхшашлигига шубҳа ҳам қилмайди.

Жамол ҳужрани кўздан кечиради. Бундай ёлғиз қолиб, ўзини эркин ҳис этиш унга ҳадеб насиб бўлавермайди.

Қўллари яна тердан ҳўл бўлган, соқоли сал ўсиб қолган юзини силаб қўяди.

Уйда шовқин-сурон бошланади. Хотин-халажларнинг шанғиллаган овози эшитилади, бу пешиндан кейинги ҳордиқнинг тугаганидан хабар беради; қандайдир йиғлоқ бир бола чириллаб, хонадоннинг жимлигини бузиб юборади. Кишиларнинг бир оз олган оромлари тарқаб кетади. Эшиклар очилади, қўшни хотинлар ҳовли юзи билан битта бўлишади.

— Жўналаринг, шайтонваччалар! Сизлар ҳамма нарсани еб битирдинглар,— деб дағал овоз билан бақиради қўшни хотинлардан бири, нон деб хархаша қилаётган болаларига.

Онанинг болаларини қувлаб югургани эшитилади, болалар эса оналарини сўкишганча қочиб қолишади. Болалар кунтун тиланчилик қилишади, онаси қачон қарасанг йўқчиликдан қақшаб, уларнинг топиб келган нарсаларини чўтга солиш билан овора.

Жамолнинг хаёлидан «Нафиса ҳали замон қайтиб келиб қолади,— деган фикр лоп этиб ўтади.— Эртароқ қочиб қолишим керак. Ғинғиллашини эшитавериш жонимга тегди. Кўчага чиқиб кетсам қулогим тинч бўлади. Уйда эса ҳатто бамайлихотир ўтириб фикр юритишнинг ҳам иложи йўқ».

Унинг кўнглида шаллақи қўшни хотинга нисбатан қарши ғазаб қўзғалади. Жамол шу ерда яшаган давридан бери бу

хотиннинг юриш-туришидан тортиб, хулқ-атворигача яхши ўрганиб олган. Бу пак-пакана, гирдиғум хотин сиртдан қараганда, жуда ювош, қўй оғзидан чўп олмаган итоаткор бўлиб кўринади, аммо битта-яримтадан аччиғланса борми, дарҳол қу-турган итга айланади қўяди... Жамол бу катта хонадонда яшовчи бошқа кишилар ҳақида ҳам ўйлайди. Бу уй бемаза томо-шахонанинг айнан ўзи! Бу ерда ақли кирали-чиқали бўлиб қолган бир аёл бор, у ҳар куни эртадан кечгача каравот билан шкафларни у бурчакдан бу бурчакка сургани сурган... Иккинчи қаватда яшайдиганлардан бири худонинг берган куни маст бўлиб келиб, пастда яшовчиларнинг устига «бир нима» тўкиб юбораман деб таҳдид қилгани қилган. Бир куни эрталаб уй соҳибаси жаҳлига чидолмай «Ким ҳовлини кўлоблади?» деб сўради, пияниста киши: «Мен кўлоблатдим, хоним», деб жавоб беради. Ҳамма унга лаънат ўқийди. «Худо мени тану жонимни соғ-саломат қилсин», дейди пияниста уй соҳибаси қарғашдан тўхтагач. Бу ерда бир мақтанчоқ киши ҳам яшайди, у сотиб олган нарсасидан ҳаммани хабардор қилишга ошиқади. «Ҳой тасқара!» — дейди у остонага қадам қўяр экан хотинига, лекин у шундай бақириб чақирадики, унинг гапини эшитмаган одам қолмайди.— Ҳой тасқара, қаёққа гумдон бўлдинг деяпман? Мен сенга бунча гўшт, бунча балиқ, бунча фалон ва бунча писмадон олиб келдим...

«Бир рашкчи эр ҳам яшайди. У чиқиб кетар экан, ўзининг нозанинига шундай ўгирилиб қарайдики, ҳар сафар бирор нарсага бошини гурсиллатиб уриб олади. Яна шундай ижарачилар ҳам борки, кўчиб келишганининг эртасигаёқ бошқа жойга кўчиб кетишади, чунки гўё аввалги куни кечаси арвоҳларнинг ивир-шивирини эшитишган эмиш!

«Йигирма саккиз ёш!» деб ўйлайди ваҳимага тушиб Жамол.

У бирданига ёши эсига тушиб қолганидан ҳайратланади. Бу бежиз эмас, албатта. Йигирма саккиз ёш-а...

«Йигирма саккиз ёшга кирибману, шундан бери мени бир дақиқа ўз ҳолимга қўймайдилар-а... Йўқ, бунга сира чидаб бўлмайди! Менинг ёшимда ўз хаёлинг билан бирга қолишга эҳтиёж сезиладиган онлар бўлади».

Очиқ турган эшикдан Жамолга ҳовли саҳни кўриниб туради. Ҳар бир бошлаган қадамнингдан тортиб гапирган гапинггача қўшниларингга аён. У муштини қисади. У Нафисага айтмоқчи бўлиб минг мартаба оғиз жуфтлагандир-ку... Эй, айтиш қаёқда дейсиз! Нимадан гап бошлашни ҳам билмайди. Шунинг учун ҳамма нарса қандай бўлса, шундайлигича қолаверади.

Бу сафар ҳеч қандай янглишлик бўлиши мумкин эмас: ҳовлидан эшитилаётган шовқин-сурон орасида унинг оёқ товуши ва туфлисининг тақиллашини аниқ

эшитди... Нафиса болалари билан келяпти. Жамол ирғиб туриб шимини, оёқ кийимини кияди-да, камзулини олганча йўл-йўлакай кияди. Эшикда хотинига урилиб, йиқитиб юборишига сал қолади. Нафиса ҳаммомдан икки юзи қизариб, буғриқиб, ювилган кийим-кечакларнинг оғирлигидан бир томонга энгашганча зўрға кўтариб келарди. Унинг орқасидан челақ кўтарган ўғли билан ҳаммомга олиб борилган буюмларни кўтарган қизи қадамларини зўр-базўр судраб босиб келардилар.

— Кетяпсизми?— деб сўрайди Нафиса заиф товушда.

— Ҳа,— дея қўрслик билан жавоб беради Жамол чиқиб кетаётиб орқасига қарамай. У ҳатто хотинининг юзига қарашни ҳам унутиб қўйганди.

— Барвақтроқ қайтинг, барака топкур, кечки овқатни пойлаб ўтирмайлик.— Нафисанинг овози ҳалиям заиф бўлса-да, анча аниқ эшитилади.

Аммо Жамол ҳовлига чиқиб олади, хотинига жавоб беришга бўйни ёр бермай, югурганича кўчага чиқиб кетади...

Бамисоли катта бир қуш қанот қоқаётгандай, хафиф шамолдан ҳаво чайқалади, лекин торкўчадан ялангликка — майдонга чиқилгач, шамол янада кучлироқ эса бошлайди.

Энди Жамол қандай иш қилмасин, унга бамисоли узоқ ўтмиш хотираси бирибига айқаш-уйқаш бўлиб кетаётгандай

туюлади — фикри ёди бу ерда эмас, жўнаб кетмоқчи бўлган кунда, ана шу кунни у баҳорнинг дастлабки даракчисини кутгандай орзиқиб кутади. У тақдир томонидан ўзига шундай илтифот инъом этилажагига сира шубҳа қилмайди. Лекин ҳар сафар хотини олдида шу ҳақда гап очганида, унинг икки кураги орасига ханжар санчгандай бўлади. Аҳ, у ҳеч нима ни ўзгартиришга қодир эмас! «Эй худойим-е! Хўш, менинг ҳолим нима бўлади? Ахир мен сенинг учун шунчалар ўлар-тириларибга қарамай ҳаракат қил-япман-ку», дея хитоб қилади Нафиса. «Менга гапирмаслигинг мумкин. Ўзим ҳам буни жуда яхши тушуниб олдим. Сен ҳар кунни бир нарсани ўн марталаб қайтарасан». «Хўш, ўзинг-чи? Кетмоқчи бўлганингни ўн марталаб қайтармайсанми?»

Нафиса ўксиниб бош чайқайди ва ичида эрининг ташлаб кетишига ишонмайди, аксинча, унинг ёлғиз ўзи шаҳардан бир қадам ҳам ташқарига силжолмаслигига кўнгли тўқ. Шундай бўлса ҳам, Жамол бу нохуш гапларни айтганида, у руҳан жуда қаттиқ азобланади. Бунга бардош этиши мушкул. Жамол бўлса, хотинининг фақат таъналаринигина эслайди холос. «Шу ҳам ҳаёт бўлдими?» деб ўзига ўзи савол беради. У бошқача ҳаётни, қандайдир ажойиб, ўзига мафтун этувчи ҳаётни тасаввур этишга уринади. Аммо ҳаракати беҳуда кетади.



Қуёш чор-атрофдаги барча нарсаларни ўзининг заррин нурлари билан ўрай бошлайди. Жамол кенг кўчадан кетиб борарди. Ҳозиргина кўчага сув сепишганидан, тошлардан худди ҳаммомдагидек буғ кўтарилади. Кун бўйи қизиб ётган деворлардан ҳам иссиқ чиқарди. Жамолга йўлда учраган кишиларнинг кўпчилиги афтидан кечки сайрга чиққанлар эди. Мана, елкалари очиқ кўйлак кийиб ўтиб бораётган француз аёлларининг нозик баданларидан келаётган ҳид унинг димоғига урилади. Бу аёлларнинг нозик баданлари сутдек оппоқ ва улардан похол иси келаётганга ўхшарди, Жазоир аёлларидан эса, ёқимли ялпиз ҳиди келади. «Нақадар ғалати нарса бу ҳаёт...— деб ўйлайди Жамол.— Бу уйғонгандан кейин ҳеч қандай асари қолмайдиган тушдир».

У чуқур хўрсинади: чунки унинг ҳаётида одам қатори бўлиб яшаш онлари жуда камдан-кам бўлганига аллақачоноқ ақли етган эди.

---

## XIV

---

**Қ**андай воқеалар содир бўлмасин, лекин Мустафо Вали ўз одатини ўзгартирмоқчи эмасди. У аввалгидай ҳозир ҳам ҳар ҳафтада катта акаси Аҳмад Валини кўриб келарди. У ўзининг бу бурчини кўп

йиллардан бери ўтаб келарди, яна шуни-  
си ҳам борки, бу ишни зўр иштиёқ билан  
адо этади. Акасини бориб кўришдан сира  
зерикмасди, аксинча, боришига монелик  
чиқиб, ёхуд бирор ҳафта бормаё қолса,  
қаттиқ хафа бўларди.

Учрашган вақтларида оға-ини кам гап-  
лашишар, ҳар икковлари ҳам ўртача ҳаёт  
кечиришарди, ҳаётнинг ҳар турли кутил-  
маган зарбаларидан омонда эдилар. Шун-  
дай бўлишига қарамай, воқеалар бошлан-  
ганидан кейин Мустафонинг юрагида  
аллақандай янги туйғулар пайдо бўла  
бошлади. Ана шу оилавий йиғилишларни  
ўйларкан, гоҳо у ўзига ўзи: «Кўришиб  
туриш керак, акс қолда бирор фалокат  
рўй бериб қолгудай бўлса, ҳалал бера-  
ди...» дерди. Одатда, фикрини охиригача  
давом эттирмай, шу ерда тўхтатарди ва  
белгиланган кунда акасиникига меҳмон-  
га борарди.

Бошқа кунлардаги қолган вақти айни  
бир хилдаги бўлган уч вазифани адо  
этиш учун тақсимланарди. Шулар ораси-  
га бошқа бирор нарса кириб қолишини  
тасаввур этиш қийин гап эди. Мўлжал-  
да бўлмаган бошқа нарса Мустафонинг  
хаёлини ҳеч қачон ўзига торта олмас-  
ди.

Биринчи вазифа хизмати эди. Муста-  
фо (рўйхат бўлимида) ишларди. Бу ишга  
у тасодифан қўлида бўлган дипломи:  
бошланғич мактабни битиргани ҳақидаги  
гувоҳномаси туфайли йигирма саккиз

ёшида кириб олган эди. Гўё тасодифга ўхшайди. Аммо эрлар масаласига келганда, уларнинг маълумот олиш учун қилган меҳнатлари зое кетмайди, ҳужжат — ҳар ерда ҳам ҳужжатдир. Хизматга қабул қилишлари Мустафони жуда ҳам қувонтириб юборди. Фақат шундагина бир энлик қоғознинг ҳикмати унга аён бўлди. Дастлабки вақтларда гўё бошига бахт қуши қўнгандай, ўз бахтига ўзи ишонмай юрди. Орадан йиллар ўтди. Энг пастки поғонасидан иш бошлаган Мустафо аста-секин кўтарила бошлади, албатта ўз уқувига қараб. У ҳатто амалдорлар даврасига киришга ҳам йўл топди. Ўзининг пухталиги, босиқлиги ва зиммасига юкланган вазифани аниқ бажариши билан бошқалардан ажралиб турарди. Шу томонлари бошлиқларга ҳам маъқул тушарди.

Табиийки, бирон марта Мустафо Валининг хотирига мен бамайлихотир сеҳрли чироқдан, инсон ҳаётини аввалидан охиригача ўз нури билан ёритадиган сеҳрли чироқдан фойдаланяпман, деган ўй келганмикин? Албатта, у дастлабки кунда ноқ худди шундай мулоҳаза қиларди. Бундай ҳаёт тамомила унинг дидига мос келарди. Бу ғоятда табиий ҳол, тўғри эмасми? Аммо унинг биргина орзуси бор эди, ахир орзуга айб йўқ-ку! Эҳтимол, бу ҳақда ҳам ўйлаб кўргандиру, лекин пухта ўйлагандан кейин васвасадан ўзини тийган бўлса ажаб эмас?

Мустафо Вали хотинидан жуда эрта айрилди. Хотини шўрлик ювошгина яхши жувон эди, лекин уни ҳаёт билан боғлаган восита жуда мўрт экан, ўлгандан кейингина ёруғликка чиққандай бўлди. Уни сил касали нобуд қилди. Жони узилганини ҳеч ким сезмай ҳам қолди. Жуда беозор жон берди. Шундан бери унинг барча икир-чикир юмушлари Мустафонинг бўйнига тушди.

Мустафонинг вазифалари ичида бошқаларига қараганда аҳамиятлироғи арифметика масалалари ечиш эди. Ҳар куни кечқурун овқатдан кейин у қаҳва олиб келар, чўнтагидан қалайи портсигарини олиб, юмалоқ стол устига газета ёзардида, дафтар билан арифметика дарслигини очиб, папирос тутатганича масала ечишга киришарди.

Унинг арифметикага қизиқиши шунчаки, тўғрироғи, кутилмаганда бошланди. Воқеа мана бундай бўлган эди. Унинг яқингинада ўн ёшга тўлган кўзининг оқу қораси Нурия — бир куни кечқурун дарс тайёрлаб ўтирарди, аммо мактабда берилган масалани сира ечолмай қийналарди. Буни кузатиб ўтирган Мустафо қизининг жуда қийналиб кетганини кўрди. Аммо нима учундир қиз отасидан ёрдам сўрашга ийманарди, отаси ҳам аралашингга журъат этмай ўтирарди. Аммо Мустафо қандай қилиб қизига ёрдам бера оларди? Балки унинг ўзи ҳам бу масалани еча олмаган бўларди. Мактабда олган сабоқ-

лари аллақачонлар эсидан чиқиб кетганди. Бироқ фарзандининг қийналаётганини кўриб чидаб туrolмасди. Қизининг атворини отаси жуда яхши билади. Нурия сезгир қиз бўлиб, бўлар-бўлмас нарсага куйиб-пишаверарди...

Нурия чурқ этиб оғиз очмади. Бошини қўли устига қўйиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Унинг дарди ичида эди.

Мустафо қизини кўтариб олиб тиззасига ўтқазди. У ёлғондакам пўписа қилиб қизини койиган бўлди, бу нима қилиқ, арзимаган нарсага йиғлаб ўтирибсан-а! Шу масала қизни бунчалик хафа қилган экан, уни ечишга ўзи уриниб кўради. Мустафо китобчани олдига тортади. Аммо рақамларни, саволларни, масаланинг ечиш «шартлари» ва ҳар бир сатр ортида кимнингдир ёвуз нияти турганлигини кўриб, боши берк кўчага кириб қолади. Сиртдан қараганда китобча юпқагина, лекин нақадар чалкаш, чигал масалаларга тўла-я! Нурия кўз ёшларини артади, Мустафо эса костюмининг чўнтагидан қалам олади-да, бир парча қоғозга рақамларни ёзишга киришади. Бу қанақаси бўлди! Баллоҳи аълам, бу қандай ҳол: ёш боланинг олдига шунчалар тузоқ қўйиш мумкинми! Мустафо ёзиб-ёзиб, кейин қимирламай ўтириб қолар, хўрсинар, бир илож қилиб фикрини тўплашга уринарди. Масалани энди ечдим деган маҳалида, унинг кўнглида шубҳа пайдо бўлиб, борган сари фикрини қамраб оларди. Оқибатда ана

шу кўнгилдаги шубҳани бартараф қилишга муваффақ бўларди. Нурия отасининг елкасига бошини қўйиб ухлаб қолди. Отаси жон деб қизидан баъзи бир нарсаларни билиб олишда ёрдам сўраган бўларди. Аммо қизи отаси сўраган нарсаларни, қаерда хатога йўл қўйганини кўрсатиб, тушунтириб беролармиди?!

Мустафо узоқ вақт қийналди. Охири, қаттиқ ухлаб қолган Нурияни уйғотиб, ечилган масалани кўчириб олишга мажбур этди. Нурия азбаройи чарчаганлигидан ўзини зўрға тутиб турарди, масалани кўчириб ёзиб бўлиши биланоқ, ўринга кирди-ю, донг қотиб ухлаб қолди. Шу кундан бошлаб арифметика дарсини биргаликда қиладиган бўлдилар. Мабодо, жуда қийин масала учраб қоладиган бўлса, Нурия ухлагани ётарди, масала устида бош қотириш отага ҳавола қилинарди: эрталаб қиз ечилган тайёр масалани оққа кўчириб оларди. Болаларнинг аллақандай арифметика масаласини ечиш учун киши шунчалар қийналиб кетиши Мустафонинг хаёлига ҳам келмасди. Ниҳоят, масалани ечишга муваффақ бўлса, бамисоли елкасидан тоғ ағдарилгандек энгил тортарди.

Шундай қилиб, Мустафо кўп вақтлар бирор масала устида кечаси алламаҳалгача бош қотириб ўтирарди. Бир куни у ўзидан-ўзи қаттиқ изтиробга тушди. Тун ярим кечадан оққан эди: ҳамма ёқ кишини ваҳимага солувчи қандайдир тераң

бир сукунат билан қопланган. Чироқ бўлмаган ёғоч стол устини ёритар, у эса, ерга тўгарак соя ташлаб турарди. Мустафо ҳовлига чиқди-ю, шу заҳоти орқасига қайтиб чироқни столдан олиб ўз тўшаги билан қизининг тўшаги ўртасига қўйди. Қизча бошқа томонига ағдарилди, кейин безовталаниб типирчилай бошлади. Мустафо қизини кузатиб турарди. Шу куни кечаси Мустафо алоқ-чалоқ туш кўриб безовталаниб чиқди. Эрталаб у аъзойи бадани бўшашиб, юраги ғаш тортиб уйғонди.

Пешинда хизматдан қайтиб келаётганида Нурияни остонада пойлаб ўтирганини узоқдан кўриб қолди. Одатда, қизи соат ўн бирда дарсини тугатгач, тўғри келиб қўшниларикига кирарди-да, Мустафо уни ўша ердан олиб кетарди. Бугун эса қизи бошини қуйи солиб эшик олдидаги зинапояда, сумкасини ерга қўйганича ўтирарди. Шу куни дарслар барвақт тугаган бўлиб, афтидан, қизнинг ҳеч кимникига боргиси келмагану, отасини қўшниларикида пойлашдан кўра шу ерда кутишни маъқул кўрган эди. Бу ҳолни кўриб Мустафо қадамини тезлатди. У эшикни очиб, Нурияни кўтариб олди. Қизнинг иситмаси бор эди, икки юзи ўтдай ёниб, кўзлари чақнар эди. Мустафо қизини ўринга ётқизиб, ўзи дори-дармон тайёрлагани кетди.

Нурия доридан зўр-базўр бир-икки қултум ичди-да, кружкани нарига итариб

қўйди. Унинг икки юзи алангайи оташ бўлиб ёнар, кўз қарашлари билан отасига термилиб, мени қийнаманг дея ёлворарди. Ахир қизининг шунчалар азоб тортишига чидаб қараб туrolмайди-ку! Қиз тижирлик қилмай доридан яна бир қултум ичади. Лекин барибир тинимсиз вой-войлаб: «Ойи! Ойи!» дея чақирар, кўзлари бежо бўлиб шашқатор ёш оқарди.

Орадан сал вақт ўтгач, қизнинг чеҳраси ёришди, қарашлари, агар унга ишониниш мумкин бўлса, кишини танг қолдирарли даражада хотиржам эди.

Мустафо яхшиини ишхонадан рухсат олиб келиб, уйда — қизининг ёнида ўтирганим маъқул деган қарорга келди. Шу тобда қизи анча тузук, у югуриб ишхонасига бориб келиши мумкин эди. «Ҳарқалай ишхонамда майда-чуйда гаплар бўлмайди, кейинчалик мени маломат қилиб юришмайди», деб ўйлади. Аммо касал қизини уйда ёлғиз қолдириб кетиш қандай бўларкин? У тараддудда қолди.

Шундай бўлса-да, Мустафо ишга кетди. Қайтиб келгач эшикни очиб Нурияни йўлакда кўрди. Қиз ерга юз тубан тушиб, қўлларини олдинга чўзганича ётарди. Кўзининг қорачиғи юқорига тортиб кетган, юзида қаттиқ ваҳима аломатлари бор эди. У нимани кўрди экан? Олдинга узатилган қўлчалари билан нимани итариб ташламоқчи бўлдийкин? Мустафонинг кўз олди қоронғилашди, боя чиқиб



кетмоқчи бўлиб турганида қизи ётган ерида қалтисроқ ўгирилгани эсига тушди. Уша пайтда кўнглида пайдо бўлган шубҳа, қайтадан аниқ жонланади. У ҳозир гўё туш кўраётгандай турар, фикрини бир ерга тўплашга мажоли етмасди.

Бирданига у Нурияни туртиб, чақира бошлади:

— Нурия! Нурия! Опоқ қизим!

Агар дунёда ўлимга даво бўладиган дори-дармон бўлса, шуни топишга ҳаракат қиладиганга ўхшарди. У қизнинг устига энгашди, унинг чеҳрасида қизи чеҳрасига ўхшайдиган ҳеч қандай аломат йўқ эди.

— Бу менман, Нурия,— деб бақирарди Мустафо саросимага тушиб.— Бу менман, сенинг отанг. Гапимни эшитяпсанми? Мен шу ерда, сенинг ёнингданман.

Шу лаҳзада қиз кўзини очди. У отасини таниди ва зўрға:

— Дада, нега мени ёлғиз ташлаб кетдингиз?— деди.

Мустафо секин ўрнидан турди.

— Қизини уйга олиб кириб, қўлида аллалай бошлади:

— Нурия, она қизим.

У гўё қизини ҳам, ўзини ҳам хотиржам қилмоқчи бўлгандай, нуқул шу сўзларни такрорларди. Бора-бора қизнинг вужудини қамраб ётган ҳаракатсизлик ўз ўрнини тинч уйқуга бўшатиб берди. Гоҳогоҳо Нурия ўзини ҳали ҳам банд этиб

ётган нарсадан халос бўлишга уриниб, отасига томон интилаётганга ўхшарди. Мустафо қизини бағрига босганича ундан кўзини олмай термилиб ўтирарди. Кейин бошини кўтариб боқади. Шунда унинг кўксидан:

— Қошки эди унинг кўзлари қайтадан чақнаб, лабларида табассум пайдо бўлса, қизим қайта бошдан ашулалар айта олса...— деган нола отилиб чиқади.

Унинг ноласига деворлар ҳам сукут билан жавоб берадилар, уйда қабристон сукунати ҳукмрон эди.

— Ишқилиб, бир мўъжиза юз берсинда! Мен биламан, мўъжиза юз беради. Нурия гапларимга тушуняпсанми?

Шу ўртада уларнинг ортидан яширинча кирган кимнингдир сояси секингина ғойиб бўлди. Мустафо шу заҳоти ҳамма ёқ ёришиб кетганини пайқади.

Нурияни авайлаб ўрнига ётқизди.

Алламаҳал бўлиб қолганди. Қизининг бошида ўтирган Мустафо кеч кирганини ҳам сезмай қолганди. Зўр-базўр нафас олаётган қиз ўқтин-ўқтинда йиғлайвериб ўпкаси шишгандай хўрсиниб қўярди. Мустафо секин ўрнидан турди. У қоронғида тимирскилаб бориб гугурт топиб чақди. Мустафо жавон устида турган чироқни ёқди-да, уни стол устига олиб келиб қўйди. Кейин жавон олдига бориб ғаладонидан газета олди, чироқни нарироқ суриб, столга ёзди. Кейин Нуриянинг тоқ-

чалардан бирига ташлаб қўйган клеёнка сумкасини олди. Сумка турган токчада қаҳва, шакар ва бошқа зираворлар солинган идиш-товоқлар ҳам бор эди. Мустафо столни диванга сурди-да, диванга чўккалаб ўтирди. Сўнгра арифметика масалалари тўплами ва дафтарни очиб қўйди. Китобнинг керакли бетини ҳам бирпасда очди, чунки ота-бола икковлари ҳар бир ечилган масала ёнига қаламда белги қўйиб чиққан эдилар. Мустафо навбатдаги масалага ўтиб, унинг ечилиш шартлари билан таниша бошлади.

Ана шу зайлда Мустафо Валига масала ечиш одат бўлиб қолди. Қизи узоқ вақт бетоб бўлиб қолганидан мактабига боролмади ва у ёлғиз ўзи масала ечиш билан шуғулланаверди.

Кечқурун соат бешларда Мустафо Вали қизини кўтариб олиб, икковлари Аҳмад Вали яшайдиган Сенели маҳалласига жўнади. Улар майдонлар, катта кўчалар ва хиёбонлардан ўтиб тор кўчага киришлари билан ҳамма ёқ сув сепгандек бўлиб қолди. Эски маҳаллаларнинг ана шундай хислати бор: бу ерларда йўловчиларни сокинлик кутиб олади. Ҳозиргина шаҳар марказидан ўтиб келдик, энди бўлса у аллақачонлар орқада қолиб кетгандай, кўча ҳаракатларидан жуда олисларга кетиб қолгандай. Эски шаҳар маҳаллаларида ҳам аҳоли кўп, жуда зич яшайди, лекин бу ерда яшовчилар ўз юмушларини чурқ этган овоз чиқармай қилишади.

Куни билан қизиб ётган деворлардан ис-  
сиқ чиқиб туради. Ҳовлилардан болалар-  
нинг йиғиси ва ўғир дасталарнинг гур-  
силлаб урилиши эшитилади. Хотин-ха-  
лажларнинг товушлари ва болаларини ал-  
лалашлари қулоққа чалинади. Баъзи ер-  
ларда ўтиш жойлари тиканлик сим билан  
тўсиб қўйилган. Бир жинкўчада қовури-  
лаётган қизил гармдори ҳиди димоққа  
урилади. Ҳамма ерда гулга бурканган  
апельсинларнинг хушбўй ҳидлари анқиб  
туради.

Аҳмад амакининг ҳовлиси эски имо-  
ратлар орасига жойлашган бўлиб, оқлан-  
ган ва сирланган эди. Унинг бир томони-  
да ихчам, озодагина мачит бўлиб, иккин-  
чи томонида эса собиқ гимнастика зали  
ўрнига қурилган ҳаммом бор эди. Муста-  
фо уйга яқин бориб дарвозага қаради ва  
ёпиштирилган эълонга кўзи тушди. Ша-  
ҳар бошқармаси қўл қўйган бу эълонда шу  
уйда яшовчи Аҳмад Валининг номи ҳам-  
манинг эътиборини ўзига жалб этарди,  
чунки унинг ўғли «Қонун таъқиб этган  
жиноятчилар» сафига қўшилган эди. Мус-  
тафонинг ранги бўзариб, қизининг қўли-  
ни қаттиқ қисди. Ҳар сафар ана шу ваҳи-  
мали қоғозга кўзи тушганда ўзини хаво-  
тирликдан халос эта олмайди.

Акаси уйда йўқ экан. Уларни бир не-  
ча майда болалар орасида ўралашиб юр-  
ган янгаси кутиб олди. У янгаси билан  
ҳол-аҳвол сўрашиб улгурмасданоқ каска-  
ларини қошларигача тушириб олган бир

неча француз солдатлари ҳовлига бостириб кирди. Бутун хонадон ваҳимага тушиб қолди. Мустафо акасининг номини айтиб чақиришганини эшитиб юраги гурсиллаб уриб кетди.

У нима гап бўлаётганини билиш учун остонага чиқди.

— Аҳмад Вали шу ерда яшайди, лекин у ҳали қайтгани йўқ,— деди Мустафо.— У фақат...

— Хўш, ўзинг ким бўласан?— деб унинг сўзини бўлди солдатлардан бири.

— Мен у кишининг укалари бўламан, рўйхат бўлимнинг ходими...

— Ҳужжатларингни кўрсат!

Солдатлар Мустафога ва қўрқувдан тирракдай қотиб қолган қўшниларга автоматларини ўқталдилар. Мустафонинг шахсий гувоҳномасини қўлига олган француз кўринишидан уни қайтариб бермоқчи эмасга ўхшарди.

Солдатлар Мустафога орқамиздан юр деб буюрганларида бамисоли юрагини кимнингдир муздай қўли қисгандай туюлди.

— Сизларга ким керак: менми ёки акамми?

Шу онда у гўё разил бир иш қилиб қўйгандай, қаттиқ хижолат бўлди.

— Бизлар учун у бўладими, сен бўласанми, барибир,— деб лоқайдлик билан жавоб бердилар унга.

Мустафо ўзига тўғриланган автоматлар томон юриб иложи борича баравар

қадам ташлашга уриниб солдатлар ортидан кетди.

Улар кўча эшикка етганлари ҳам йўқ эдики, Нуриянинг чинқириғи эшитилди.

— Дада!— деб кучининг борича чинқирди у.

Мустафо қизини тамомила унутиб қўйганди! Ҳамма бараварига, ҳатто солдатлар ҳам қизга ўгирилиб қаради. Мустафо қизига қараб жилмайди-да:

— Ие, сенга нима бўлди, она қизим, мен ҳозир қайтиб келаман. Мени у ерда узоқ олиб қолишмайди, мана кўрасан.— У яна ўшандай жилмайиб французларга юзланиб:— Бу жаноблар жуда ҳам яхши одамлар,— деди.

Улар чиқиб кетишди. Шу пайт Мустафога юрагида қўққисдан бир нарса узилиб кетгандай бўлди.

---

## XV

---

**М**ен бошқача ҳаётни орзу қиламан...— Андак сукутдан кейин Жамол ўйла-ниб туриб гапини давом эттиради... олижаноб покиза ҳаётни... Кейин эснаб, қўшиб қўяди:— Бизга ана шу керак.— Яна орага жимлик чўкади. Жамол гўё мудраётганга ўхшайди, аммо бирданига сўраб қолади:—

Хўш, сизнингча биздан кейин келадиган авлод бизларнинг ҳаётимиз тўғрисида қандай фикрда бўларкин? — Унинг жавобини кутмай сўзида давом этади: — Эсингиздами, сиз бир пайтлар кўр тиланчига: «Биз битта дарахтнинг шох бутоқларимиз!» деган эдингиз. Мамлакатимиздаги ҳамма одамлар бир куни келиб оғанини тутиниб кетадилар... Улар ўзларининг ғайри инсоний кечирган ҳаётлари учун хижолат бўладилар, бунга менинг имоним комил. Нимаики, уларни азоб чекишга мажбур қилган бўлса, нимаики, уларни йиғлашга мажбур қилган бўлса — ҳаммаси бемаъни тушдай бўлиб қолади. Қашшоқлик йўқолади... ва биз... Биз шўрликлар, биз шўрликлар!

Алҳожиди:

— Ҳамма бир ёқадан бош чиқарадиган замон келмоғи керак, ана ўшандагина сизнинг айтганларингиз рўёбга чиқади... Бироқ унақа замон бу яқин ўртада келмайди. То шундай замон келгунича кўп вақт ўтади... — Бу ёғини гапирмай сўзини давом эттиради. — Ҳозирча эса яшаш, бирон бир иш билан шуғулланиш керак, — дейди.

— Нима? Яъни нимани деб куч-қувват сарфлашимиз керак экан?

— Эҳтиёт бўлинг! Ким чинакам ҳаёт кечирмас экан, беихтиёр хом хаёлларга берилиб кетади.

— Буларнинг бари ақлга сиғмас ишлар.

— Сиз ўз-ўзингизни ҳалокатга судра-  
япсиз.

Жамол умидсизлик билан қўл сил-  
тайди.

— Мен учун ҳамма нарса ниҳоясига  
етган. Мен фурсатни қўлдан бой бер-  
дим.

— Қўлдан бой бердим, дейсизми?  
Йўқ, ҳеч қачон кеч бўлмайди!.. Бу нарса  
ўзимизга боғлиқ.

— Эҳ! Қани энди, бир куни эрталаб  
ўриндан турсангу, ҳамма нарса ўзгариб  
қолганини, янгича ҳаёт бошланганини  
кўрсанг...

Жамолнинг кўзлари катта-катта очи-  
либ, паришонҳоллик билан такрорлай-  
ди.

— Бошқача яшаш керак... Ҳаммасини  
қайтадан бошламоқ лозим...

— Аввало, дўстим, ҳозиргидек яшаб  
кўрамиз, иложи борича дурустроқ, ҳа, ҳа,  
дурустроқ...

— Эҳтимолки... ахир бориб, бориб...

Жамол одамлар ғала-ғовур бўлиб ғуж-  
ғон ўйнаётган кўчага қарайди. «Мен қаёқ-  
қа интиляпман?» — деб сўрайди у ўз-ўзи-  
дан...

— Бепоёнликка интиляпман! Йўқ,  
юрагим ғам-алам билан тўла, у кўксимда  
шундай куч билан тепадикки, гўё бутун  
оламдаги одамларнинг қайғу-аламлари  
менинг вужудимдан жой олганга ўхшай-  
ди. Мен қандай махлуқман ўзи?.. Гоҳо  
менга аллақандай номаълум куч ҳаётим-



ни тилка-пора қилиб ташлагану, уни қайтадан яшаш лозимга ўхшаб кўри-нади.

Орадан кўз очиб юмгунча вақт ўтади, шунда у секингина:

— Ахир менинг бошқалардан кам ерим, мана шу одамларнинг биронта-сидан қолишадиган ерим йўқ-ку,— дейди.

Жамол пиёда йўловчилар, эшак минган ёки аравада кетаётган деҳқонлар ўтиб бо-раётган кўчага боши билан ишора қила-ди. У ҳуштакда секин бир куйни чалишга киришади, кейин Алҳожини томонга ўги-рилиб, унга диққат билан тикилади.

— Бола-чақалар оч-яланғоч катта бў-лаверадилар, катталарнинг киндик қон-лари тўкилган жойларда яшашга ҳуқуқ-лари йўқ, ер курраси эса гўё ҳеч гап бўл-магандай айланаверади, одамлар ҳам ўз юмушлари билан ўраллашиб ётаверадилар. Гўё ҳеч кимса ҳалокат жари ёқасидан юраётганимизни сезмайди.

— Аммо ана шу мавҳумотсиз яшаш-нинг иложи бўлмаган бўларди.

— Бу гапга қўшиламан, аммо менинг бошқалардан қаерим кам?

Жамол эшик олдидан ўтиб турган йўловчиларга назар солади. Уларнинг баъзилари негадир тўхтади, баъзилари тўхтамай ўтиб кетаверади. Жамол улар-нинг қандай қўл ҳаракатлари қилишаёт-гани, бир тўп бўлиб тўпланишлари, тар-қаб кетишлари, пайдо бўлиши ва ғойиб

бўлишларини зўр қизиқиш билан томоша қилади. Уларнинг овозлари олисдан келётган денгиз тўлқинлари янглиғ унинг қулоғига элас-элас эшитилади. Баъзида худди остонада туриб аллакимнинг ёлвораётган товуши эшитилади. «Тиланчи», деб ўйлайди Жамол. Тиланчи эшик олдида бир-икки дақиқа кутиб тургач, кейин кетади, олислашган сари унинг овози ҳам эшитилмай боради. Ҳар бир тиланчи ўзининг шу бемаъни сарсонгарчилигини яна бошқатдан бошлайдиганга ўхшаб туюлади. Дарбадар юравериш керак...

— Сизнингча, одам боласи оламдаги энг қимматбаҳо нарсами?— деб қўяди Жамол.— Ахир мен ўз кўзим билан кўриб турибман-ку унинг ҳайвон қаторига тушиб қолганини, инсон ҳаётини биров сариқ чақалик ҳам қадрламайди.— Унинг фикрлари аллақандай йўл билан дастлабки нуқтага бориб тўхтайди:— Бизнинг ҳаётимиз қоронғи кечадаги шамдай гап... Биз ҳамон ниманидир кутамиз, чироғимиз эса ўчай-ўчай деб милтиллаб қолди. Ишқилиб у тамом ўчиб қолмасин-да...

У хаёл суради: «Кўнглимда аллақандай умид учқуни бор, лекин у жуда-жуда чуқур ерга яширинган, шунинг учун ҳам гоҳо беихтиёр ўз-ўзимдан: Шунинг умид деса бўлармикин?— дея сўраб қўяман. Хўш, нима бўпти, мени интизор қиладиган ва менга ғира-шира тутун орасидан кўринадиган ажойиб ҳаёт ҳақида ўйлашга ҳаққим бор-ку...»

**К**ул ранг ёғду билан ўралган яланглик жимжит, ундаги ҳамма нарсалар гўё эриб кетганга ўхшайди. Теварак-атрофда жонзот кўринмайди. Бугдойзор далалар занглаган доғга ўхшаб ажралиб туради, унинг ёнида эса кумушсимон токзорлар ястаниб ётади. Шамол — уфқда туман пардаси орасидан элас-элас кўзга чалинаётган тоғларнинг оҳиста чекаётган ноласи янглиғ... Шундан бўлак ҳеч нима йўқ. Бепоеён олисларга сузиб кетаётган, кўзларни қамаштирувчи ёруғликдан бошқа, ер-кўкни қамраб олган мудроғлигу, гувиллаган шамолнинг хунук товушидан бўлак ҳеч нарса йўқ.

Соат бешлар чамаси бўлиб қолган, лекин пешиндан кейин кун бир ерда туриб қолганга ўхшарди. Лангиллаган аланга ҳали ҳам тоғ чўққиларини ва тошлоқ тоғ этакларини ялайди, ҳали ҳам қуёш ўз тигини ўшаларга қайрайди. Нафасни қайтарувчи иссиқ ҳаво пичанлар ва қизиган ер ҳоврини димоққа олиб келиб уради.

Марҳум ва яна уч деҳқон унинг уйи олдидаги тангадеккина сояда чўққайиб ўтиришади. Уларга теварак-атроф яққол кўриниб туради. Ҳосилсиз адирлар ва тоғлардан ёқимсиз ҳид тараларди. Ғамгин ва

кимсасиз тошлоқ чўл олис-олисларга чўзилиб кетган, фақат онда-сондагина сариқ мевали кактуслару, агава дарахтларининг кўкка бўй чўзган найза япроқлари ямшил бўлиб кўриниб турарди.

Деҳқонлар атайлаб шу кузатув нуқта-сини танлашган: бу ердан бутун округ кўриниб туради. Ҳозир улар текислик бошланадиган ерда бирдан пайдо бўлиб қолган кичкинагина тўзон булутини диққат билан кузатишмоқда.

Орадан роса беш минут ўтади.

— Ҳарбий юк машинаси-ку,— дейди Имрон.

Шериклари индашмайди, лекин улар ҳам машинани кўришганди.

Деҳқонлар кўзларини олмай олисга қарайдилар. Қўққисдан тўзон булут кўпая бериб, узун оқ лента шаклига киради. У борган сари яқинлашиб кела бошлайди.

— Бутун бошли колонна-ку,— дея қўшиб қўяди Имрон.

Буни у унчалик ишонч билан айтмайди, унинг овозидан кўпроқ савол аломати келади.

Марҳум билан икки деҳқон жавоб беришмайди.

Мана, яланглик «дож» ва «жип» маркали машиналардан тушган ва сон-саноқсиз француз солдатлари билан тўлади. Район ўраб олинган ва атрофдан кесиб қўйилганди. Икки танк ва икки зерҳли автомашина қишлоқнинг нақ рўпарасига келиб тўхтади.

— Шу ерларни титкилаб чиқишади,— дейди Марҳум.— Текширишади-да, сўнг қайтиб кетишади. Ҳеч гап бўлмайди.— Кейин:— Ишқилиб, уларга бу ердан битта-яримта қочиб кетмоқчидай туюлмаса бўлгани. Ахир, биласизлар-ку, шундай ҳолларда нима бўлишини,— деб қўшиб қўяди.

Имрон бир нималар деб пичирлаб, ўр-нидан туриб кетади, лекин унинг гапига ҳеч ким эътибор бермайди: учовларининг фикри зикри солдатлар нима қилаётгани билан банд эди.

Шу кунгача бу ерлар қандай тинч эди: ҳеч қанақа ҳодиса рўй бермаганди — фақат у ер бу ердагина колонистлар<sup>1</sup>нинг узумзорларига зарар етказишди, бир неча пичан ғарамларига ўт қўйиб юборишди, икки-учта фермага ҳужум қилишди, андак тўқнашувлар бўлиб ўтди. Округ маъмурларига сездирмаган ва қон тўкмаган ҳолда партизанлар бу ерлар устидан назорат қилишни французлар қўлидан олиб аста-секин ўз таъсир доираларини кенгайтира бошладилар. Улар билан ерлик аҳоли ўртасида келишувчилик юзга келди.

Кўз етганча чўзилиб кетган текисликни француз қўшинлари босди. Мана энди француз солдатлари уйларга бостириб кира бошлайдилар, йиғи овозлари, ёрдам

---

<sup>1</sup> Бошқа юртдан кўчиб келган, колонияда яшовчи аҳоли (тарж.).

сўраб қилинган доду фарёдлар эшитила бошлайди, шовқин-сурон осмонга ўрлайди. Эркаклару аёлларни, қариялару болачақаларни кўчага улоқтириб ташлайдилар. Эркакларни хотин-бола-чақаларидан ажратиб, ҳаммаларини бир ерга ҳайдаб бориб тўглайдилар.

Марҳум ҳам шерикларига ўхшаб қимир этмай чўнқайиб ўтирганича бўлаётган тўс-тўполонни кузатади. Улар бир неча дақиқа индамай кузатишиб туришди. Кейин Марҳум:

— Бор Мўханд. Яширинишга ҳаракат қилиб кўр,— дейди.

Мўханд Марҳумга мовий кўзларини тикади! Сиртдан қараганда йигитнинг ёши йигирмалардан ошмаган. У баланд бўйли, қадди-қомати келишган, билаклари йўғон, эпчиллиги ва бўйнининг йўғонлиги тумоқли чакмонининг тагидан ҳам билиниб турарди. Унинг бежирим юзида болаларга хос ажабланиш ифодаси пайдо бўлади.

— Бор!— дея такрорлайди Марҳум.— Эҳтиёт бўл, тагин уларнинг қўлига тушиб қолма!

Йигит кўзини ерга тикканча жилмаяди.

— Узингиз-чи?

— Бор деяпман сенга. Мени қўявер.

Деҳқон йигитнинг юз ифодаси қатъият ва кескин тусга киради. У миқ этмай ерга қараганча ўтиради.

Марҳум унга ялина бошлайди:

— Тушунсанг-чи, ахир. Сен бориб дўстларимизга хабар беришинг керак... башарти, бирор кори ҳол бўлиб қолгундай бўлса...

Мўханд ўрнидан туради. У шерикларига қайрилиб ҳам қарамай, илдам қадам ташлаганча пилдиллаб кетади ва сал ўтмай уй орқасига ўтиб кўздан йўқолади.

У кўздан ғойиб бўлгач, Марҳум билан иккинчи деҳқон ирғиб ўринларидан туришади.

— Эҳтиёт бўл!— деб насиҳат қилади Марҳум шеригига.

— Хавотирланма,— дейди сал дудуқланиб, аъзойи бадани пайдан иборат бўлган, соч-соқоли қоп-қора деҳқон.

Улар ажралишадилар.

Марҳум уйга кирар-кирмас, унинг орқасидан ҳаллослаганича кўзлари чақнаб кенжа ўғли Саид киради.

— Дада! Мен бориб Алини огоҳлантириб келдим!

У азбаройи нафаси оғзига тиқилганидан бошқа ҳеч нима дея олмайди.

Марҳум уни бағрига босиб, бошини силайди. Бола эркаланиб отасининг пинжигига киради.

Ҳар сафар бирор шубҳали ҳаракат сездигунча бу тўғрида уйи ҳаммадан юқорига, тоғ чўққисига яқин ерда бўлган Алини хабардор қилиб қўйиш Саидга топширилган. Ўз навбатида Али ҳам хавф-

хатар тўғрисида тоғларга қўйилган бошқа соқчиларни огоҳлантиради.

Кўчада шовқин-сурон ва дод-фарёд овозлари тобора кучайиб боради: хотин-халажларнинг чинқириб йиғлагани, қасир-қусур отилаётган ўқ товушлари эшитилади. Марҳумнинг томоғига алланима тиқилгандай бўлади. У ўғлини бағрига қаттиқроқ босади.

Шу ўртада қизларини эргаштирганча қўшнилар уйдан Бебра югуриб чиқади-да, қўрқув аралаш эрига ташланади:

— Одамларга қараб отишяпти!— дея қичқиради у.

Унинг офтобда қорайган чеҳраси бирданига ваҳимадан бўздай оқариб кетади: шундоққина эшиклари олдида французча гаплашган овоз эшитилиб қолади.

— Бекининг,— дейди бўғиқ товушда Бебра.— Худо хайрингизни берсин, яширининг.

Аммо у сўзини тугатмасданоқ француз солдатлари уйга ёпирилиб кириб, уларни ўраб олади-да, ҳаммаларини туртиб-суртиб кўчага ҳайдашади. Марҳумни бирталай соқчилар таъқиби остида эркаклар олдига, далага ҳайдайдилар. Бебра билан болаларини эса, бошқа томонга қараб ҳайдаб кетадилар.

Буйруқ кетидан буйруқ берила бошлайди. Марҳум ўзига жуда яқин автомат ўқталиб турган соқчига кўз қирини ташлаб, итоат билан қўлларини кўтаради; бу соқчи соқоли яхшилаб тарашланган, оф-



тобда куйган мўйловли ёш бир ўспирин бола эди. Унинг ранги ваҳимадан бўздек оқариб кетган, қўллари қалтирарди.

«Сен ҳақиқатан ҳам бунақа ишларга ҳали одатланмаган кўринасан»,— деб ўйлайди Марҳум.

Шунда бир тусмол уни саросимага солиб қўяди. «Бу чақиқ бўлиши керак». Маҳбуслар сони борган сари кўпайиб боради, салдан кейин бу ерга қишлоқнинг бутун эркакларини ҳайдаб келишади. Хотин-халаж кўринмасди. Улар турган томондан оҳ-воҳ, йиғи-сиғи ва умидсизланиб қилинган нолиш садолари эшитилиб туради. Наҳотки, солдатлар уларга озор беришга журфат этсалар? Ниҳоят, хотин-қизларнинг доду фарёдларининг маъноси Марҳум ва бошқа деҳқонларга англашилади. Французлар уйлардан кийим-кечак, ўрин-кўрпа ва қўлларига тушган нарсаларни олиб чиқишиб, юк машиналарига ортишарди. Улар буғдой, ёрма ва зайтун мевалари солинган қопларни, ёғ солинган идишларни, хуллас, деҳқонларнинг бор буд-шудини машинага ортишарди! Улар биронта уйни ҳам қолдирмай бўзчининг моксидай биридан чиқиб, иккинчисига киришар, талашар ва у ердан ўзларида йўқ хурсанд бўлиб хахолаб чиқишарди. Марҳум тўртта солдат биргалашиб хотинининг шкафи ичидаги мол-холи билан олиб чиқишгани ва тарақлатиб машинага улоқтиришганини кўрди.

Шундан кейин уйдаги молларга нав-

бат келади: солдатлар барча парранда-ю, чаррандаларга аралашига ўқ уза бошладилар. Ҳовлиларда ҳаддан ташқари шовқин-сурон бошланади: ҳуркиб кетган эшаклар, товуқ, хўрозлар, қўйлар, эчки-улоқлар, сигир-бузоқлар ва хачирлар дуч келган томонга ўзларини отар эдилар, баъзилари тепалик ён бағригача югуриб боришар ва тўсатдан отилган ўқдан ирғишлаб бориб таппа ағдарилар эдилар. Бир қанча моллар қора қонларига беланганча типирчилаб ётарди, паррандалар худди одамларга ўхшаб қичқирарди. Бир от бамисоли эртаклардаги сингари осмонга бир ирғийди, кейин олдинги оёқларини осмонга кўтариб туриб, шикоятмуз кишнайди-да, шу алфозда бир неча секунд туради. Унинг кўриниши ваҳимали эди, тумшуги юқорига кўтарилган, бўйни ҳаддан ташқари чўзилиб кетган эди. Охири, у ерга қулайди-да, жон талвасасида типирчилай бошлайди. Солдатлар хахолаб кулишади. Марҳум ўзининг қўриқлаб турган йигитга кўз қирини ташлайди, унинг дағ-дағ титраб, саросимага тушиб турганини кўради. «Хўш, ана, кўриб қўй, сўзлаб беришингга гап топилади»,— деб ўйлайди Марҳум.

«Чақиқ!» деган фикр яна юрагига ханжардай санчилади. Аммо унинг бунга ишонгиси келмайди, қалбига жойлашиб олган даҳшатли шубҳани чиқариб ташлашга уринади. Марҳум бундан кейин нималар бўлишини кўрмоқчи.

Отишма анча маҳалгача давом этади, молларнинг ўликлари ҳамма ёқни тутиб кетади. Отишмадан омон қолган моллар даҳшатга тушиб, бир-бирларини босиб-янчиб далага қараб қочадилар. Ўшалар орасида Марҳум ўзининг эшагини ҳам кўриб қолади. Қўнғир эшак пастликка тушадиган айланма сўқмоқдан югурарди. Жон бераётган отнинг шикоятли кишнаши қулоққа чалинади, бу гоҳ хурракка, гоҳ ёш боланинг йиғисига ўхшаб эшитиларди. От деярли қимир этмаётир, лекин ора-сира жон талвасасида сўнги бор ўрнидан туришга талпиниб кўрарди. Солдатлар отнинг атрофини ўраб олдилар. Шу маҳал бошқа солдатлар ҳам пайдо бўлади, улар бир деҳқонни автоматлар билан ниқтаб ҳайдаб келишарди. Марҳум асирнинг Рамазон жинни эканини билади. Чамаси, Рамазон эси чиқиб кетганидан бирор хилват ерга яширинган бўлса керагу, солдатлар уни топиб олганлар. Рамазон бўйинини қисганича келарди. Автоматдан кетмакет ўқ узиб, уни ҳам жон бераётган отнинг ёнида қулатдилар. Рамазон нола қилиб бақирди-да, ерга ўтириб қолди. У бир нарсадан ажаблангандай шу ҳолатда қолди. Автоматдан навбатдаги кетмакет узилган ўқдан кейин Рамазон гўё ўтиришдан чарчагандай муккаси билан кетиб, узала тушди. Лекин унинг оёқлари жон талвасасида қимирлаб-қимирлаб қўярди.

Текширув бошланди. Деҳқонларнинг ким эканини аниқлаш учун учта-учтадан

қилиб юк машинаси олдига олиб келдилар, машинада қўлларида рўйхат билан ҳарбий ёки гражданча кийинган французлар туришарди. Баъзиларини узоқроқ тутиб, кейин бир чеккага олиб чиқишарди. Марҳумни ҳам шундай қилишади. Бу ажратишнинг маъноси нима эканини тушунолмаганидан, бу муаммога жавоб топишга уриниб, солдатларнинг ҳар бир қўл ҳаракатини кузатади. Деҳқонлар эса кети узилмай келишмоқда. Олисдан чўзиқ увлаган товуш эшитилади — итлар гўё катта бир фалокат юз беришини сезганга ўхшайдилар.

Текширув тугайди. Марҳум тушган тўдани юк машинаси олдига олиб кетишади, бошқа деҳқонларга эса тегишмайди. Марҳум энди машинага чиқмоқчи бўлган ҳам эдики, унинг номини айтиб, лекин ўлгудай бузиб чақиришади. Марҳум ўгирилади. Уни олиб бориб, «жип» машинасига итариб киргизишади. Тўрт солдатнинг қоровуллигида Марҳум машинанинг орқа ўриндиғида ўтиради. Ёнида ҳозиргина далада соқчилик қилган мўйловли ёш малла солдат йигит ўтиради. Марҳум ҳайрат билан французни кўздан кечиради: солдатнинг кўз қарашида ҳеч қандай маъно йўқ, афтидан, унинг хаёли олисларда кезади: Марҳум, булар бизнинг мамлакатларга тааллуқли бўлган ҳамма нарсаларга ҳам худди ана шундай назар билан қарар эканлар, деб ўйлайди.

Моторлар гуриллади. Қаердадир, яқин ўртада ҳали ҳам ўқ товушлари эшитилар, ўқлар даҳшат билан «пақилларди». Колонна шовқин-сурон билан йўлга чиқади. Чанг-тўзон осмонга кўтарилади ва аста-секин чанг пардаси қуёш ботиш чоғидаги сарғиш-бинафша ранг осмонни кўздан яширади.

Жонсиз тоғу тошлар орасига қоронғилик чўкади.

Қоронғилик тушиши билан ҳамма ёқдан бараварига итларнинг ҳуриши эшитилди.

Машиналарни доду фарёд билан кузатаётган одамларнинг овози ҳамон тинмаган эди. Анча вақтгача нолиш ва койиш товушлари эшитилиб туради. Лекин бора-бора текисликка яна жимлик чўкади.

Ора-чўра итларнинг чўзиқ увиллашлари эшитилиб қўяди, аҳён-аҳёнда қишлоқдан кимларнингдир овози қулоққа чалинади. Аммо сукунат ва осойиш ер юзиде қоплаган эди. Ойсиз бу зулмат кеча осмонида юлдузлар чарақлайди, қилинган зулму тааддий ва харобалик руҳи кезиб юрганга ўхшайди: чигирткалар тинмай чирқиллашади ва бу товушлар кечанинг ажойиб сукунатини янада аниқроқ таъкидлаб туради. Ялангликлар устида қуриб қолган ҳаётдан бебаҳра буталарнинг шох-шаббалари, осмонда агава дарахтларининг қинғир ва найза япроқлари ваҳимага солувчи ҳолатда қимир этмай турганга ўхшаб кўринади.

Қияликдаги тошдан қурилган уйлардан бирида милтиллаб шам ёниб турар ва уй ичида бир кампир яланг оёқ юрарди. Ташқари иссиқ бўлишига қарамай, кампир дуч келган ҳамма кийимларни кийиб, бошига қалин рўмол ўраб олганди. Гоҳо у тўхтаб, икки қўлини тиззасига тираганича чуқур хўрсиниб қўяди. Нафасини ростлаб олгач, яна майда қадам ташлаб, хонанинг у бурчагидан бу бурчагига юра бошлайди.

Қадимий чироқ тутаб ёнаётган қора уйнинг тўридан эркак кишининг салмоқдор овози эшитилади. Сахли ота ибодат қилиб, тўғрироғи, намозни ўқиб бўлиб фотиҳа ўқияпти. Унинг гавдаси кўзга ғира-шира чалинади, чол фотиҳага қўл очганича оллоҳдан мадад кутгандай чўккалаб ўтиради. Ибодат ҳар вақтдагидан кўра кўпроқ чўзилади. Чолнинг қандайдир ғамгин овози кампирни ҳайратга, ваҳимага солаёзди. Бирданига у ибодатдан тўхтайди... Сахли ота юзига фотиҳа тортиб, соқолини силаб қўяди. Кейин ўридан туриб хонанинг у бурчига боради, у ҳам оёқ яланг.

Солдатлар кетиши биланоқ Сахли ота бошқа деҳқонлар билан бирга молларини ахтаришга чиқади. Молларнинг бир қисми отиб ўлдирилган, қолган қисми эса, агрофга тарқалиб кетганди. Узоқ вақт ахтаришгандан кейин бир қисм молларни топиб қайтариб келишди. Аммо уйларидан ҳеч вақо тополмайдилар. На кийим-кечак,

на озиқ-овқат ва на уй-рўзгор асбоблари қолганди. Ҳаммасини олиб кетишган, озиқ-овқатдан эса бир кап ҳам нарса қолмаган эди. Идиш-товоқларнинг синиқ бўлаклари-ю, шошилишда олишга улгурмаган ёхуд йўлда тушиб қолган баъзи бир майда-чуйдаларгина қолганди, холос. Сахли отанинг бугун дучор бўлган таҳқирларидан ҳали ҳам ўзига келмаган хотини ёнини қандай тинтиганларини эрига гапириб беради. Унинг ёнидан рўмолчага тугилган ўн дуру пул топиб, қанчалик қаршилик кўрсатишига қарамай, тортиб олишади.

— Теварак-атрофимизда — олдинда ҳам, орқада ҳам ўқ визилларди...— Шуларни гапириб берар экан, кампир ҳаяжондан қалтирар эди,— лекин бизнинг фалокатимиз ариб худо асради-да, бўлма-са уйга омон қайтмаган бўлардик.

Молларини топиб келиб оғилларга қамганидан кейин, қишлоқ аҳли уй-уйларига яшириниб олдилар, улар туннинг улкан қалби тепишига қулоқ солишарди. Беҳад сукунатни чўлнинг қулоқ эшитмайдиган даражада теран ва ноаниқ сирли овозини тарқатаётган шамолнинг бўғиқ қўшиғидан бўлак ҳеч нима бузмайди.

Сахли ота унча камбағал эмас, уни ҳатто ўзига тўқ деҳқон дейиш мумкин. Унинг иморати атрофи харсанг тошлар билан ихота қилинган кенг ҳовлининг тўрига тушган. Иморат пастак-пастак томли уч хонадан иборат, ёнида эса кенг бостирма, унинг остига охурлар қурилган, чунки

бу ер ҳам отхона, ҳам оғилхона, ҳам сарой вазифасини бажаради. Иморатнинг томи кичкина-кичкина юмалоқ черепица билан ёпилган. Қирқ бошдан иборат қўй ва эчки подаси ҳовлидаги қўрада қисилишиб туради, у ердан қўй-эчкиларнинг қий ҳиди келади. Бостирма тагига учта эшак, бир хачир ва бир сигир боғланган. Қоронғида тирик жониворларнинг борлиги ва ўша моллар ором олаётган томондан эшитилаётган майин шитирлаш кишиларни андак хотиржам қилади. Олия кампир, худо билади қаердандир озроқ туюлган арпа топди. Катта сопол товоққа кускус деган овқат сузиб, унга эчки қатиғи қўшди. Кампир йигирма ёшли кенжа ўғли Обидни овқатга чақирди. Кампирнинг пешанасида ёлғиз шу ўғлигина қолганди, икки катта ўғли бундан бир неча кун илгари ўлдирилганди. Обид овқат тепасига келмай, ҳовли юзида аллақандай иш билан куйманиб юрарди.

— Обид,— дея яна чақиради онаси, эшикка чиқиб,— овқат пишди.

Охири, Обид келади. Учовлари сопол товоқ атрофида чўнқайиб ўтиришади. Ота-боланинг қошиқлари навбатма-навбат товоққа тушиб чиқарди. Олия кампир овқатга қайрилиб ҳам қарамайди.

— Олинг, ойи,— дейди Обид.

— Егим келмаяпти. Томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди.

Кампир ўғлига қараркан, кўзига ёш келиб, овоз чиқармай йиғлайди, офтобда



куйиб қорайиб кетган серажин юзларидан кўз ёшлари оқиб туша бошлайди.

Ота-бола миқ этмай овқатларини ичишаверишади. Галма-галдан сопол кўзани бошларига кўтариб эчки қатиғини хўриллатиб ичишади-да, кейин яна овқатга қошиқ узатишади.

Олия кампир уларга разм солиб қарайди. Унинг оғир, меҳнатда чиниққан бада ни пишиқ, кучли ва бутун сиймосидан обрў-эътибори ва покизалиги сезилиб туради. Оиланинг бошига тушган оғир мушибатга қарамай, кампирнинг чеҳрасидан эзгулик ва меҳрибонлик ифодалари аримаган. У сал ажабланганга ўхшаб кўринадди: қандай қилиб оламда шунчалик ёмонлик бўлиши мумкин?

Сахли ота қошиғини стол устига қўяди. Отасининг ҳурмати учун ўғли ҳам бўлди қилади. Чол бошини кўтаради. Чолнинг кўриниши ғазабли эди. Бароқ қошлари остидан Обидга шундай тикиладики, нақ у ёқ-бу ёғини тешиб юборгундай бўлади.

— Мен онангдан фақат яхшилик кўрдим,— дейди Сахли ота момақалдироқдай гумбурлаган овоз билан,— лекин шундай бўлишига қарамай уни ташлаб кетишимиз лозим. Қани, онангнинг ўзи айтсин. У сенинг отанг тўғрисида нима деярикин. Андишага бормай, очиқ-ойдин гапирсин. Шу кеча биз кетамиз, мен унинг эри, сен эса ўғли бўласан. Биз шундай ерга кетяпмизки, ҳар минутда ўлимга

дуч келишимиз мумкин. Мен худонинг олдига пок виждон билан бормоқчиман...

Чол индамай жавоб кутади. Бироқ хотини ҳам, ўгли ҳам чурқ этиб оғиз очмайди.

— Башарти мен онанг олдида айбдор бўлсам,— дейди энди сағал паст товушда андак ўйлаб тургандан кейин,— ёки кўнгилида мендан бирор хафалик ери бўлса, айтсин.

Ёнида бирга яшаб кексайган, ҳаётнинг барча ғам-аламларини биргаликда баҳам кўрган, унга энг вафодор чўридай хизмат қилган, муҳаббати туфайли бутун кўргуликларга бардош берган хотинига қайрилиб қарамай. У ўз ғурури ва ҳокимлигидан воз кечган эркакдай дейди:

— Мен хафа қилган бўлсам, у кечирсин, у хафа қилган бўлса, мен кечирдим.

Ярим соатлардан кейин Сахли ота ўғли билан биргаликда уйдан чиқади.

Бепоен осмонда сон-саноқсиз юлдузлар сузади, бутун борлиқ уйқуда, бирон нарса қимир этмайди. Қовжираб қолган ўтўланлар тиканли тоғолча ва кактус дарахтлари ўсиб ётган текислик аллақандай ваҳималар юртига ўхшайди. Чол тезда отланади: яхшилаб чархлаб қўйилган болтани қазиб олинса бас. Болта ўша кунни эрталаб Марҳум учратган жойга кўмилган. Тун хўмрайиб турган тепалик ҳалқаси ичида гўё жонсизга ўхшайди.

Далада олислаб кетиб бораётган икки кишининг қораси кўриниб туради. Ота-

бола қоронғиликда гўё кўзи боғлиқ одамлардек борардилар. Баъзида ҳуркиб кетган бирор жонивор оёқлари остидан чиқиб қочарди. Баъзан эса кўзи уйқуга кетган итлар акиллаб қўярди. Шамол бирдан босилиб, ҳаво бир ерда туриб қолгандай бўлади. Аммо йироқда, зим-зиё тун каби қорайган баҳайбат тоғлар орасида туман деса — туман эмас, аллақандай бир оромбахш нарса билинар-билиномас сузмоқда, худди томирда қон оққандай оҳиста оқмоқда ва бу унсиз даштга сингиб кетмоқда.

Обид ҳайратда — у ниманики кўриб сезаётган бўлса, ҳаммаси мотам либосига буркангандай бўлиб туюлади. Баҳайбат тоғ чўққилари тепасида гўё чирилдоқларнинг чириллашига жавоб бераётгандай милтиллаб турган юлдузларгина хотиржамга ўхшайди, холос. Юлдузлар осойишта оламга чарақлаб нур таратиб туради. Йигит отасининг кетидан ҳеч нимани ўйламаганча чурқ этмай, изма-из боради. У қаерга кетаётганини ҳам билмайди, уни тақдир қудрати етаклаб боради.

Сахли ота қандайдир бир уй олдига келиб тўхтайди. Қоронғида бўлса ҳам Обид бу уйнинг деҳқон Лаешийники эканини танийди. Сахли ота эшикни тақиллатади, ичкаридан овоз келгач, ўз номини айтади. Эшик орқасида қандайдир тушуниб бўлмайдиган шовқин эшитилади, бир зумда жимжит бўлиб қолади. Ота-бола сергак бўлиб кутиб турадилар.

Бир зум Обидга гўё отаси қайтиб кетмоқчи бўлгандай туюлади ва кўнглида шундай бўлишини орзу ҳам қилади. Аммо дафъатан эшик орқасидан бамайлихотир берилган овоз эшитилди.

— Ким у? Шундай бемаҳалда нима ишларингиз бор?

Таниш овоздаги бу хотиржамлик йигитни андак хижолат қилди.

— Бу мен, Сахлиман...— дея жавоб беради чол.

— Сахли?— дея ҳайрон бўлиб сўрайди эшик орқасидан кимса.

Орадан анча маҳал ўтади. Чамаси, ичкаридаги кимса эшикни очсаммикан ё йўқмикан деб иккиланиб турарди.

— Шундай бемаҳалда нима қилиб юрибсан, қўшни?— Яна ўша хотиржам овоз эшитади.

— Эшикни оч, Лаеший? Биз сенинг бузоғингни топиб олдик. Мен уни кўкрагидаги малла белгисидан танидим. Бориб олиб кел бузоғингни.

Яна жимлик чўкади, бу жимликнинг таги кўринмайдиганга ўхшаб туюлади. Эшик орқасида одам турибдими, йўқми, билиб ҳам бўлмасди.

Қизиғи шундаки, бирданига ҳалиги овоз жуда яқиндан келади:

— Бузоғим ҳозир қаерда?

— Меникида деяпман-ку, азбаройи худо! Бошқа қаерда бўларди?

— Ҳа, албатта... албатта... Тўхтаб турчи, қўшни, — дейди Лаеший.

Эшик орқасига қўйилган оғир тамба олиниб қулфнинг очилгани эшитилади. Ниҳоят, эшик ғийқиллаб очилади.

Лаеший уйдан чиқади. Эшикни беркитмай чол билан бирга йўлга тушади. Улардан бир неча қадам кейинда Обид боради. Учовлари ҳам индашмай боришарди. Бирданига қоронғилик қучоғида англаб бўлмайдиган бир ҳодиса юв беради. Обид нима бўлаётганини айтиб беролмаган ҳам бўларди: гўё қоронғида шиддатли кураш бўлаётгандай ва бирданига отасининг секингина буйруқ тарзида гапиргани эшитилади:

— Боғла уни, Обид! Тез бўл, тентак! Арқон билан... йўқ, менинг белбоғимни ечиб ол...

Лаешийнинг қўлини орқасига боғлашади. Обид ҳали ҳам нима бўлаётганини тушунмайди. Қўл-оёғи чамбарчас қилиб боғлаб ташланган Лаеший ерда қимир этмай ётади ва ҳаллослаб пишиллайди. Ётган ерида унинг овози эшитилади.

— Пушаймонман, биродарлар...

У бақирмоқчи бўлиб ҳаракат қилиб кўради. Сахли ота унинг гапини қўполлик билан бўлиб, оёғидан тортқилаганча хонадонлардан узоқроққа судрайди.

— Сен ҳали ўз биродарларингга хиёнат қиладиган бўлдингми... Хўш, нега?— дея сўради чол нафаси оғзига тиқилиб, Лаешийни оёғидан судраб борар экан.

— Пушаймон бўлдим... Мен мусулмонман...

Аммс чол айтганидан қолмай:

— Сен ўз биродарларингга хиёнат қилдинг... Хўш, нега?— дея такрорлайди.

Лаеший зўрға эшитилар-эшитилмас жавоб беради:

— Мен мусулмонман...

Улар шу алфозда раҳба — кафтдек текис майдонча — бугдой янчаётган ерга етиб боришади. Шунда Сахли ота бамисоли катта қора молнинг нимтасидай оғирлашиб кетган Лаешийни ерга ташлайди. Чол энгашиб унинг қулоғига пичирлайди:

— Сенинг касофатингга фарзандларимни ўлдиришди... Буни инкор этолмасан-а? Хўш, бугун нима бўлди? Қанчадан-қанча одамларни тутиб кетишди, уларни қатл этишади. Сенинг уларга юрагинг ачимади, сен бизларни сотдинг. Хўш, нима учун?.. Бизлар сенга нима ёмонлик қилдик? Буларнинг ҳаммаси учун худонинг олдида жавоб берасан, сен...

Лаеший беҳуш бўлиб қолгандай қимир этмай ётади. Сахли ота жон-жаҳди билан:

— Сен бунинг учун худонинг олдида жавоб берасан!— дея такрорлайди.

Ердан аллақандай хирилдоқ вақир-вуқур қилган, одам боласининг овозига ўхшамайдиган товушлар эшитилади,— бу Лаешийнинг ёлбориши бўлса керак.

Сахли ота бир оз юмшайди. Ундан беҳад хафалик нидолари эшитилади.

— Ўлимга ҳозирлан,— дейди паст товушда Сахли ота ва Лаешийни кўтариб,

тиз чўктириб қўяди...— Жонингни қодир худога топшир... Худога илтижо қил, сен билан бизнинг орамизни очди қилсин.

Зим-зиё тунда болтани сиқиб ушлаган қўл юқори кўтарилиб пастга тушади. Лаеший: «Мени кечир»,— дейишга улгуради ва шалпайганча ерга қулайди. Шу дақиқада ўлишини сезган ит увлаб юборади.

Сахли ота ўғли билан қоронғилик қўйнига кириб кўздан ғойиб бўлишади.

---

## XVII

---

**Н**имани ўйлаяпсиз, Мухтор? Сиз жуда кўп хаёл сурасиз. Вақтинча хизматдаги ишларингизни унутиб тулинг.

Мухтор Рой ўгирилиб қайнағасига қарайди ва атрофини ўраб турган муҳитга фикран қайтишга ҳаракат қилади.

— Бизнинг мамлакатимизда кишилар қандай иш билан шуғулланишмасин, умуман, ёмон турмуш кечиришади,— дейди у.— Менга шундай туюлади. Аммо бизнинг қўлимиздан нима келарди?— У елкасини қисади. Бирор нарсани ўзгартиришга интилиш анчагина хатарли орзу.

— Биласизми, Мухтор Рой, гоҳо мен кўзингизга кўринишга ҳам ийманаман... Мен турмушнинг лаззатини татиб кўрганан. Эҳтимол, менинг дағал, бесўнақай дам бўлганимдандир... Ҳа, худди шундай. Мендан жаҳлингиз чиқмасин. Айбга

буюрмайсиз, яратилишим ўзи шунақа!  
Балки ноҳақдирман, лекин бу мендан  
кучлироқ...

— Бас, бас!— дейди кекса Ройи хоним,— сиз унинг унча-мунча бўлмагур гапларига эътибор берманг, унинг юрагида кири йўқ.

Оллал Толиб шартта кампир томонга ўгирилади.

— Жуда ҳам тўғри айтдингиз, Розия хола! Яратганнинг ўзи гувоҳ, менга қолса ҳамманинг иши жойида бўла қолса! Бировнинг бахтсиз бўлганини кўрсам, худди ўзимни айбдордай ҳис қиламан, юрагим гаш бўлиб ўзимни ўзим койиганим койиган. Қачонки...

Кекса Ройи хоним ортиқ унинг гапига қулоқ солмайди.

— Тўғри айтасан, ўғлим,— деб Оллалнинг сўзини бўлади у.— Сенинг гапларингга тун бўйи қулоқ солардим, лекин қандай қилай, сал чарчадим. Кечир мени, бориб ётай.

Кампир ўрнидан туришга урина, Оллал ирғиб туриб унга қўлини узатади.

— Ҳечқиси йўқ, Розия хола! Бизга ни дуо қилаверинг.

Ниҳоят, кампир инқиллаб, синқилди. ўрнидан туради. Икки букчайиб, вой-вс лаганча бир қўли билан белини ушла боради.

Оллал кампирни эшикнинг олдиғача кузатиб қўяди.

— Яхши тушлар кўриб ётинг, Розия



хола! — дейди у кампирнинг орқасидан ва келиб ўрнига ўтиради. Оллал Толиб ғижим бўлмасин учун шимини текислаб, стулга яхшилаб ўрнашиб олади-да, куёвига диққат билан боқиб, худди суҳбат бўлинмагандай, сўзини давом эттиради:

— Мухтор Ронй, сиз илмли одамсиз, ҳамме нарсага ақлингиз етади. Мен-чи, миямга нима келса, шуни гапиравераман. Ҳақиқатнинг нури илмда!.. Бизлар бамисоли бир подадай гапмиз, ҳеч балога ақлимиз етмайди, ўринлими-ўринсизми, оқибати нима бўлишини ҳам хаёлимизга келтирмай оғзимизга келганини валдирайверамиз. Ўзим тўғримда шуни айтаманки, қўполлик ва худбинлигим ошибтошиб ётибди, иродам етишмайди... Буни гапириб ўтиришимнинг ҳожати ҳам йўқ. Кўпинча...

— Азизим!— деб эътироз билдиради Емна.

— Оғзимга урма, синглим, бир юрачмни бўшатиб олай!

— Чой ичасизми?— дейди Мухтор Ронй.

У худди хижолат чекаётганга ўхшайди.

— Яна бир стакан дейсизми?— деб қаришонлик билан сўрайди Оллал Толиб.— Ҳа майли, ичсам ичай... Чой ташналикни қондиради.

Емна унга бир стакан чой қуйиб беради.

— Раҳмат, синглим.

У индамай ҳўплаб-ҳўплаб чой ича бошлайди. Шу маҳал боғ эшиги гижирлайди ва боққа гандираклаб маст Сабри Ласмар кириб келади.

— У, ў!..— дея Оллал Толиб Сабри Ласмарга икки букилганча таъзим қиладди. Мухтор Ройи билан хотини энсалари қотиб унга тикилишади.

— Мана, Сабри ҳам келиб қолди,— деб қўяди Оллал.

— Каминанинг ўзлари ўз оёқлари билан келдилар,— деб жавоб беради Сабри Ласмар.

— Кайф қилиб юрибсанми?

— Ҳа, кайф қилиб юрибман.

— Нима бўпти, ҳозир шундай қилиб юриш расм бўлган. Ҳеч қандай айбситадиган ери йўқ. Кишиларга ўзингни зодагонлар тоифасига мансуб эканингни кўрсатиш керак-ку, ахир. Хўп, етти ухлаб тушга кирмаган ажойиб расм-русумлар пайдо бўляпти-да! Мен бунга ҳечам кўни-колмайман.

— Чунки бу одатлар сизларга ярашмайди!

— Ундан кўра, бошқа қиладиган ишим йўқ дегин, қўйгин-да. Ўзига кучи етмаган одамгина куч-қуввати-ю, саломатлигини шундай бекорга сарф қиладди.

Сабри Оллал Толиб, эру хотинга синовчан назар ташлайди. Кейин стулга тескари ўтириб олади.

— Афтидан, мен сизларнинг бирорта муҳим масала устидаги баҳсингизни бўлиб қўйдим, шекилли. Давом эттираверинглар, давом эттираверинглар,— дея у суҳбатдошларга далда беради.— Илтимос, мени бу ерда йўқ деб ўйланглару, давом этаверинглар. Янга, нега мунча хафа кўринасиз!

Емна қалтираб кетади.

— Нега хафа бўлар эканман? Бу ишларнинг менга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сиз ўз хатти-ҳаракатларингизга ўзингиз ҳокимсиз, яна тоғангиз ҳам ҳоким бўлишлари мумкиндир.

— Наҳотки...

— Ана энди янгасининг жиғига тега бошлайди,— дейди Оллал Толиб ўксиниб.— Гапиравергину, лекин пичинг қилмагин, азизим!

Сабри хахолаб кулиб юборади.

— Йўқ, манави гапга қаранглар-а! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳо!.. Уни қаранг-а!

— Юрагим сиқилиб кетяпти.

— Юрагингизни эҳтиёт қилинг!

Сабри яна кулади.

— Сабри, бас қил!— дея бақиради унга Оллал Толиб.— Қачон қараса сен одоб-ахлоқдан кулганинг кулган. Менинг юрагим шундай аҳволни кўрганимда сиқилади. Тоғангнинг олдида-я...—кейин овозини пасайтириб Оллал Толиб илова қилади:— Менга-ку, барибир. Сирасини айтганда, мен сенга тушунаман.— Кейин овозини барала қўйиб давом этади.— Ўй-

лаб кўр. Ҳали ёшсан. Бу даврлар ҳам ўтиб кетади. Ўтганда ҳам, ёшлик ваъда қилган, умидланишга мажбур этган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам у билан биргаликда кетади... Фақат хотираларгина қолади, холос. Яна виждонинг олдида жавобгар бўлиб қолмагин. Шунда виждонинг, мана қанча қулай фурсатларни, қанчадан-қанча имкониятларни бой бериб қўйдинг, дейди. Сен ҳали ёшсан, бепарвосан, ҳозир ёшлик ғурури кўзингни ўйнатиб, юрагингни асир этади. Аммо маълум бир давргача...

— Эй, бунақанги нарсалар ҳақида гапиришнинг нима кераги бор?— деб сўзга аралашади Мухтор Ройй.

— Сизга нима бўлди, ака?— дея безовталаниб сўрайди Емна, илжайишга ҳаракат қилиб.— Сизнинг нима ишингиз бор?

Акаси секин жавоб беради:

— Бу ҳангамалар менинг ғашимга тегади, билдингми...

— Менга қаранг, Олал Толиб,— дея унга мурожаат қилади Сабри.— Менинг ҳаётимда юз бераётган воқеалар нега энди ғашингизга тегаркан? Сизнингча, мен қўлидан сариқ чақалик иш келмайдиган ландавур, тамаъгир инсон, сурбет ва маишатбоз йигитман, холос.

Мухтор Ройй ўрнидан туради.

— Йўқ, йўқ, Сабри! Ундай дея кўрма!

У Сабрининг олдига бориб, елкасидан қучоқлайди. Олал Толиб Сабрига майна қилгандек назар ташлайди.

— Мендан хафа бўлдингми, дўстим. Ахир, ҳечам хафа бўладиган ўрни йўқ. Бу гапларни азбаройи дўстлигим ҳурмати айтяпман, чунки сенга юрагим ачиди. Мен сени огоҳлантирмоқчиман: ҳозир омадинг келган, шунинг учун ошигинг олчи, аммо эртага омад қўлдан кетганда расвойи жаҳон бўлишинг мумкин. Мен сенинг тоғангни жуда қаттиқ ҳурмат қиламан, чунки у отанг ўрнида ота. Очигини айтсам, менинг кўнгилчанлигим ўз бошимга битган бало!..

— Мендан нима истайсизлар?— дейди зарда билан йигит.— Сизларнинг ишларингиз шундай мураккаб!— У хўрсиниб қўйди.— Хўп, яхши... раҳмат.

Оллал Толиб тескари ўгирилганча минғирлайди:

— Мен сени одам қилиш пайидаман! Қўлингдан қандай иш келишини ёлғиз яратганнинг ўзи билади. Сизлар билан муомала қилганда жуда ҳушёр бўлиш керак!

Ўртага жимлик чўқади. Мухтор Ройй қайтадан стулга ўтиради-да, чуқур хаёлга ботади.

Сабри кетмоқчи бўлади.

— Хўш, шундай қилиб, тўйни қачон қилмоқчисизлар?— дея суриштириб қолди Оллал.

Сабри турган ерида қотиб қолади.

— Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бу нимаси?— ҳайрон бўлади Мухтор Ройй.— Бу ҳақда гап бўлган эди-ю, аммо...

— Закия... энди сира ўқимайдими?

— Нега энди? Ҳали бу тўғрида бирон-бир қарорга келинганича йўқ. Менимча, бунинг бир-бирига қандай дахли бор.

— Худое тавба! Закияни ўқитиб нима қилмоқчисизлар? Умуман, бу нима деган гап, ҳадеб ўқийсериш? Шуни билиб қўйингларки, мен ҳақиқий илм тарафдориман, лекин... бу билан нимага эришмоқчисизлар?

— Ҳозирги замон шароитида хотин кишининг муҳаббат қўйган юмуши бўлиши керак ва у ижтимоий ҳаётда ўзига муносиб маълум бир ролни ўйнаши керак...

— Хом хаёл қиялпсиз! Бундай қилиш бизларга ярашмайди, биз ҳали у даражага кўтарилганимизча йўқ. Эрақак киши-ю майли-я, аммо хотин киши!..

Мухтор Ройи пешанасини ишқалайди.

— Баъзида, мен чиндан ҳам хом хаёл қилаётганга ўхшайман. Ўзим билмаганим ҳолда бирорта жиноят қилиб қўйишим мумкин...

Ҳамма диққат билан унга тикилади.

— Йўқ! Мени шунчаки хаёл олиб кетди шекилли.— У жим бўлади, лекин шу заҳоти:— Бизлар нимага интиляпмиз ўзи?— дея илова қилади..

— Ҳа, нимага?— деб пичирлайди Олал Толиб.

— Билмадим,— дея эътироф этади Мухтор Ройи, овозини пасайтириб.

— Ахир, буни бошқаларга қараганда бизлар кўпроқ билишимиз зарур эди-ку,—

дейди ўшандай паст товушда қайниси.— Фақат шундай бир йўлни топиш керакки, у бизни...

— Балки биз адашиб юргандирмиз?..

— Оллоҳнинг ишларига қарши бо-ришга ҳеч қандай ҳақимиз йўқ.

— Хўш, нега энди?— дея қизиқиб сў-райди Сабри.

Оллал Толиб чўчинқираб Сабри томон-га кўз қирини ташлайди.

— Жуда ҳам манмансираб кетмадинг-ми, шаккок! Бизни ҳалокатга етаклаёт-ган нарса ҳам мана шу.

Сабри гап қайтармоқчи бўлди-ю, лекин бу фикридан қайтиб, «хайрли кеч» дега-нича чиқиб кетади.

Орага чуқур сукунат чўкади.

Ниҳоят, Оллал Толиб Сабри чиқиб кет-ган эшик томонга назар ташлаб:

— Шундай қилиб, Закияни шунга бермоқчимисизлар?— деб сўрайди.

— Мен қизимни зўрлаб Сабрига бер-моқчи эмасман,— деб эътироз билдира-ди Мухтор Ройй.— Шунингдек, қизим ҳам унга тегаман деб ўлиб қутулаётгани йўқ.

— Шундай денг?

— Сабри ҳам Закия қатори менинг фарзандим.

Мухтор Ройй ўлганининг кунидан зўр-базўр шундай дейди.

— Шубҳасиз,— деб унинг гапини тас-диқлайди қайниси ва алланечук бўлиб ранги ўзгаради. Аммо у дафъатан бир

нарса эсига тушиб қолгандай, чўнтагидан соатини олиб қарайди.

— У!.. Чоракам ўн бир бўлибди-ку.

У ирғиб ўрнидан туради.

— Роса шўрим қурийдиган бўлди! Хотиним уйга киритмайди. Утираверинглар, кузатиб овора бўлманглар, йўлни ўзим топиб оламан. Хайр, яхши қолинглар!

Аммо унинг қаршилик кўрсатишига қарамай, Мухтор Рой билан Емна уни кўча эшиккача кузатиб чиқишади. Ҳовли бўшаб қолади. Яна чигирткаларнинг чириллаши эшитила бошлайди.

Боғдан биринчи бўлиб Емна, унинг кетидан Мухтор Рой чиқади.

— ...Шундай яшагандан кўра ҳаётда бирор нарса қилиш даркор, деб албатта у ўзича ўйласа керак,— дейди Емна.

— Ким тўғрисида гапиряпсан? Тушунмаяпман.

— Закия тўғрисида... Имоним комилки, у худди шуни ўйлайди. Шунчаки сезиб турибман.

— Бу билан нима демоқчисан? Тушунтирсанг-чи!

— Мен тушунтира олмайман, аммо худди шундай бўлади. Мен бунга сезиб турибман.— У тўхтайтиди-да, бўйнини чўзиб бир нуқтага тикилади.— Биз худо қарған одаммиз... Бизнинг турмушимиз...

— Турмушимизга нима қилибди?

— Бизнинг турмушимиз. Ахир, у шундайки...

— Турмушимиз-а!



Мухтор Ройи у ёқдан-бу ёққа юра бош-лади.

— Узингни ўзинг осиб ўлдиргинг келади! Бу ерда шунақанги ишлар бўляптики...

— Йўқ, бунга сира ақлим етмайди! Хўш, бизнинг турмушимизда қандай ғайри табиий нарса бор экан?

— Мен қаёқдан билай, қизимизнинг тортаётган азобини кўриб айтдим қўйдимда. Назаримда, у тобора мендан узоқлашиб кетаётганга ўхшаяпти. Худди уни бошқа бир олам ўзига мойил қилиб қўйгандай.

— Йўқ, йўқ...

Мухтор Ройи ҳаяжон билан у бурчакдан-бу бурчакка юради. Кейин бирданига хотинининг олдига келиб тўхтади.

— Йўқ!

— Юр энди кириб ётайлик, вақт ҳам алламаҳал бўлди. Ҳадеб сиқилаверма.

Эру хотин ётоқхонага йўналадилар. Мухтор Ройи сира ўзини тинчитолмайди.

— Бизнинг турмушимиз? Бизнинг турмушимиз? Бунинг қанақанги ғайри табиий томони бор экан? Бизнинг бошқалардан ҳеч қандай фарқимиз йўқ!

Салдан кейин чироқлар ўчади. Энди ҳовли саҳнини фақат чарақлаб турган юлдузларгина ёритиб туради.

Закия пайдо бўлади, у худди шарпага ўхшайди.

— Хайрият кетишди-я,— дейди зўрға эшитиларли товушда.— Уларнинг гапи

тугашилини пойлаб ухлай олмадим. Қандай ажойиб кеча-я!

Закия боғ томонга юради, устунлар тагида тўхтаб кўкка боқади.

— Юлдузлар тобора хиралашмоқда, ҳали замон ой чиқади. Менга нима бўлди? Узим ҳам билмайман... Бу кечани аллақандай гўзал, эзгу ва ёрқин бир нур руҳлантирмоқда.

Закия жим бўлиб, осмонни мушоҳада қилишга бошлайди.

— Бизнинг ҳовли жуда ғалати кўрилади: уни чор атрофдан тоялар ўраб олган,— анчагача жим тургач, сўзини яна давом эттиради.— Муздек шабада эсиб, овозлар эшитилмоқда: аллаким ҳали ҳам бедор... Бечора ота-онам! Дада, сиз жуда яхши одамсиз, ойи, сиз ҳам.. Аммо... сизларнинг кўзингиз кўр, қулоғингиз кар. Сизлар ҳеч нарсани кўрмайсизлар ҳам, билмайсизлар ҳам.

Кеча унинг димоғига осуда ётган шаҳар ҳоврини келтириб урарди. Закия қулоқ солади.

— Эҳтимол, бир вақт келиб буларнинг ҳаммаси ўзгарар... Балки бизда табиий куч етишмаётгандир? Заиф бўлиш нақадар даҳшат!

Қиз яна жим бўлади.

— Мен нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Энди фақат ушалмас орзулар ҳақидагина ўйлашим мумкин. Гўё менинг қалбим зулмат ичида мадад сўраб қичқираётганга ўхшайди. Оламда умид билан

мадад сўраб қўл чўзадиган бирор нарса  
мавжуд бўлиши керак-ку, ахир.

Закия уй томонга йўналади. Тўхтайди.

— Соялар, соялар, соялар... Мен фа-  
қат сояларнигина кўряшман, менинг га-  
пимга қулоқ соладиган бирор жонзот йўқ.

— \* —

---

●

На узбекском языке

МУХАММЕД ДИБ

**Алжирский повесть**  
(Африканское лето)

Роман

Перевод с русского издания издательство  
Художественной литературы, Москва — 1962

---

Редактор Н. Содиқов

Расом Б. Штин

Расмлар редактори Ю. Павлов

Техн, редактор М. Мирқосимов

Корректор Ш. Зухриддинов

---

Босмахонага берилди 20/У 1968 й. Босишга рухсат этилди 3/И 1969 й. Формати 70x90<sup>1/2</sup>. Босма л. 6,75. Шартли босма л. 7,90. Нашр. л. 6,8. Тиражи 30 000.  
Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 32-67.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети  
Матбуот Давлат комитетининг Полиграфкомбинатда тайёрланган матрицадан 1-босмахонасида № 2 қозғоғга босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1970 йил, заказ № 79. Баҳоси 44 т.

---

---

И(Араб)  
М96

**МУҲАММАД ДИБ.**

**Жазоир қиссаси.** Роман. Русчада  
Р. Комилов тарж. Т., Ғафур Ғуло  
номидаги бадиий адабиёт нашриёт  
1970

216 бет. Тиражи 30 000.

**МУҲАММЕД ДИБ.**

**Алжирский повесть.**

И(Араб)